



ISSN: 2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУКУКИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
e LIBRARY.RU

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 1



TOSHKENT-2021

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6>

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абборжон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори*

Тошев Бобокул Норқобилович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар доктори*

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик
фанлари доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институтининг
директори, юридик
фанлар доктори, профессор*

Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Қозғоғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Годунов Валерий Николаевич

*Белорус давлат университети ўқув муассасаси
"Судьялар, прокуратура, суд ва адлия
муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти" директори,
юридик фанлари доктори, профессор*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА
№6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6>

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

Заместитель главного редактора:
Отажонов Абдоржон Анварович

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норкobilович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусајонович

Заместитель начальника Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Директор Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Годунов Валерий Николаевич

Директор учреждения образования "Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета", доктор юридических наук, профессор

Масъул котиб:
Рахманов Шухрат Наимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**
№6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6>

Chief Editor:
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD
**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of
the Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

*Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences*

Toshev Bobokul

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Deputy Head of the Academy of the General
Prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Director of the Legislation and Parliamentary
Research Institute under the Oliy Majlis of the
Republic of Uzbekistan
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

Baymoldina Zauresh

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of
Legal Sciences*

Godunov Valeriy

*Director of the educational institution «Institute
for retraining and advanced training of judges,
employees of the prosecutor's office, courts
and justice institutions of the Belarusian State
University», Doctor of Law Sciences, Professor*

Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Candidate of Juridical Science*

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. БЕКОВ Ихтиёр Рустамович

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ
ЖАРАЁНИДАГИ ИШТИРОКИ.....8

2. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

ҲУҚАРОСИЗЛИККА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ 16

3. МАХМУДОВ Алишер Абдусалимович

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ – ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ.....22

ҲУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

4. ХОМИДОВ Элдор Олимович

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ.....28

5. БАРАТОВ Миродил Хомуджонович, КВИТКОВ Ярослав Михайлович

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШ
МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР37

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

6. АБДУРАСУЛОВА Қумринисо Раимқуловна, ТОШПУЛАТОВ Акрам Икромович

МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ
(ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ МИСОЛИДА)43

7. САГДУЛЛАЕВ Фатхулла Шукруллаевич

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ
ТУШУНЧАСИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР51

8. АБДИКАДИРОВ Абдурахман Романович

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ.....57

9. ХАЛИЛОВ Акрам Утамуродович

АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТУВЧИ ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИНГ
ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ62

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. САТТОРОВ Дилшод Юлдашевич

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ	71
---	----

11. МАҲАМАТОВ Махмуд Махаматаминович

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	78
--	----

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

12. GAFUROVA Nozimakhon, ALMOSOVA Shahnoza

PRACTICAL ASPECTS OF THE CONCEPT OF THE RULE OF LAW	84
---	----

13. АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА САНОАТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИ	92
--	----

14. ТОШМАТОВА Висола Икром кизи

ПАНДЕМИЯ COVID 19 И ЕЕ МЕРЫ В РАЗНЫХ СТРАНАХ МИРА	99
---	----

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЙВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

БЕКОВ Ихтиёр Рустамович

Тошкент давлат юридик университети «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси
профессори в.б., юридик фанлари доктори
E-mail: ikhtiyorbekov@gmail.com
orcid.org/0000-0001-5367-7523

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДАГИ ИШТИРОКИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): БЕКОВ И.Р. СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДАГИ ИШТИРОКИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 8-15.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сиёсий партиялар фракцияларининг қонунчилик жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳуқуқий механизмлари тадқиқ этилган. Унда сиёсий партиялар фракцияларининг қонунчилик жараёнидаги иштироки босқичларга бўлиб ўрганилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонунчилик фаолияти аниқ статистик рақамлар орқали таҳлил этилган. Мақолада сиёсий партиялар фракцияларининг қонунчилик жараёнида иштирокини такомиллаштиришга оид таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: Сиёсий партия, фракция, қонунчилик жараёни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаси, қонунчилик ташаббуси.

БЕКОВ Ихтиёр Рустамович

И.о. профессора кафедры Конституционное право ТГЮУ,
доктор юридических наук
E-mail: ikhtiyorbekov@gmail.com
orcid.org/0000-0001-5367-7523

УЧАСТИЕ ФРАКЦИЙ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ЗАКОНОДАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются правовые механизмы, связанные с участием фракций политических партий в законодательном процессе. Статья рассматривает участие фракций политических партий в законотворческом процессе разделяя на временные этапы.

Законодательная деятельность фракций политических партий в Законодательной палате Олий Мажлиса проанализирована на основе достоверной статистики. В статье приведены предложения по улучшению участия фракций политических партий в законодательном процессе.

Ключевые слова: Политическая партия, фракция, законодательный процесс, Законодательная палата Олий Мажлиса, законотворчество, законопроект, законодательная инициатива.

BEKOV Ikhtiyor

Associate professor of the department Constitutional law, Doctor of Law

E-mail: ikhtiyorbekov@gmail.com

orcid.org/0000-0001-5367-7523

PARTICIPATION OF POLITICAL PARTY FRACTIONS IN THE LAW-MAKING PROCESS

ANNOTATION

The article analyzes the legal framework for the participation of the factions of political parties in the legislative process. The participation of the factions of political parties is studied based on the period phases. The legislative activity of the factions of political parties in the Legislative Chamber of the Oliy Majlis is researched based on reliable statistical data. The article provides suggestions for improving the participation of the factions of political parties in the legislative process.

Keywords: Political party, faction, legislative process, Legislative Chamber of the Oliy Majlis, lawmaking, bill, legislative initiative.

Маълумки, қонун чиқариш ваколати – замонавий парламентнинг ўзига хос “ташриф қоғози” бўлиб, унинг фаолияти барча бошқа йўналишлари ушбу асосий йўналишдан келиб чиқади, уни таъминлаш учун энг зарур шарт-шароитларни яратиш назарда тутилади. Тан олиш керакки, қонун чиқаришни амалга оширишда бошқа бирон-бир орган парламент ўрнини боса олмайди, чунки унинг табиати ва моҳияти, қўлланиладиган процедуралар, масалаларни ҳал қилиш шакллари ва усуллари бу парламент фаолиятининг хусусиятлари билан изоҳланади. Албатта, бу борада унинг вакиллик органи эканлиги хусусияти ҳам муҳим саналади.

Дунё микёсида ҳам давлат ҳокимияти механизмида парламентларнинг роли ва нуфузи ортмоқда. Бу борада “Парламентаризмни ривожлантириш” халқаро форуми қабул қилган декларация гувоҳлик беради. Унда иқтисодиётнинг янги технологик тузилмасига ўтиш ва барчани тезкор рақамлаштириш билан боғлиқ тартибга солишнинг инновацион йўналишларини қонунчилик томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаёт соҳалари, одамларнинг турмуш сифатини ошириш манфаатлари йўлида ахборот алмашиш ва уни муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари ва ягона стандартларини шакллантириш, давлат бошқарувида рақамли технологияларни ривожлантириш, ижтимоий соҳани ислоҳ этишда яқин ҳамкорлик қилишда парламентлар фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириш зарурлиги таъкидланди [1].

Партия тузилмалари қонун ижодкорлигининг барча босқичларида, шу жумладан қонунни қабул қилиш зарурлигини, унга эҳтиёж мавжудлигини аниқлашда; қонунни тайёрлашда; қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланишда; парламентнинг қўйи палатасида қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилишда иштирок этади.

Бироқ, фракцияларнинг ушбу босқичлардаги фаоллигини ошириш масаласи ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолмоқда. Хусусан, биз томонимиздан ўтказилган сўровнома натижалари кўрсатишича, респондентларнинг **61,3 фоизи** Олий Мажлис қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини бугунги кун талаблари даражасида эмас деб, иштирокчиларнинг атиги **11,8 фоизи** бу фаолиятни ижобий деб баҳолаган. Респондентларнинг **20,7 фоизи** бу борада етарли ахборотга эга эмаслигини ва **5,5 фоизи** умуман маълумотга эга эмаслигини билдирганлар. Келтирилган рақамлар бу хусусда жиддий фикрлашга ундайди. Айниқса, **26 фоиздан** зиёд сўров қатнашчиларига фракциялар фаолиятига оид ахборот етиб бормаётганлиги ташвишли бўлиб, парламент фаолиятини ОАВларда ёритиш борасида жиддий

муаммолар борлигини кўрсатади.

Сиёсий партиянинг парламентдаги фаолияти хусусиятлари уларнинг ҳам сиёсий жараёнларнинг субъекти, ҳам сайлов жараёни субъекти эканлигида намоён бўлади. Ушбу вазиятларда сиёсий партияни давлат ҳокимияти вакиллик органининг таркибий қисми тарзида давлат-ҳокимият принципи асосида қонунийлаштириш амалга оширилади ва шу билан партия давлат ҳокимиятини амалга оширишга реал таъсир ўтказиш имкониятини қўлга киритади.

Парламент фракциялари ва маҳаллий вакиллик органидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши улар фаолиятининг энг муҳим йўналишидир. Айнан ўз сиёсий мақсадлари ва вазифаларини, биринчи навбатда, қонунчилик соҳасида амалга ошириш қобилияти бу депутатлик бирлашмаси ва унинг аъзолари ишидаги касбий маҳоратнинг ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади. Сиёсий партия фракциялари ўзларининг сиёсий устуворликларига мувофиқ қонунларни ўз аъзоларининг қонунчилик ташаббуслари асосида, шунингдек, қўмиталардаги вакиллари иштирокида қабул қилинишига интилишади.

Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки унинг энг асосий функцияси ҳисобланади. Қонун ижодкорлиги соҳасида давлат ҳокимияти органларининг долзарб ахборот ва билимга эга бўлган шахслар билан доимий ва тезкор ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Бунда сиёсий партия фракциялари сиёсий йўналиши ва электоратдан келиб чиқиб, қонун ижодкорлигида ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини вужудга келтириш функциясини амалга оширади.

Мазкур соҳа сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан изчил ўрганилмоқда. Хусусан, Е. Шульман [2], К. Джавакова [3], И. Чесноков [4], Б. Ойланд, С. Обольт, С. Хикс [5] каби олимлар сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирокини янада кенгайтириш бўйича конструктив таклифларни илгари сурмоқда.

Мазкур олимлар фикрларини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, фракцияларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти демократик жамият учун сайловчиларнинг вакиллиги институти сифатида кўп қиррали манфаатлар фонида энг ижтимоий самарали усул ҳисобланади.

Олий Мажлиснинг қонунчилик функциясини таҳлил этишда, ушбу функцияни тавсифлашда турли хил атамалар ишлатилишига эътибор бериш зарур. Жумладан: “қонун чиқарувчи функция”, “қонун чиқариш жараёни”, “қонун ижодкорлиги”, “ҳуқуқ ижодкорлиги” ва бошқалар [6]. Тадқиқотимиз таҳлили учун энг мақбул ибора “қонун ижодкорлиги” тушунчасидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги нафақат қонунларни, балки бутун ҳуқуқни яратиш жараёнини акс эттиради, “ҳуқуқ ижодкорлиги” тушунчаси “қонун ижодкорлиги”га қараганда кенгроқ мазмунга эга бўлиб, бу тушунчаларни фарқлашга асос беради.

Профессор В.К. Бабаев қонун ижодкорлигини “қонун ижодкорлиги органида норматив ҳужжат лойиҳасининг расмий келиб чиқиши тартиби”, деб таърифлайди ва “қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, уни қабул қилиш ва эълон қилиш босқичларини” ажратиб кўрсатади [7]. Қонунчилик жараёни ушбу жараённинг ижодий томонига урғу беради, шунинг учун ушбу концепция қонунчилик ташаббускорлиги ҳуқуқига эга бўлмаган субъектлар – сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббусини ҳам қамраб олади. Бироқ, партиялар ўзларининг парламентдаги фракциялари орқали бундай ташаббускор сифатида ҳаракат қилишлари мумкин.

Маълумки, бундай ташаббус қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича таклиф шаклида ёки қонун лойиҳасининг тайёр матнини тақдим этиш, киритиш шаклида бўлиши мумкин [8]. Б. Исмоиловнинг таъкидлашича, “қонун лойиҳаси билан қонун таклифи ўртасида фарқлар мавжуд бўлиб, улар бу сўзларнинг том маъносидан кўриниб турибди: биринчиси, бўлажак қонуннинг матни барча атрибутлари (преамбула, моддалар, параграфлар, нормаларнинг аниқ ифодаланиши ва ҳк), иккинчиси эса фақат гоёни илгари суришни назарда тутди. Албатта, қонун лойиҳасининг барча атрибутларини ўз ичига олган ҳолати яхшироғидир [9]”.

Конституция қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларнинг доирасини белгилаб берган. Бизнинг фикримизча, қонунчилик ташаббуси субъектлари доирасини кенгайтириш зарурати мавжуд. Биринчидан, халқнинг ҳуқуқ яратиш борасидаги ташаббуси кенгайтириш туфайли, сиёсий партияларга ҳам бундай ташаббус ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ. Оммавий қонунчилик ташаббуси институти, масалан, Австрия, Испания, Италия, Швейцарияда қўлланилади. Айниқса Швейцарияда охириги йилларда асосий қонунчилик ташаббуслари сиёсий партиялар томонидан киритилган [10].

Фикримизча, сиёсий партиялар янги қонунни қабул қилиш масаласини кўтариб чиқиши мумкин. Партиялар кўп сонли аъзоларга эга, улар одатдаги фуқаролар бирлашмасидан

кўра кўпроқ уюшган, улар инсон, моддий, ташкилий ва бошқа ресурсларга эга. Шу сабабли, қонунчилигимизга сиёсий партияларга янги қонунни қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ташаббус кўрсатиш ваколатини бериш ҳақидаги қондани киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу соҳада бир қатор илмий тадқиқот ишларини эълон қилган олим К.Джавакова фикрича, сиёсий партия фракцияларининг прогнозлаштириш ва режалаштириш фаолияти қонун ижодкорлиги жараёнида

муҳим ўрин тутди [11]. Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлик жараёнида прогнозлаштириш орқали иштироки илмий асосланган позицияларни ишлаб чиқишни талаб қилса, режалаштириш муайян норма ишлаб чиқишда фракция ҳуқуқ ва эркинликларини вужудга келтиради.

Шу ўринда айтиш мумкинки, сиёсий партия истиқболдаги қонуниятларни моделлаштириш орқали давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини инобатга олиб, беш йиллик муддатга прогнозлаштиришни амалга оширади.

Қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида парламентдаги партиялар фракциялари ўзаро рақобатлашади ва шунга мувофиқ равишда қонунчилик жараёни сифатини оширишнинг асосий элементи бўлган ушбу рақобат муҳитини яратадилар. Партия фракциялари ва гуруҳлари деярли ҳар бир ўқишда лойиҳани ишлаб чиқишда ва қайта кўриб чиқишда қатнашиши, унинг мазмуни бўйича таклифлар ва эътирозлар билдириши мумкин. Лойиҳадаги зиддиятли масалаларни ва келишмовчиликларни ҳал қилиш учун келишув комиссияси тузилиши мумкин, унда фракциялар Қонунчилик палатасидан ўз номзодларини таклиф қилиши мумкин.

Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнида парламентнинг иш режаси алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фракцияларнинг компромиссини таъминлаш масаласи парламент томонидан алоҳида регламентлаштирилган. Хусусан, Германияда Бундестаг [12], Жанубий Кореяда [13] Спикер парламент иш режасини ишлаб чиқишда фракцияларнинг манфаатини инобатга олади.

Таъкидлаш жоизки, вакиллик органлари томонидан қонун ижодкорлиги функциясини амалга ошириш ҳали етарлича мукамал даражада эмас, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш бугун ҳам долзарб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5505-сонли Фармони билан тасдиқланган (2018 йил 8 август) “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси”да норма ижодкорлиги йўналишида мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда [14], – деб белгиланган. Ушбу жараёнга фуқаролар, ОАВ, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари илм-фан вакиллари кенг жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлигида жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Биз норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш ва муҳокама қилиш жараёнига ўз электратини жалб қилиш имкониятига эга бўлган партиялар фракциялари ва гуруҳларининг роли катта эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Партиялар фракциялари ва гуруҳлари томонидан лойиҳаларнинг эълон қилиниши электратни, жамоат бирлашмаларини ва фуқароларни қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш имконини беради. Бундан ташқари, бу уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида, илмий анжуманларда энг муҳим қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш имконини беради [15]. Ушбу чора-тадбирлар қабул қилинган қонунни амалга оширишда ўта аҳамиятли бўлган масала – фуқароларнинг қонун ижодкорлигига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга ёрдам беришидир. Шунинг учун фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш учун фуқаролик жамияти институтларини қонун чиқаришни назорат қилиш тизимини доимий равишда ривожлантириш, қабул қилиш ва амалга оширишда ошкоралик, очиқликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Қайд этиш жоизки, парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳалари ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилишида электрат билан муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур муҳокамалар фракция электратини манфаатлари нуқтаи назаридан қонунчилик жараёни натижалари учун кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш имкониятини беради [16]. Бундан ташқари, сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлигини амалга оширишда электрат билан муҳокама жараёнини рақамлаштириш долзарб аҳамиятга эга. Бир қатор

тадқиқотчилар, хусусан, Д.Пашенцев [17], М.Залоило [18], С. Петрова [19], Д. Биржанова [20] Н.Боброва, В. Сидоров [21], М.Адамс, С.Принцлар [22] қонун ижодкорлигини рақамлаштириш ва унда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтиришга оид фикрларни илгари суради.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботларида келтирилган маълумотлар [23] шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси сифатида 2 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси мажлисига олиб чиқилди. Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган **225** та қонун лойиҳаларига, партия фракцияси аъзолари томонидан партиянинг ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларидан келиб чиқиб, **478** та қонун ҳужжатларига таклифлар киритилди.

“Буюк Келажак” Халқаро нодавлат-нотижорат ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятидаги муаммолар таҳлили [24] шуни кўрсатмоқдаки, фракцияларнинг фаоллик даражаси парламентаризмнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Хусусан, парламентаризмнинг муҳим белгиларидан бири инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликлари билан боғлиқ масалалар халқчил қонун асосида тартибга солинишидир. Бу эса ўз ўрнида, фракцияларнинг тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича экспертлар ҳамда кенг жамоатчиликни жалб қилиш заруриятини оширади.

Қонун чиқариш фаолияти – бу мураккаб жараён бўлиб, унинг иштирокчиларидан ушбу соҳада маълум тажрибанигина эмас, балки тегишли билим ва малакани ҳам талаб қилади. Шунинг учун қонун ижодкорлиги субъектларини ўқитиш, уларда ушбу аниқ фаолиятда талаб қилинадиган кўникмалар ва профессионалликни шакллантириш зарур. Албатта, ҳар бир депутатнинг юрист бўлишини талаб қилиш утопия бўларди. Аммо, ҳуқуқий саводсизлик ва ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг, қолаверса, қонун ижодкорлигининг шартларидан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фракциялар фаолиятини илмий асосланганлигини таъминлаш мақсадида улар ҳузурида етарли билим ва кўникма ва тажрибага эга бўлган мутахассислардан иборат Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш таклиф этилади. Сиёсий партиялар фракциялари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фракциянинг прогностлаштириш функциясини амалга оширишга кўмаклашади. Кенгаш томонидан қонун лойиҳасига илмий асосланган хулоса бериш орқали сиёсий партиянинг яқин ва узоқ истиқболдаги позицияси партия электорати апробациясидан ўтказишга эришилади.

Шунингдек, бугунги кунда сиёсий партияларнинг қонун ижодкорлиги соҳасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликни изчил амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон Фармони билан тасдиқланган 2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги доимий вакили институти жорий этиш белгиланган. Мазкур вакилнинг сиёсий партия фракциялари ҳамда юқорида таклиф этилган сиёсий партия фракциялари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари йиғилишларига масала киритиш, савол бериш, таклиф бериш ва ўз эътирозларини асослантириш бўйича аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Сиёсий партия фракциялари қонун ижодкорлиги жараёнининг асосий иштирокчиси сифатида ушбу жараённинг барча босқичлари иштирок этади.

Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги икки палатали парламент тизимига эга бўлган, палаталаридан бири профессионал ва доимий бўлган давлатларга хос бўлган қонунларни қабул қилишнинг классик жараёни тарзида намоён бўлади. Қонунчилик палатасида партиялар фракциялари қонун лойиҳаларини қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этадилар, чунки қуйи палата томонидан қабул қилинган қонунни маъқуллайдиган Сенатда бундай фракциявий тузилмалар назарда тутилмаган.

Биз Е.М.Шульманнинг бу борадаги қуйидаги фикрини қўллаб-қувватлаймиз: Партия фракциясининг қонунчилик ишларида иштирок этиши “қонун лойиҳаларини режалаштириш, ёзиш ва уни парламентдан ўтказишда катта имкониятлар яратади”. Бундан ташқари, фракция (гурух) “ўз” депутатларининг қонунчиликдаги муваффақиятли иштирокидан манфаатдор, башарти, депутатнинг уларга бўлган қизиқиши унчалик юқори бўлмаса ҳам [25]”.

Лойиҳани кўриб чиқиш Конституция ва қонунларда, Олий Мажлис палаталари регламентида назарда тутилган барча тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши

лозим. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритгандан сўнг, Спикер қонун лойиҳасини олдиндан кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди. Шу билан бирга, фракциялар ва депутатлик гуруҳлари қонун лойиҳасини дастлабки кўриб чиқишда иштирок этадилар.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ва у бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий партиялар фракциялари ҳам масъул қўмита томонидан амалга оширилади. Қонун лойиҳаси бўйича масъул этиб белгиланган қўмита, фракцияларнинг фикрлари ва таклифларисиз ўз хулосасини бериши мумкин эмас. Қонунчилик палатаси Кенгаши, фракцияларнинг таклиф ва тавсиялари асосида тайёрланган масъул қўмитанинг хулосаси асосида аниқ бир қарорга қабул қилади.

Масъул қўмита томонидан қонун лойиҳаси бўйича ўтказиладиган дастлабки муҳокама жараёнида ҳам фракцияларнинг иштироки мажбурий алоҳида аҳамиятга. Қонунчилик палатаси Кенгаши бошқача муддат белгиламаса, масъул қўмита қонун лойиҳаси келиб тушган кундан бошлаб икки ой ичида лойиҳа бўйича фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини келтирган ҳолда Кенгашга кўриб чиқиши учун тақдим этади. Бу ерда фракция лойиҳанинг муқобил таҳририни муҳокама қилиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаш керак.

Агар сиёсий партиялар фракциялари томонидан муҳокамага қонун лойиҳаларининг муқобил таҳрирлари киритилса улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади [26].

Қонун лойиҳалари муҳокамасининг ҳар қандай босқичида, нечанчи ўқиш бўлишидан қатъий назар маърузачи масъул қўмита лойиҳа бўйича фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши шарт.

Фракциялар ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларининг жойларда фуқаролар иштирокидаги муҳокамасини ҳамда улар бўйича келиб тушган таклифларни ўрганишни сиёсий партиялар тегишли ташкилотларининг ходимларини жалб этган ҳолда ташкил этади. Фракциялар ўрганишлар якунларига кўра келиб тушган фикрлар ва таклифларни ўз мажлисларида муҳокама қилади, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқади, улар масъул қўмитага юборилади [26].

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қонунчилик фаолиятининг самарадорлиги парламентдаги депутатлар ва фракциялар ўртасида кураш қанчалик фаол бўлишига боғлиқ [27]. Парламентдаги партия фракцияларининг фаолияти, қонун ҳужжатларини муҳокама қилиш ва қабул қилишдаги позициялари қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифат даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, фракциялараро муносабатлар маърифийлик ва бағрикенглик билан ажралиб туриши керак, улар қатъий ҳуқуқий асосга қурилиши лозим.

Қонунчилик палатасининг қонун чиқариш фаолияти жараёнида фракциялар қуйидаги имкониятлардан фойдаланадилар:

- фракция депутатларининг палатанинг ялпи мажлисларида ва ихтисослаштирилган қўмиталар йиғилишларидаги нутқлари;
- палатанинг ялпи мажлисларида овоз бериш;
- палата депутатларига муайян масала бўйича алоҳида фикрларини билдириш учун баёнотлар ва мурожаатлар бериш;
- эшитувлар, конференциялар, семинарлар, “давра суҳбатлари”ни ўтказиш;
- фракция раҳбарларининг, шунингдек фракция аъзоларининг ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахслари билан учрашувлари;
- фракцияларнинг кенгайтирилган йиғилишларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларини таклиф этиш ва бошқалар.

Е.М.Шульман самарали қонун ижод қилишнинг олти та омилини ажратиб кўрсатади: парламентнинг ваколатлилиги; парламентнинг ташқи босимдан мустақиллиги; парламент ичидаги депутатлик бирлашмаси ва депутатнинг мустақиллиги ва етарли қонунчилик ваколатлари; парламент томонидан турли масалалар бўйича маданий баҳс-мунозара ўтказиш ва манфаатларни қонуний мувофиқлаштириш (келишиш) учун майдон (муҳит) яратиш; ташқи мустақил экспертларнинг қонунчилик жараёнига кира олиши; парламент фаолиятининг шаффофлиги [28]. Бизнинг фикримизча, амалда ушбу омилларнинг барчасидан қонун чиқарувчи фаолият жараёнида вакиллик органларида ташкил этилган партия тузилмалари фойдаланиши мумкин. Улардан моҳирона фойдаланиш, амалда кўрсатилгандек [29], ўз электоратининг эътиборини партияларнинг парламент фаолиятига жалб қилиш имкониятини беради.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Мурожаатномасида билдирилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, қонунчилик жараёнининг сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан парламент аъзолари ўз фаолиятини ташаббускор, эркин олиб бориш имкониятига эга бўлишига, мустақил экспертиза, оммавий ахборот воситаларининг эътиборини жалб қилиш ва жамоатчилик фикри каби воситалардан қандай фойдаланишига боғлиқ.

Шундай қилиб, қонун лойиҳаси бўйича ошкора мунозара ва жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши унинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади, бундай мунозаралар ва муҳокамалар энг кўп манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

Вакиллик органларидаги партия тузилмаларининг қонунчилик функциялари фракция томонидан қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилишни таъминлашга қаратилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу иш қонун лойиҳасини муҳокама қилиш учун қўшимча канал бўлиб, унинг аҳамияти, самараси кўп жиҳатдан партиялар тузилмалари фаолияти ва жамоатчилик эътиборини (электорат, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқалар) қонун ижодкорлиги жараёнларига жалб қилинишига боғлиқ.

Қонун ижодкорлиги – сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолиятида, шунингдек назорат фаолияти электорал, оммавий ташвиқот ва тарғибот ишлари каби парламентдан ташқари шакллари билан бир қаторда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Сиёсий партия фракциясининг позициясидан қатъи назар депутат ўз нуқтаи назарини билдирадиган қонун лойиҳаларини эркин муҳокама қилиш ва билдириш масаласи доим долзарб бўлиб келган. Дунёда ушбу масала бўйича 3 хил модель шаклланган: 1) индивидуаль модель (АҚШ), яъни партия позициясидан қатъий назар депутат ўз билганича овоз бериши мумкин; 2) фракция ягона депутат сифатида овоз беради, яъни қатъий фракцион интизомга амал қилинади (Буюк Британия, Франция, ГФР); аралаш модель (Бельгия, Швейцария, Нидерландия ва ҳ.к.) [30].

Бизнингча юқорида келтирилган 2-моделни парламентимиз амалиётига ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир депутат ўз партиясига содиқлигини намоён этиш мақсадида фракция позициясини қўллаб-қувватлаб овоз бериши мажбурий бўлиши шарт. Ушбу қоида фракциялар фаолиятини тартибга солишчи локаль ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланиши лозим. Албатта, ҳар бир депутат фракция йиғилишида қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эга, аммо у партия дастури ва парламентдаги партия тузилмаларининг кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда парламентда овоз бериши лозим бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки сиёсий партия ва электоратнинг манфаатларини мазкур жараённинг барча босқичида сайёр учрашувлар, сиёсий партия веб-сайтлари орқали он-лайн муҳокамалар, шунингдек, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан инновацион мулоқот платформалари орқали илгари сурилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Проблемы государственного управления. Ежемесячный обзор зарубежной литературы. Июнь 2018г. Том 2. №6 (7). – Т., 2018. – С. 8.
2. Шульман Е. М. Фракции, комитеты, аппарат: Участие парламентских партий в законотворческом процессе // Политическая наука. – 2015. – №. 1. С 180.
3. Джавакова К. К вопросу повышения эффективности участия партийных фракций в законотворческой деятельности // Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество. – 2016. – Т. 13. – №. 4. – С. 63-67.
4. Чесноков Д. Г. Сравнительный анализ реализации достижения целей социально-политических программ двух парламентских партий КПРФ и «Справедливая Россия» // Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 343-354.
5. Høyland B., Hobolt S., Hix S. Career ambitions and legislative participation: the moderating effect of electoral institutions // British Journal of Political Science. – 2019. – Т. 49. – №. 2. – С. 491-512.
6. Одилқориев Х., Тультеев И. Икки палатали парламент. – Т., 2005, Б 82-83
7. Теория государства и права / Под ред. В.К. Бабаева. – М.: Юрист, 2012. - С.330-331.
8. Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995, 87-88 – бетлар. Уша муаллиф: Конституция ва баркамол жамият орзуси. Т., 2012, 313-бет.
9. Исмаилов Б.И. Реализация права законодательной инициативы в правоприменительной практике зарубежных стран и Республики Узбекистан. – М., 2008. – С.34.

10. Законодательные инициативы и политические партии в Швейцарии // <https://www.swissinfo.ch/rus>
11. Джавакова К. К вопросу повышения эффективности участия партийных фракций в законотворческой деятельности // *Fuqarolik jamiyati*. Гражданское общество. – 2016. – Т. 13. – №. 4. – С. 63-67.
12. https://www.bundestag.de/en/documents/parliamentary_documentation
13. <https://www.assembly.go.kr/assm/userMain/main.do>
14. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон; 09.11.2019 й., 06/19/5870/4010-сон
15. Худайбердиев А. Парламентда қонун ижодкорлиги жараени // *Фалсафа ва ҳуқуқ*. – 2005. – № 1. – С. 65–69.
16. Шульман Е. М. Фракции, комитеты, аппарат: Участие парламентских партий в законотворческом процессе // *Политическая наука*. – 2015. – №. 1. С 180.
17. Пашенцев Д. А. Российская законотворческая традиция перед вызовом цифровизации // *Журнал российского права*. – 2019. – №. 2 (266). С5-18.
18. Залоило М. В. Некоторые вопросы цифровизации процедур оценки проектов нормативных правовых актов // *Российское государствоведение*. – 2018. – №. 4. – С. 138-149.
19. Петрова С. В. Политические процессы в Российской Федерации в условиях глобальной цифровизации // *Государственное и муниципальное управление. Ученые записки*. – 2019. – №. 4. С 173-176.
20. Биржанова Д. М. Перспективы демократизации нормотворчества на основе процесса цифровизации // *Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан*. – 2018. – №. 3. С 164.
21. Bobrova N., Sidorov V. Leading Provisions of the Digitalization, Law, and Science // 6th International Conference on Social, economic, and academic leadership (ICSEAL-6-2019). – Atlantis Press, 2020. – С. 317-322.
22. Adams M., Prins C. Digitalization through the lens of law and democracy // *Digital democracy in a globalized world*. – Edward Elgar Publishing, 2017. P 3-23.
23. Қуйида келтирилган барча фракцияларга оид маълумотлар сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаси фракцияларининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича тайёрланган Ҳисоботидан олинган.
24. <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-UZB.pdf> Т., - 85-86-б. / <https://uzbekistan2035.uz/uzbekistan-2035/>
25. Шульман Е.М. Фракции, комитеты, аппарат: участие парламентских партий в законотворческом процессе / *Политическая наука*. 2015. № 2. - С. 180.
26. 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун // <https://www.lex.uz/acts/39573>
27. Файзиев Ш.Х. Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба. Монография – Т., 2020. – Б. 6.
28. Шульман Е.М. Политические условия и факторы трансформации законотворческого процесса в современной России: автореф. дис. канд. полит наук. – М., 2013. – С. 11.
29. Членами фракции Демократической партии «Миллий тикланиш» рассмотрен ряд законопроектов / <https://parliament.gov.uz/ru/events/fractions/34017/>, режим доступа открытый, дата обращения 31 марта 2021г.
30. Куликов В.В. Место и роль партийных фракций в парламентах стран запада: сравнительный анализ. С 193-196. // <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-i-rol-partiynyh-fraktsiy-v-parlamentah-stran-zapada-sravnitelnyy-analiz-1/viewer>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси докторанти (DSc),
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: Jahangir89@inbox.uz

ФУҚАРОСИЗЛИККА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШЕВ Д.Х.
ФУҚАРОСИЗЛИККА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 16-
21.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги фуқаросизликни олдини олиш ва камайитиришга доир нормалар халқаро ҳуқуқ нормалари билан қиёсий таҳлил этилган. Миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлган коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик, фуқаросизлик, халқаро стандартлар ва ҳуқуқ нормалари, фуқаросизликнинг олдини олиш, фуқаросизликнинг тугатиш.

ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

Докторант Академии МВД Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент
E-mail: Jahangir89@inbox.uz

ВОПРОСЫ УНИФИКАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ КАСАТЕЛЬНО БЕЗГРАЖДАНСТВА

АННОТАЦИЯ: В статье дается сравнительный анализ норм законодательства Республики Узбекистан о предупреждении и сокращении безгражданства с нормами международного права. Выявлены коллизии и правовые пробелы в национальном законодательстве, даны научно обоснованные предложения и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: гражданство, безгражданство, международные стандарты и нормы права, предотвращение безгражданства, прекращение безгражданства.

YULDASHEV Jakhangir

The Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan, DSc candidate
Doctor of philosophy in law (PhD), associate professor
E-mail: Jahangir89@inbox.uz

ISSUES OF COORDINATION OF NATIONAL LEGISLATIVE NORMS REGULATING
RELATIONS ON STATELESSNESS WITH INTERNATIONAL STANDARDS

ANNOTATION

The article provides a comparative analysis of the norms of the legislation of the Republic of Uzbekistan on the prevention and reduction of statelessness with the norms of international law. Conflicts and legal gaps in our national legislation have been identified and scientifically substantiated proposals and recommendations have been made to eliminate them.

Keywords: citizenship, statelessness, international standards and norms of law, prevention of statelessness, termination of statelessness.

Инсоният ривожининг ҳозирги босқичида ҳам шахснинг фуқаросизлик мақоми билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаросизлик — апатризм (лотинча “apatris”, грекча “ἀ + πατρίς”) [1] ҳолатлари турли сабабларга кўра, жумладан, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хато ва камчиликлар ҳамда миграция билан боғлиқ муаммолар натижасида юзага келади. Бунинг оқибатида инсонлар бир тарафдан, давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлсалар, бошқа тарафдан, ўз келажagini мустақил равишда аниқлаш имкониятини йўқотади.

Фуқаросизлик ҳолати шахснинг асосий ҳуқуқлари, имкониятлари ва давлат хизматларидан фойдаланишни қийинлаштиради ҳамда инсонларнинг жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этишига йўл қўймайди, шунингдек давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муайян даражада тўсқинлик қилади. Қолаверса, фуқаросизлик ҳолатларини эътибордан четдан қолдириш ўзаро зиддиятларнинг кучайишига олиб келиши ёки мажбурий муҳожириликни юзага келтириши мумкин.

Шу боисдан мухтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида мамлакатимизда демократик янгиланишларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида “Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг фуқаролиги йўқ шахслар сони камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаб”, Ўзбекистоннинг фуқаросизликни камайтириш борасидаги ўз сиёсатида қатъий содиқлигини таъкидлаб ўтди [2].

БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича комиссарияти маълумотида кўра, ҳозирда дунё бўйлаб, 12 млндан ортиқ аҳоли (бир неча ўн мингга болалар) шундай мақомга эга [3, Б. 3]. Фуқаросизлик келгусида “дискриминация” (камситиш), шахсни ўзбошимчалик билан фуқароликдан маҳрум этиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини нотўғри юритиш, фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатларни олишдаги муаммоли ҳолатларнинг юзага келиши учун замин яратади. Бу борада барча давлатлар учун муайян мувозанатни таъминловчи меъзонларга эга халқаро ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлиб, уларда келтирилган илғор нормаларни ички қонунчиликка имплементация қилиш зарурати юқори.

Миллатлар Лигаси Ассамблеяси ҳомийлигида тайёрланган “Фуқаролик тўғрисидаги қонунлардаги зиддиятлар билан боғлиқ айрим масалаларни тартибга солиш ҳақида”ги Гага конвенцияси (1930 йил 12 апрель) барча шахсларнинг фуқаролиги масаласидаги дастлабки халқаро уриниш бўлди. Унинг 1-моддасида “ҳар қайси давлат ким қонунга асосан фуқаро ҳисобланишини ўзи белгилаши мумкинлиги, бироқ мазкур қоидалар халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаслиги талаб этилиши” қайд этилган. Бошқача айтганда, давлат фуқароликни белгилашда ўзига хос ҳуқуқларга эга, бироқ бу халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Умуман олганда, исталган давлатнинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни, у халқаро конвенциялар ёки фуқаролик соҳасидаги умумэтироф этилган ҳуқуқ принципларига мувофиқлигидан қатъий назар, бошқа бир давлат томонидан тан олиниши шарт [4, Б. 28-29].

Фуқаросизлик масаласига нисбатан халқаро стандартлар ва ҳуқуқ меъёрларининг муносабати салбий эканлигини инобатга олганда, ҳар бир давлат ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Марказий Осиё минтақаси, шу жумладан Ўзбекистонда фуқаросизлик ҳолатининг асосий сабабларидан бир собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Иттифоқ фуқароларининг маълум қисми ўша даврда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-XII-

сон (02.07.1992) қонунда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ва давлат билан ҳуқуқий алоқадорлигини тасдиқлай олмайдиган вазиятга тушиб қолган. Бу эса, мазкур минтақада фуқаросизлар улушининг ошишига олиб келган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил 10 декабрь) 15-моддасида қайд этилган “ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи борлиги, ҳеч кимнинг ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки уни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги” ҳақидаги қонуннинг миллий қонунчилигимизда ўз аксини топганлиги [5] фуқароликка бўлган ҳуқуққа берилган ҳаволанинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлигини таъминлашга муайян даражада хизмат қилган.

Ўзбекистон томонидан 1995 йил 31 августда ратификация қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь) ўзида боланинг табиий ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий механизмларни мужассам этган асосий ҳужжатлардан бири бўлиб, унинг 24-моддасида “ҳар бир боланинг туғилиши биланоқ рўйхатдан ўтказилиш, мақом (исм)га эга бўлиш ҳамда фуқаролик олиш ҳуқуқи мавжудлиги” белгиланган.

Шу билан бирга, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция (1989 йил 20 ноябрь) вояга етмаганларнинг фуқароликка доир табиий ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат айниқса, фуқаросизликни камайтиришга қаратилган халқаро ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг кафолати билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда аҳамиятлидир. Жумладан, унинг 7-моддасида боланинг туғилган вақтдан бошлаб рўйхатга олиниш ва фуқаролик олиш; 8-моддасида ўз фуқаролиги, исми ва оилавий алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга эканлиги, иштирокчи давлатлар эса, бу борадаги ўз мажбуриятларини бажаришлари шартлиги қайд этилган.

Юқорида келтирилган учта халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳам Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганлигини инобатга олсак, уларнинг деярли барча нормалари миллий ҳуқуқ тизимимизга адекват ҳолда сингдирилган. Мазкур нормаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бола ҳеч бир ҳолатда апатрид яъни, фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолмаслиги лозим.

А.Б. Аксеновнинг фикрича, замонавий халқаро ҳуқуқда фуқаросизлик муаммолари икки асосий йўналиш: 1) апатридларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш; 2) фуқаросизликни қисқартиришни тартибга солиш асосида ҳал этилган бўлиб, давлатлар мазкур соҳадаги муаммоларни ечишда уларни мўлжал (ориентир) сифатида қабул қилишлари мумкин [6, Б. 20].

“#I Belong” (“#Мен мансубман”) компанияси бошланганидан кейин, 2014 йилдан 2021 йил 30 июнгача бўлган давр мобайнида БМТ Қочоқлар ишлари бўйича олий бош комиссари бошқармаси ва ҳукуматларнинг ҳамкорлигида ташкил этилган компания натижаларига доир маълумотларга кўра, 2014 йилга қадар Марказий Осиёда жами 132.202 нафар фуқаролиги йўқ шахс истиқомат қилган бўлса, уларнинг 80,8 фоизи (106.890 нафари) — Ўзбекистон ҳудудига тўғри келган. Бугунги кунга қадар мазкур шахсларнинг 44,6 фоизи (47.754 нафари) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган. 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, Марказий Осиё бўйича жами 77.315 нафар фуқаролиги йўқ шахс мавжуд бўлиб, унинг 76,4 фоизи (59.136 нафари) — Ўзбекистон, 10,2 фоизи (7.915 нафари) — Қозоғистон, 7,9 фоизи (6.141 нафари) — Тожикистон, 5,3 фоизи (4.107 нафари) — Туркменистон, 0,02 фоизи (16 нафари) — Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади [7]. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси фуқаросизликка барҳам бериш борасидаги ҳуқуқий амалиётни янада жадаллаштириши лозим.

Таҳлиллар фуқаросизликка барҳам беришнинг асосий йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкинлигини кўрсатмоқда:

- 1) фуқаросизликни олдини олиш;
- 2) фуқаросизликни қисқартириш (камайтириш).

Фуқаросизликни олдини олиш: биринчидан, туғилганлик факти бўйича фуқароликни олиш имкониятларини татбиқ этишга; иккинчидан, натурализация шартлари ва тартиб-таомилларини соддалаштиришга; учинчидан, фуқароликни йўқотиш ёки ундан маҳрум бўлиш ҳолатларида апатрид мақоми остида қолиб кетиш эҳтимолини камайтиришга бевосита боғлиқ ҳисобланади.

2018 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қошидаги Умумжаҳон даврий ҳисобот ишчи гуруҳининг 30-сессиясида Ўзбекистонда фуқаросизлик билан боғлиқ вазият бўйича бир қатор тавсиялар берилган. Улар ичида энг муҳими 1954 йил 28 сентябрдаги

“Апатридлар мақоми тўғрисида”ги ва 1961 йил 30 августдаги “Фуқаросизликни камайтириш тўғрисида”ги конвенцияларни ратификация қилиш билан боғлиқ масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси томонидан юқоридаги ҳужжатлар ратификация қилинмаган бўлса-да, улардаги фуқаросизликни камайтиришга доир тавсиялар муайян даражада қўллаб-қувватланмоқда.

“Фуқаросизликни камайтириш тўғрисида”ги конвенцияда туғилганлик бўйича фуқаролик олиш фуқаросизликни олдини олишнинг энг муҳим воситаси сифатида қаралади. Унинг 1-моддасида аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудида туғилган болага фуқаролик тақдим этиши шарт деб кўрсатилган. Акс ҳолда бу ҳолат фуқаросизликни юзага келтирувчи омил бўлиб қолиши мумкин.

МДХ давлатлари доирасида Тожикистон Республикасининг “Фуқаролик тўғрисида”ги қонунини (13-моддаси 9-қисми) [8] илғор тажриба намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Унга кўра, бола ота-онаси орқали бошқа давлат фуқаролигини олиш имконига эга бўлмаса, шунингдек агарда ота-онаси чет эл фуқаролари бўлса, Тожикистон ҳудудида туғилган бола Тожикистон фуқароси ҳисобланади. Туркменистон Республикасининг “Фуқаролик тўғрисида”ги қонуни (11-моддаси 1-қисми 7-банди) [9] ҳам бу борада қисман ижобий жиҳатларга эга. Чунончи, унда ота-онаси (улардан бири) чет эл фуқароси бўлган, Туркменистон ҳудудида туғилган болага, ота-онасининг фуқаролиги тақдим этилмаса, Туркменистон фуқароси деб тан олиниши қайд этиб ўтилган.¹

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 14-моддаси 1-қисми “в” бандига кўра, “бола ўзининг туғилган жойидан қатъи назар, агар туғилган пайтда ота-онасидан бири Ўзбекистон фуқароси, бошқаси чет давлат фуқароси бўлса, туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади”.

Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига кўра:

“14-модданинг 1-қисми “в” бандига назарда тутилган ҳолда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши фақат Ўзбекистон фуқароси бўлган ота-онасининг ёхуд бошқа қонуний вакилларининг илтимосномасига биноан амалга оширилади”.

Юқоридаги нормалар таҳлили уларда 1961 йилги конвенция талабларига мос бўлмаган қуйидаги жиҳатлар мавжудлигини яққол кўрсатади: биринчидан, бола вояга етгунига қадар ота-онасининг хоҳишидан қатъи назар мустақил равишда фуқароликни олиш ҳуқуқига эга бўлиб, унинг бу борадаги ҳуқуқлари чегаралаб қўйилган; иккинчидан, боланинг ота-онасидан бири орқали чет давлат фуқаролигини олиш имкони бўлмаган ҳолларда, унга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун Ўзбекистон фуқароси бўлган ота (она)сининг илтимосномаси тақдим этилиши лозимлиги билан боғлиқ қўшимча шарт қўйилган. Мазкур ҳолат келгусида фуқаросизликни юзага келтирувчи омил бўлиб хизмат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўзбекистон қонунчилигида боланинг фарзандликка олиниши билан боғлиқ муносабатларда ҳам унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан боғлиқ айрим баҳсли ҳолатлар юзага келган. Жумладан, ҳозирда чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон фуқароларини фарзандликка олиш ҳолатлари кузатилади. Қоида тариқасида Ўзбекистон фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш, фақатгина республикада ўз дипломатик ваколатхоналарига эга бўлган давлатлар фуқароларига рухсат этилади [10, Б. 84].

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 17-моддасида қайд этилишича, “Ўзбекистон фуқароси бўлган, Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлган, бири чет давлат фуқароси, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган болага фарзандликка олган шахсларнинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин”.

Норма таҳлилидан кўриниб турибдики, чет эл фуқаролари (шу жумладан, ёлғиз ота ёки она бўлган чет эл фуқароси) томонидан фарзандликка олинганда боланинг Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш ҳуқуқини кафолатловчи механизм назарда тутилмаган. Бунга бир томондан, боланинг келгусида фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолишини олдини олиш мақсадида кўрилган ҳуқуқий чора деб ҳам қараш мумкин. Бироқ фарзандликка олувчиларнинг мақоми боланинг қонуний вакиллари (ота-онаси) мақомига тенглаштирилишини инобатга олганда,

¹ Шу билан бирга, қонун нормасида боланинг ота-онаси (улардан бири) Туркменистон ҳудудида доимий яшаши шарт деган 1961 йилги конвенция талабларига мос бўлмаган талаб мавжуд. Конвенция қоидаларига кўра, бу ҳолатда белгиланадиган талаблар ота-онага эмас, болага нисбатан қўйилиши лозим.

уларнинг ўз фарзандлари фуқаролигини ўзгартириши бўйича илтимоснома киритиш ҳуқуқини чеклаш мантиқан нотўғри бўлади.

Тадқиқот жараёнида мутахассисларга “Сизнингча, чет эл фуқаролари бўлган эр-хотин (чет эл фуқароси бўлган ёлғиз ота ёки она) томонидан фарзандликка олинган боланинг фуқаролигини белгилаш ихтиёрийлигини қайси жиҳатдан маъқуллаш мумкин?” деган савол билан мурожаат қилинганда, респондентларнинг 49,1 фоизи — боланинг келгусида апатрид (фуқаролиги йўқ шахс) мақоми остида қолиб кетиш эҳтимолини камайтириш нуқтаи назаридан; 31,8 фоизи — фарзандликка олувчи шахсларнинг мақоми боланинг қонуний вакиллари (ота-онаси) мақомига тенглаштирилганлиги нуқтаи назаридан; 17,5 фоизи — амалдаги қонунчиликда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш зарурати нуқтаи назаридан; 1,6 фоизи — болага фуқароликни танлаш ҳуқуқини тақдим этиш имкониятини қолдириш нуқтаи назаридан деган ҳулосага келишган.

Юқоридагиларга асосан, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонуннинг 17-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Чет эл фуқаролари (ёлғиз ота ёки она бўлган чет эл фуқароси) томонидан фарзандликка олинганда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган боланинг фуқаролиги, фарзандликка олувчи(лар)нинг илтимосномасига асосан, башарти у фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолмаса, тугатилиши мумкин”.

Мазкур норманинг қонунчилигимизга киритилиши бир томондан, боланинг фуқароликка доир ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга, иккинчи томондан, халқаро ҳуқуқ нормалари ва аксарият чет давлатлар қонунчилигида белгиланган фуқаросизликни камайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини татбиқ этилишига хизмат қилади.

Туғилганлик бўйича фуқаролик олишда туғилиш фактини рўйхатга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда туғилиш факти ФХДЁ органлари томонидан рўйхатга олинади. Туғилишни рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларининг 20-бандида [11] белгилаб қўйилган. Унга кўра, туғилганликни қайд этиш учун: бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома, ота-онасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлмаган онанинг аризаси тақдим этилиши шарт.

Ота-онасидан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган ҳолларда ота ёки она ҳақидаги маълумотлар никоҳ тузилганлиги ёки аввалги болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари асосида тасдиқланиши мумкинлиги қайд этилган. Бу ўринда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ота-она қонуний никоҳдан ўтмаган ёки илгари болалари бўлмаган бўлиши мумкинлигини инобатга олганда юқоридаги нормани қўллаш имкони табиий равишда камайтирилади. Шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёлғиз она вазиятида болани туғилганлик бўйича рўйхат олиш имкони деярли йўқолади.

Бундан ташқари ўрганишлар натижасидан маълумки, таҳлил этилаётган қоидаларда ота-онаси (ёки улардан бири) фуқаролиги йўқ шахс бўлган болани туғилиш бўйича рўйхатга олишнинг ўзига хос хусусиятлари бевосита назарда тутилмаган. Мантиқан қараладиган бўлса бу қоидалар фуқаролар билан бир хил асосларда татбиқ этилиши мумкин. Бироқ фуқаролиги йўқ шахсларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида муаммоларга дуч келишини, уларнинг фарзандларини туғилганлик бўйича рўйхатдан ўтказишда қўшимча қоғозбозлик ва тўсиқларнинг вужудга келиши эҳтимолини ҳисобга олганда мазкур тоифадаги ишларни юритишнинг алоҳида тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан бошланган Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган туғилиш, никоҳ ва ўлим ҳолатларини аниқлаш ва рўйхатга олиш умуммиллий компанияси натижасида 2019 йил ўртасига келиб, туғилиши рўйхатга олинмаган 17.938 та ҳолат аниқланган бўлиб, улардан 14.799 таси рўйхатга олинган ҳамда одамларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар расмийлаштирилган (қолган қисми бўйича текширувлар олиб борилмоқда) [12]. Албатта, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш ўйлаймизки, фуқаросизликка барҳам бериш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда фуқаросизликка барҳам беришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатда фуқаросизлик тенденциясига барҳам бериш, ушбу кўрсаткичларни максимал даражада камайтириш асосида халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабларини бажаришга қаратилган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Словарь юридических терминов // URL: <https://justicemaker.ru/view-termin.php?id=654> (мурожаат вақти: 30.11.2021).
2. Президент БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясида нутқ сўзлади // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/22/un-human-rights/> (мурожаат вақти: 27.11.2021).
3. Гражданство и безгражданство: Руководство для парламентариев № 22. — Межпарламентский союз, 2014. — С. 3.
4. Сборник международных правовых документов, регулирующих вопросы миграции. Международная организация по миграции. — М., 1994. — С. 28–29.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 632-XII-сон қонуни (1-моддаси) // URL: <https://lex.uz/docs/6300> (мурожаат вақти: 29.11.2021).
6. Аксенов А.Б. О гражданстве в связи с правопреемством государств. Автроф. ... дисс. канд. юрид. наук. — Казань, 2005. — С. 20.
7. Katja Swider. Comparative legal analysis of the national legislation and practices of the Republic of Uzbekistan and other Central Asian states in line with the provisions of the 1954 Convention Relating to the Status of Stateless Persons and the 1961 Convention on the Reduction of Statelessness. — UNHCR, October 2021. — p. 80.
8. Конституционный закон Республики Таджикистан от 8 августа 2015 года № 1208 «О гражданстве Республики Таджикистан» // URL: [mmk.tj/ru/library/o_grazhdanstve_rt\(nov\).doc](http://mmk.tj/ru/library/o_grazhdanstve_rt(nov).doc) (мурожаат вақти: 10.10.2021).
9. Закон Туркменистана от 22 июня 2013 года «О гражданстве Туркменистана» // URL: <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=4419> (мурожаат вақти: 10.10.2021).
10. Xalqaro xususiy huquq. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik // H.R.Rahmonqulov va boshq. / H.B.Boboyev, M.X.Rustamboyev, O.Oqyulov, A.R.Raxmonovlarning umumiy tahriri ostida. — T.: TDYI nashriyoti, 2002. — B. 84.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3064981> (мурожаат вақти: 01.12.2021).
12. “Туғилганида ҳеч ким ёддан чиқарилмаслиги керак” // Субъектлик ҳуқуқи ва фуқаросизликнинг олдини олиш масалалари бўйича 2-минтақавий конференция баённомаси (2019 йил 5-6-сентябрь), Нурсултон (Қозоғистон). — Б. 6.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

МАХМУДОВ Алишер Абдусалимович

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: alishermaxmudov@gmail.com

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАХМУДОВ А.А. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 20-27.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада прокуратура органлари фаолиятининг мустақиллиги тамойили қонун устуворлигини таъминлашнинг асоси сифатида таҳлил қилинади, шунингдек, бу масала ҳокимиятлар бўлиниши тамойили нуқтаи назаридан ўрганилади. Муаллиф дунёда прокуратура фаолиятига оид асосий ёндашувларни ўрганиб чиқиб, баъзи мамлакатларда бу органлар ҳеч қайси давлат органлари тизимига кирмаслиги, бошқа давлатларда Адлия вазирлиги тизимига кириши, учинчи даражада эса суд тизимига кириши ҳақидаги ҳулосага келади. Ўзбекистон МДХ аъзоси бўлиб биринчи гуруҳга киради, унга кўра прокуратура органлари ҳеч бир давлат ҳокимияти тизимига крмайди ва шу орқали бу органларнинг ижро этувчи ёки суд ҳокимиятларига қарамлигини чеклайди, пировардида прокуратуранинг асл мустақиллигини таъминлайди.

Калит сўзлар: прокуратура органлари, мустақиллик, қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили, ижро этувчи ҳокимият, суд ҳокимияти.

МАХМУДОВ Алишер Абдусалимович

Доктор философии по юридическим наукам (PhD)

E-mail: alishermaxmudov@gmail.com

НЕЗАВИСИМОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ – ВАЖНАЯ ГАРАНТИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется принцип независимости деятельности органов прокуратуры как основа обеспечения верховенства закона, в связи с чем изучается этот вопрос с позиции принципа разделения власти. Автор изучает основные подходы, относительно деятельности органов прокуратуры в мире и приходит к выводу о том, что в некоторых странах эти органы не входят в систему каких-либо государственных органов, в других – входят в состав Министерства юстиции, а в третьих – в состав судебной власти. Узбекистан, являясь членом СНГ придерживается первой позиции, по которой органы прокуратуры не входят в систему какой-либо государственной власти, тем самым обеспечивается подлинная независимость органов, в отличие, когда эти органы находятся в системе исполнительной или судебной власти.

Ключевые слова: органы прокуратуры, независимость, верховенство закона, принцип разделения властей, исполнительная власть, судебная власть.

MAKHMUDOV Alisher

Doctor of Philosophy in Law (PhD)

E-mail: alishermaxmudov@gmail.com

THE INDEPENDENCE OF THE ACTIVITIES OF THE PROSECUTION AUTHORITIES IS AN IMPORTANT GUARANTEE OF ENSURING THE RULE OF LAW

ANNOTATION

The article analyzes the principle of independence of the activities of the prosecutor's office as a basis for ensuring the rule of law, and studies this issue from the standpoint of the principle of separation of powers. The author examines the main approaches in the world regarding the activities of the prosecutor's office and concludes that in some countries these bodies are not part of the system of any state bodies, in others they are part of the Ministry of Justice, and in still others - into the judiciary. ... Uzbekistan, being a member of the CIS, adheres to the first position, according to which the prosecution bodies are not included in the system of any state power, thereby ensuring the true independence of the bodies, in contrast to when these bodies are in the system of executive or judicial power.

Keywords: prosecution authorities, independence, law supremacy, separation of powers, executive branch, judicial branch.

Маълумки, прокуратура ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ваколатларга эга давлат органидир.

Бинобарин, у ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва жамиятда ҳуқуқий ҳулқ-атвори таъминлашда алоҳида ва муҳим ўрин эгаллайди.

Шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан сўнгги йилларда прокуратура органларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу ўзгаришлар прокуратура органларининг том маънода қонун устуворлигини ва жиноят учун жазо муқаррарлигини, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолатланган ҳимоясини таъминловчи тизимга айлантиришга қаратилган.

Ўз навбатида, прокуратура органларининг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни ушбу соҳада илмий-назарий изланишлар олиб бораётган ҳуқуқшуносларнинг баҳс ва мунозараларига сабаб бўлиб келган. Ҳанузгача бу борада ягона тўхтамга келинмаган, кенг жамоатчилик, олимлар, амалиётчилар, халқаро экспертлар ушбу масала ечими атрофида бош қотирмоқда.

Халқаро ҳужжатлар ва тавсиялар, дунё мамлакатларида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар тенденциялари таҳлили ушбу масала борасида бир қанча ёндашувларни илгари суришган. Прокуратура органларининг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни Марказий Осиё, МДХ, Америка ҳамда Европа давлатларида бир-биридан фарқ қилади, қайд этиб ўтилганидек, бу борада ягона андоза мавжуд эмас.

Бизнингча, прокуратура органларини у ёки бу ҳокимият тизими таркибига киритишда манфаатлар мувозанатини сақлаш ва бир-бирини тийиб туриш тамойили моҳиятини чуқур англаш ҳамда давлат тузилишини инobatга олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тамойилни том маънода рўйбга чиқаришда прокурор назорати муҳим ва ҳал қилувчи воситалардан бири сифатида майдонга чиқади.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятини ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўридан келиб, бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Дастлабки гуруҳ прокуратура органлари ҳеч қайси бир ҳокимият тизимига кирмайдиган, мустақил орган ҳисобланадиган давлатлардир.

Иккинчи гуруҳга прокуратура органлари адлия вазирлиги тизими таркибига кирадиган давлатлар мансубдир.

Учинчи гуруҳни прокуратура органлари суд ҳокимияти таркибида фаолият юритадиган давлатлар ташкил этади.

МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқ тизими бир-бирига ўхшаш бўлганлиги учун уларнинг аксариятида прокуратура органларининг айнан бирон-бир ҳокимият таркиби сифатида белгиланмаганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан ва энг муҳими мазкур давлатларнинг конституцияларида ҳам прокуратура органлари ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти таркибига киритилмаган. Шу билан бирга, олимлар томонидан прокуратура органлари ҳокимият тармоқларининг барчасида у ёки бу тарзда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилади.

Масалан, Россия, Молдова, Озарбайжон, Арманистон ва Қозоғистон каби МДХ мамлакатлари қонунчилигида прокуратура органлари алоҳида, мустақил ва ҳеч бир ҳокимият таркибига бўйсунмаслиги белгиланган.

Ўзбекистонда ҳам прокуратура ҳокимиятнинг бирон-бир тармоғига киритилмаган ҳамда прокуратура ўз фаолиятини қонун чиқарувчи, суд ва ижроия ҳокимиятидан мустақил амалга оширади.

Жумладан, Конституциямизнинг 120-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу моддада прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб туриши, прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши назарда тутилган.

Бу қоида прокуратурани қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидан институционал, персонал ва функционал ажратиб, органнинг мустақиллигини кафолатлайди.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларига прокуратура органлари адлия вазирлиги таркибига киради. Канада, Япония, Жанубий Корея, Эстония, Польша, Бельгия каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тоифадаги мамлакатларда прокурорлар ижро ҳокимияти таъсири доирасидадир.

Фикримизча, ушбу ҳолат қонунларни ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали прокурорлик назоратини тўлиқ ўрнатиш имконини бермайди.

Прокуратура органлари суд ҳокимияти таркибида фаолият юритувчи мамлакатлар доирасига эса Латвия, Испания ва Болгария каби давлатларни киритиш мумкин.

Шу ўринда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тавсияларига эътибор қаратга мувофиқ кўринади.

Тавсияларда қайд этилишича, агар прокурорлар суд ҳокимияти таркибида фаолият юритса, қонунларда прокурорлар ва судлар роли чегараси, шунингдек, имконият бўлса, ушбу функцияларни бажариш тартиби аниқ белгиланиши шарт.

Ушбу тавсиянинг ўзи мазкур тизимни шубҳа остига олмаяптими деган савол туғилади ҳамда қонуншуносни мураккаб вазиятга солиб қўймоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимиятлар ўртасида вужудга келган суиистеъмолликлар ҳамда ноқонуний ҳолатлар ижро ҳокимияти таркибига кирган прокуратура органлари мустақиллигини асосий қомус даражасида белгилаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, бугунги кунда айрим давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган муаммоларнинг бартараф этилмасдан қолаётганлигининг асосий омилларидан бири ҳам ҳокимият тармоқларидан мустақил, алоҳида назорат қилиш тизимининг мавжуд эмаслигидадир.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда дунёда прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлаш, айниқса уларни мустақил орган сифатида ҳокимиятлар таркибидан чиқариш масаласи кун тартибидаги долзарб масалага айланди ҳамда бу борада аниқ ислохотлар ва амалий чоралар кўриб борилмоқда.

Айрим давлатлар дастлаб ижроия ҳокимияти таркибига киритилган прокуратура органларининг мақомини мустақил қилиб белгилаш борасида ислохотларни ҳам амалга оширган.

Масалан, Ирландияда 1974 йилда қабул қилинган “Жиноятларни таъқиб қилиш тўғри-

сида” ги Қонунда мустақил ижроия органи сифатида прокуратура идораси директори ва алоҳида идора ташкил этилган.

Бош прокурор ўз функциясига тааллуқли масалалар бўйича директор билан маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга, лекин кўрсатма ёки буйруқ бериш ҳуқуқига эга эмас [1].

Англия ва Уэльсда 1986 йилда Қироллик прокуратураси хизмати ташкил этилганидан сўнг [2], Бош прокурор ва Бош прокуратура директорлари (Қироллик прокуратураси хизмати ва йирик фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш идораси) ўртасидаги муносабатлар протоколида прокуратура идораларининг мустақиллиги янада аниқлаштириб берилган [3].

Ушбу протоколнинг 2.4-бандида Бош прокурор прокуратура органлари томонидан қарорлар қабул қилишда уларнинг мустақиллигини кафолатлаши кераклиги кўрсатилган.

Бу каби тенденциялар Аргентина, Бразилия, Канада ва Шимолия Ирландияда ҳам кузатилмоқда.

Кўпчиликка аён, Грузия 2018 йилда кенг қўламли конституциявий ислохотларни амалга оширди ва кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Ушбу ислохотлар доирасида прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибидан чиқарилиб, фақат Конституция ва қонунга амал қиладиган мустақил органга айлантирилди.

Европа Иттифоқида мустақил Европа прокуратураси ташкил этилган бўлиб, у 2021 йил 1 июндан ўз фаолиятини бошлади.

Биринчи халқаро прокуратура Европа Иттифоқининг молиявий манфаатларига дахлдор жиноий ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва судга бериш ваколатига эга бўлди.

Мустақил прокуратуранинг ташкил этилиши Иттифоқ ҳудудида трансмилий жиноятларга қарши курашни сифат жиҳатидан янги, самарали босқичга олиб чиқувчи воситаларга эҳтиёж билан изоҳланади.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси стандартларида прокурорнинг фаолияти мустақил равишда амалга оширилиши ва сиёсий аралашувдан холи бўлиши кераклиги аниқ белгилаб қўйилган.

Прокуратура томонидан қарорлар қабул қилишнинг мустақиллиги ижроия ҳокимиятига қонун устувор, жазо муқаррарлиги ҳақидаги тамойилни ҳис этишга ёрдам беради.

Ушбу вазифани бажариш мутлақо эркин ва тўсқинликсиз таъминланиши зарур.

Акс ҳолда прокуратура бошқа бўғинларнинг ноқонуний таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, прокуратура мустақиллиги холислик гаровидир. Бу эса ўз навбатида, прокуратуранинг қатъий ахлоқий меъёрлар ва қонун устуворлигига асосланган ҳолда фаолият юритишини талаб этади.

Халқаро стандартларда қайд этилганидек, оммавий ахборот воситалари ва жамиятдаги алоҳида шахслар ёки гуруҳлар томонидан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тазйиқларга қарамасдан, прокуратура органлари фаолияти мустақиллиги доимо қўллаб-қувватланиши керак [4].

Мустақил прокурор назорати ва чора кўриш механизмнинг йўқлиги ижро ҳокимияти органларида қонунбузарликларнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин.

Прокуратура органларининг ижро ҳокимиятига бўйсунитиш назорат ва мувозанат тизимини бузади, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро прокурорлар ассоциациясининг стандартларида прокурорлар ижроия ҳокимиятининг сиёсий ва бошқа тарздаги ҳар қандай таъсиридан холи, қонунларга амал қилган ҳолда ўз ихтиёри билан қарор ва ҳуқуқий таъсир чораларини қабул қилиш ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши лозимлиги қайд этилган [4].

Айнан прокуратура мустақиллиги миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Ўз навбатида мустақил прокуратура органлари устидан самарали жамоатчилик ва парламент назорати ўрнатилиши зарур.

Шунингдек, прокурор фаолияти халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка риоя

этган ҳолда ошкора ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик асосида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура ҳокимият бошқа тармоқларидан кўрсатмалар олиши мумкин, бундай кўрсатмалар шаффоф ва қонун талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Қайд этилганларни инобатга олиб, қуйидагиларни таъкидлашни ўринли деб биламиз:

-прокуратура органларининг ҳокимиятнинг бошқа бўғинларидан ҳуқуқий жиҳатдан Конституциявий мустақиллигини таъминлаш зарур;

-прокуратура органлари ходимларини айти бир вақтда ҳокимиятнинг бошқа тармоқларида хизмат қилишига йўл қўймаслик керак;

-прокурорлар қарорларни қабул қилишда мустақил ва фақат қонунга асосланиши, сиёсий ҳокимият таъсиридан ва турли партиявий манфаатлардан холи тарзда амалдаги қонунлар асосида фаолият юритиши муҳимдир;

-прокуратура органлари ўз фаолиятлари бўйича халқ ва жамоатчилик олдидагина ҳисобдор бўлмоғи лозим;

-прокуратура фаолиятини назорат қилиш идоравий, парламент ва жамоатчилик назорати шаклидагина амалга оширилиши керак.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли чоралар кўрилди. Хусусан, 2016-2021 йилларда прокуратура фаолиятига оид 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ушбу ислохотлар прокуратура органлари тарихида ўзига хос, муҳим туб бурилиш ясади, тизимда шаффофлик ва очиқликни таъминламоқда.

Прокуратура органлари фаолияти устидан самарали вакиллик органлари назоратини йўлга қўйиш мақсадида Олий Мажлис Сенатида махсус комиссия ташкил этилган.

Шунингдек, жойлардаги прокуратура органларининг халқ депутатлари Кенгашларига ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб бориши тартиби жорий этилди.

Маълумки, “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинганига 20 йил тўлди.

Бугунги кунга келиб 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар, вазифалару ваколатлар белгиланган. Қолаверса, халқаро ташкилотларнинг прокуратура органлари мустақиллигини таъминлаш, ваколатларини белгилаш, хизматни ўташ, ходимлар ижтимоий ҳимоясига оид бир қатор тавсиялари ишлаб чиқилган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун нормалари ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан, ҳуқуқий ислохотлардан, халқаро стандартлардан анча орқада қолган ва турдош қонун ҳужжатларига ҳам мос эмас.

Қолаверса, битта тизим фаолиятига оид қоидаларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу боис, “Прокуратура тўғрисида”ги янги Конституциявий қонунни қабул қилиш зарурати вужудга келган деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбари ҳам сайловолди дастурларида “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши учун мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очиқ ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асослари яратилишини [5] алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шу муносабат билан прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат поғоналаридан ўстиришнинг холис мезонларини қонунда аниқ белгилаш [6] зарур.

Шунингдек, халқаро стандартлардан келиб чиқиб ҳамда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қонунда прокуратура органлари фаолият йўналишларини танқидий кўриб чиқиш, айтиқса, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини янада кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, судлардаги иштирокини такомиллаштириш ҳамда тергов сифатини оширишга қаратилган нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида, прокуратура органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни тўлиқ таъминлаш ҳамда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, прокуратура органларининг том маънодаги мустақиллиги ҳар қандай жамиятда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашга, ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга, пировардида инсон ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ireland, Office of the Attorney General, Prosecution of Offences Act, 1974, sect. 2 (5) and (6).
2. In England and Wales, the Crown Prosecution Service was established in 1986 as a statutory authority under the direction of the Director of Public Prosecutions by The Prosecution of Offences Act 1985. Section 3(1) of the Act provided as follows: "The Director shall discharge his functions under this or any other enactment under the superintendence of the Attorney General"
3. United Kingdom, Attorney General's Office, Crown Prosecution Service, Serious Fraud Office and the Revenue and Customs Prosecutions Office, Protocol between the Attorney General and the Prosecuting Departments (London, July 2009).
4. International Association of Prosecutors, Standards of Professional Responsibility and Statement of the Essential Duties and Rights of Prosecutors, item 3.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури. <https://uzlidep.uz/news-of-party/10076>
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021 йил, 108 бет.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ХОМИДОВ Элдор Олимович

Жамоат хавфсизлиги университети

“Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси доценти,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХОМИДОВ Э.О. ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 28-36.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола давлат олий таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятининг усулларини ўрганишга бағишланган. Соҳага оид Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари келтирилган, муаллифлик тушунчаси берилган. Олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятига ва илмий ишланмаларга таъсир қилувчи статистик маълумотлар асосида ҳулосалар берилган.

Калит сўзлар: хизматлар, тадбиркор университет, бюджетдан ташқари фаолият, даромад келтирадиган фаолият, хавф – хатар, тадбиркорлик маданияти, тадбиркорлик тажрибаси, академик мустақиллик, спин-аут ва спин-офф компаниялари, таълим инкубаторлари.

ХОМИДОВ Элдор Олимович

Доцент кафедраси “Государственно-правовые дисциплины и права человека”

Университета общественной безопасности,

доктор философии по юридическим наукам (PhD)

МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящается научному изучению методов осуществления предпринимательской деятельности государственных высшими учебными заведениями. Осуществляется анализ законодательства Республики Узбекистан в этой области. А также, приводятся научные гипотезы и авторские понятия ученых-правоведов. На основе статистических данных разработаны научные выводы, относительно предпринимательской деятельности высших учебных заведений.

Ключевые слова: услуги, предприниматель университет, внебюджетная деятельность,

риск, предпринимательская культура, предпринимательский опыт, академическая независимость, компании спин-аут и спин-офф, научные инкубаторы.

KHOMIDOV Eldor

Associate Professor of the Department of state and legal disciplines and human rights
University of Public Security, Doctor of Philosophy in Legal Sciences (PhD)

METHODS FOR THE IMPLEMENTATION OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES OF STATE HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

ANNOTATION

The article is devoted to the scientific study of methods for the implementation of entrepreneurial activities of state higher educational institutions. The analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan in this area is carried out. The analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan in this area is carried out. And also, scientific hypotheses and author's concepts of legal scholars are given. Scientific conclusions have been developed on the basis of statistical data on entrepreneurial activity of higher educational institutions.

Keywords: services, entrepreneur university, off-budget activities, risk, entrepreneurial culture, entrepreneurial experience, academic independence, spin-out and spin-off companies, scientific incubators.

Бугунги кунда давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти унинг келажагини белгилайдиган ва асосий кун тартибида турган долзарб масалалардан биридир. Бу борада миллий қонунчилик қандай талабларни белгилайди, бозор иқтисодиёти шароитида ОТМ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши унинг асосий функционал вазифаларини, ўқув жараёнини сифатли таъминлашни амалга оширишга тўсқинлик қилиб қолмайдими? Ушбу фаолият ОТМ ёки унинг ходимлари учун қандай ҳуқуқ ва манфаатларни тақдим этиши каби масалаларни таҳлил қилиш муҳим.

Бозор иқтисодиёти шароитида ОТМнинг бошқа тадбиркорлик субъектлари билан беллашиши, рақобатлашиши бир маротабалик ёки шунчалик замонавийлик касб этиши бўлиб қолмасдан, балки Республикамизда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг равишда ва узоқ муддатли стратегияларни белгилаб, ўз олдида муайян мақсад ва вазифаларни қўйган ҳолда тизимли амалга оширилиши зарур. Зеро, ОТМнинг тадбиркорлик фаолияти унинг ривожланиши ва мавжуд бўлишини таъминлайдиган муҳим омил саналади. Бундан келиб чиқадики, ОТМ ўқув жараёнини таъминлаш билан бир қаторда, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши, фақат бюджет маблағларини кутмасдан, балки инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш орқали қўшимча даромад олишга ҳаракат қилиши табиий.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад ходимларни моддий рағбатлантириш билан бир қаторда илмий-тадқиқот потенциалини тўлақонли рўёбга чиқаришга ҳам ёрдам беради. Бу эса, ўқув жараёнини сифатли ва илмий ташкил этишга ҳам имкон беради.

Шу ўринда хизмат кўрсатишга доир айрим тадқиқотларга эътибор қаратсак. Н.С.Нарматовнинг фикрича, “бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланган “хизмат”ларни иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатида ўрганиш зарурати унинг юридик илмий модели ҳар доим ҳам бозор инфратузилмаси тўғрисидаги иқтисодий фанларнинг ютуқлари даражасини ўзлаштиришга эриша олмаётганлигида ҳам намоён бўлади” [1].

Ҳозирда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш кўламининг ижтимоий тараққиёти ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситаларининг борган сари тараққий этиши билан боғлиқ ҳолда кенгайиши янгидан-янги хизмат кўрсатиш турларининг вужудга келишига замин яратмоқда. Демак, ушбу турдаги хизматларнинг ҳуқуқий режимини мустаҳкамлаш ҳам бирмунча мураккаблашиб бормоқда.

Айни ушбу ҳолат юзасидан ўз фикрини билдирар экан, Т.А.Мўминов “ҳозирда республикамизда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг алоҳида турлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик яратилган бўлса-да, улар ҳақ эвазига

хизмат кўрсатиш шартномасининг умумий жиҳатлари ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талаблари асосида умумий бир тизимга келтирилмаган”лигини ва “ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизм яратилмаган”лигини таъкидлайди [2].

“Тадбиркор университет” тушунчасини тизимли илмий асослашга ҳаракат қилган шахслардан бири Бертон Р.Кларк ҳисобланади. У ўтган аср 90-йилларида «Enterpreneurial University» (“Тадбиркор университет”) атамасини фанга киритган ва унинг қуйидаги муҳим вазифаларини белгилаган:

1. Университетни бошқариш ядроси ролини ошириш;
2. ОТМ ташқарисидаги ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш;
3. Молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;
4. ОТМ таркибий тузилмалари тадбиркорлик фаоллигини рағбатлан-тириш;
5. Комплекс тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш [3].

Муаллиф “анъанавий университет қадриятлари”га (таълим жараёни ва илмий тадқиқотлар натижадорлигига) зарар етказмаган ҳолда, университет тадбиркорлик функциясини амалга ошириши мумкин, – деган хулосага келган.

П.Шульценинг фикрича, тадбиркор университетни ривожлантиришнинг иккита йўналиши мавжуд. Биринчидан, келгусида ўз ишларини юрита оладиган бўлажак профессионал мутахассисларни тайёрлаш; иккинчидан, университетнинг тадбиркорлик фаолияти бўлиб, ушбу жараёнга талабалар ва ўқитувчилар жалб қилинади ва уларга ахборот-маслаҳат ва молиявий ресурслар билан ёрдам кўрсатилади [4].

Америкалик тадқиқотчилар Х.Торп ва Б.Гольдштейн ОТМни тадбиркорлик субъекти сифатидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиб қайд этадики, ОТМ ўзининг анъаналари, одатлари ва маданиятидан воз кечса, у тадбиркорга айланиб қолмайди. Мутахассисларнинг фикрича, ОТМ ноёб таълим ҳамжамияти бўлиб, тарихий анъаналарга, алоҳида корпоратив маданиятга эгадир, бу эса университетнинг тадбиркорлик руҳи ривожланишидаги ҳаракатчан кучга айлантиради [5].

Бошқа бир америкалик иқтисодчи Ж.Ропкенинг фикрича, тадбиркорлик шаклидаги ОТМ ташкилот сифатида тадбиркорлигини намоён қилиши, талабалар, ўқитувчи ва ходимлар тадбиркор бўлиши лозим, ОТМнинг ташқи алоқалари “таркибий йўлдош” сифатида кўрилиши зарур. Иқтисодий ривожланиш тадбиркор университетнинг самарали фаолияти натижаси ҳисобланади [6].

Т.Р.Набиуллиннинг фикрича, “ОТМ тадбиркорлик фаолияти” ва “ОТМ бюджетдан ташқари фаолияти” фарқланиши зарур. Унинг фикрича, ОТМнинг бюджетдан ташқари фаолиятининг молиялаштириш манбаси бўлиб – давлат бюджети маблағлари ҳисобланмайди. ОТМнинг бюджетдан ташқари фаолиятига ҳақ эвазига таълим хизматлари кўрсатиш, тайёрлов курслари ва секциялари, мол-мулкни ижарага бериш, таркибий тузилмалар томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш кабилар киради. ОТМнинг тадбиркорлик фаолиятига эса, мустақил, таваккалчиликка асосланган, ташаббускор, ҳуқуқий майдонда соф фойда олишга қаратилган, пул маблағлари тушуми даврий ҳамда солиқ режалаштирувида бўлган фаолият тушунилади. ОТМнинг тадбиркорлик фаолияти ОТМнинг бюджетдан ташқари фаолиятининг бир қисми бўлиб, нисбатан тор тушунча ҳисобланади [7].

И.И.Дьяков эса, “ОТМ тадбиркорлик фаолияти” тушунчаси моҳиятини очиш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Бу борада турдош тушунчалар, хусусан, “бюджетдан ташқари” ва “даромад келтирадиган” фаолият ўртасидаги нисбат борасида ҳам яхлит тушунча мавжуд эмас. Шу боисдан муаллиф бу борада ўз муаллифлик таклифини беради: таълим ташкилотининг тадбиркорлик фаолияти, бу таълим жараёнини таъминлаш учун даромад олиш мақсадида ўзи хавф - хатарни зиммасига олган ҳолда, тизимли равишда ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган, чекланган мустақил, қонунчиликда тақиқланмаган, уставда мустаҳкамланган фаолият ҳисобланади [8].

Д.В.Нюхаевнинг фикрича, ОТМнинг тадбиркорлик фаолияти деганда, таълим муассасаларининг ўзлари томонидан, инсофли ва ўзлари хавф - хатарни зиммасига олган ҳолда, таълим хизматларини кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий фойдали меҳнат натижаларини яратиш мақсадида мустақил ташкил этиладиган, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда ресурсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишга доир ҳаракатлар йиғиндисидир [9].

Айрим тадқиқотчилар ОТМнинг тадбиркорлик фаолиятини негатив натижаларга ҳам

олиб келишини қайд этишади. Хусусан, Н.Бунякнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти таълим муассасаси учун яширин хавфни ўзида мужассамлайди. Ушбу ҳолат шу билан изоҳланадики, ўқитувчилар ресурслардан фойдаланган ҳолда, ўзларининг тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратишади ва бевосита мажбуриятлари ҳисобланган талабаларни ўқитишга эътибор қаратмайди. Натижада таълим беришнинг анъанавий қадриятлари ва ўқитувчида университет учун қўшимча пул маблағларини ишлаб топиш учун тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ўртасида зиддият юзага келади [10].

А.А.Сидорова ва Н.А.Румянцевлар Россиядаги мавжуд амалиётни таҳлил қилган ҳолда, тадбиркор университет мезонига ОТМларнинг мос келмаслигини қайд этади. Уларнинг фикрича, университетлар тарихий ривожланиш хусусиятига кўра илмий эмас, балки асосан ўқитиш жараёнига мўлжалланган. ОТМлар кадрлар тайёрлашга жавоб беради, Фанлар Академияси эса, илмий тадқиқотларни амалга оширади. ОТМлар у ёки бу фаолият турини танлашда жуда кам автономия ва мустақилликка эга. ОТМларда тадбиркорлик маданияти паст ва тадбиркорлик тажрибаси етишмайди [11].

Бугунги кунда ОТМларнинг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши шароитида уларнинг автономлигини ошириш борасида турлича фикрлар билдирилмоқда [12]. ОТМ автономлиги бу ўзига хос “академик мустақиллик” ҳисобланмасдан балки, давлатнинг ҳаддан зиёд аралашувисиз ОТМнинг ўз ҳаракатлари йўналишини белгилаш имконияти ва ҳуқуқи ҳисобланади. Гарчи ушбу автономлик нисбий ҳисобланади, чунки жамоатчилик томонидан ҳамда давлат томонидан муайян даражада назоратни тақазо этади. Шу боисдан ОТМ автономлиги унинг давлатдан тўлиқ мустақиллигини англатмайди. Биринчидан, ОТМга муайян даражада молиявий ва маъмурий мустақиллик берилиши билан бир қаторда таълим сифатини назорат қилади, тегишли тартибда аттестация ва аккредитациядан ўтказади. Иккинчидан, давлат ОТМларни молиялаштиришда иштирок этади. Учинчидан, корпоратив бошқариш усулларида кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Фикримизча, ОТМларининг автономлигини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим. Биринчидан, ОТМ автономлиги уларнинг ўзини ўзи молиялаштиришга доир механизмлардан самарали фойдаланишни тақазо этади. Иккинчидан, ОТМ тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш улар томонидан амалга оширилган ҳаражатларда хусусий молиявий маблағлар иштироки зарур. Учинчидан, ОТМ ўз маблағларидан самарали фойдаланиш кафолатлари белгиланиши керак. Тўртинчидан, ОТМ давлат томонидан ва хусусий шахслар томонидан молиялаштирилиши таълим хизматлари истеъмолчиси ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Г.В.Тиль ҳам бу борада тадқиқот олиб бориб, қуйидаги таърифни илгари суради: ОТМ тадбиркорлик фаолияти бу – шакли бўйича нисбатан мустақил, таълим муассасасининг уставида назарда тутилган ва таълим тўғрисидаги қонунчиликда тақиқланмаган, таълим жараёнини таъминлаш учун даромад шаклида кутилган натижани олиш мақсадидаги фаолиятдир [13].

Юқорида муаллифлар томонидан берилган таърифлардан шу нарса аён бўладики, фикримизча, ОТМ тадбиркорлик фаолияти бошқа тадбиркорлик фаолияти билан муайян ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти бўйича бугунги давлат ОТМ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида мол-мулкидан фойдаланади, давлат бюджети томонидан молиялаштирилади, олинган даромадлар ҳам бевосита мулкдор – давлат томонидан тасарруф этилади. Давлат олий таълим муассасасининг тадбиркорлик фаолияти бу таълим жараёнини таъминлаш учун даромад олиш мақсадида ўзи хавф - хатарни зиммасига олган ҳолда, мақсадга мувофиқ бўлган, тизимли равишда ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган, мустақил, қонунчиликда тақиқланмаган, уставда мустаҳкамланган фаолият ҳисобланади.

Демак, ОТМ тадбиркорлик фаолияти бошқа тадбиркорлик фаолияти субъектлари, масалан, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ёки унитар корхоналардан фарқ қилади. Ушбу ҳолат бевосита ОТМларнинг давлатга қарашли эканидан далолат беради. Шу билан бирга, бюджет томонидан молиялаштирилиши, қўшимча даромад манбаларини қидириб топишга бўлган қизиқишни маълум даражада сўндириши ҳам мумкин.

Ҳозирги вақтда аксарият ОТМлар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш тарафдори. Бироқ қандай қилиб йўлга қўйиш мумкинлиги, унинг ҳуқуқий асослари ва қандай тартибдалиги юзасидан етарлича тасаввур мавжуд эмас. Юртимизда янгидан-янги инновацион марказлар,

эркин иқтисодий ва саноат зоналари ташкил этилмоқда. Бизнес инкубаторлар, лойиҳаларни ривожлантириш, ёшларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилмоқда.

Бундай марказлар ОТМ таркибида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бу ерда талабалар ишбилармонлик алоқаларини ўрганиши, тадбиркорлик урф-одатлари ва кўникмаларини ўзлаштириши, ижодий ғоялари ва билимларини амалга оширишига имкон бўлади. Масалан, тадбиркорлик ташкилотларининг буюртмаси асосида ахборот-коммуникацион технологияларга ихтисослашган талабалар гуруҳи шакллантирилиши, уларга лойиҳа тақдим қилиниши ва келгусидаги тадбиркорлик алоқалари белгилаб олиниши мумкин. Бу эса, ОТМ малакали профессор-ўқитувчиларининг ҳам мазкур жараёнда иштирок этишини тақозо этади. Натижада ҳосил бўлган натижа (хизмат) бевосита бозорга чиқиши (ёки буюртмачи томонидан сотиб олиниши) мумкин.

ОТМ тўлов-контракт асосида таълим бериши унинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидан далолат берадими? Ушбу фаолиятнинг ўзи ОТМ ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлай оладими? - деган ўринли савол туғилади. Фикримизча, тўлов-контракт асосида таълим бериш бирламчи тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралмаслиги зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамиз олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклига 2016/2017-2020/2021 ўқув йилларида кескин ошганлигини кўрсатади. Жумладан, 2020/2021 ўқув йилида қабул квоталари 2016/2017 ўқув йилига нисбатан 1,8 баробарга, 2017/2018 ўқув йилига нисбатан 1,6 баробарга, 2018/2019 ўқув йилига нисбатан 1,5 баробарга ҳамда 2019/2020 ўқув йилига нисбатан 1,3 баробарга ошганлигини тасдиқлайди (2.1-жадвалга қаранг).

2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ОТМларида давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари

Ўқув йиллари					
	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020	2020/2021
Бакалаврлар					
Грант	19120	18194	17654	18180	23495
Контракт	38787	48122	51546	62250	80080
Жами	57907	66316	69200	80430	103575
Магистрлар					
Грант	1548	1556	1552	4131	5475
Контракт	3452	3444	4351	3564	4950
Жами	5000	5000	5903	7695	10425

Республикада қабул квоталарининг ўсиб бориши, шунга мос равишда олий таълим тизимида тўлов шаклининг контракт турини ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатади. Бироқ, айти пайтда республика ОТМларининг асосий даромадлари бирламчи тадбиркорлик фаолиятига қатъий боғланиб қолмоқда. Аммо, жаҳон амалиётининг кўрсатишича, “тадбиркор университет”ларнинг асосий даромад манбаларини тўлов-контрактлардан тушган маблағлар эмас, балки инновацион ишланмалар, стартап лойиҳалар, спин-аут, спин-офф ва таълим инкубаторлари хизматларидан тушадиган маблағлар ташкил этади.

Д.В.Ивинский, И.Ф.Чепуроваларнинг фикрича, тадиқот фаолияти ва илмий тадқиқотни ривожлантиришга доир хизматлар кўрсатилмаслиги мумкин эмас. Ҳозирги кунда турли шаклларда илмий ижодий потенциални рўёбга чиқариш имкониятлари мавжуд [14]. Бироқ бу ўринда муаллифлар асосий эътиборни тадқиқот фаолиятига қаратган бўлса-да, бошқа фаолият йўналишлари, хусусан, инновацион фаолият, ишланмаларини тижоратлаштириш, молия-иқтисодий фаолият эътибордан четда қолиб кетган.


Фикримизча, ОТМнинг тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлашини соф ва кенг маънодаги тадбиркорлик фаолияти дейиш қийин. ОТМнинг фақатгина бюджетдан пул олиши ёки контракт (супер контракт) ҳисобига пул маблағларини топиши тўлақонли тадбиркорлик ҳисобланмайди ва ОТМ фаолиятини баҳолашнинг қатъий мезони ҳам бўлмайди. Чунки, аксарият Европа мамлакатларида мутахассислар асосан бюджет маблағлари ҳисобига тайёрланади. Бундан ташқари, ОТМ турли қўшимча пул маблағларини топишга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд. Бироқ бу имкониятларни қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш ва ҳуқуқий тартибга солиш етарли эмас. ОТМ тадбиркорлик

фаоляти асосий фаолият йўналишларига бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ (2.1-расмга қаранг).

Юртимиз ОТМлари учун истиқболли йўналишлардан бири сифатида инновацион фаолият кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3855-сон Қарорида қайд этилишича, 2014 – 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилган [15].


Охирги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтиролар сонининг йилига 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш даражаси етарли эмас [16].

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда илмий-техник ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бир нафар ўқитувчига 1,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 2 млн. сўмни ташкил этган (2.1-расмга қаранг).



2.1-расм. Илмий-техник ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш (бир нафар ўқитувчига)[17]

Бизга маълумки, республикадаги илмий-техник ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ҳажмининг ўсиши бевосита мамлакатимиз ОТМ тизимидаги ва илмий тадқиқот муассасаларидаги илмий иш ҳимоялари ҳамда илмий даражалилар сонига бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат қуйидаги графикда ўз аксини топган (2.2-расмга қаранг).



2.2-расм. Республикамизда 2019 йил ҳолатига кўра илмий иш ҳимоя қилганлар ҳамда илмий даражалилар сони [18]

Кейинги йилларда республикадаги илмий салоҳиянинг ўсиши, фан номзодлари (PhD) ва фан докторлари (DSc) сонининг мунтазам ўсиш характериға эга бўлиши ҳам мамлакатимизда илмий ишланмалар сонининг ортишиға бу эса ўз навбатида инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришға кенг замин яратди ҳамда мазкур тенденция қуйидаги статистик кўрсаткичлар билан тавсифланди (2.3-расмга қаранг).



2.3-расм. Республикамизда илмий салоҳият ва ҳимоя қилинган диссертациялар динамикаси [19]

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизда кейинги йилларда илмий инфраструктура такомиллаштирилиши ва илмий ишни ҳимоя қилиш жараёни ҳамда фаолияти такомиллаштирилаётган бўлса-да, мазкур ҳолат бўйича республикамиз ҳудудларида турлича кўриниш акс этади. Жумладан, республикамизнинг илмий салоҳияти энг юқори бўлган ҳудудлари сирасига Тошкент шаҳри (илмий салоҳият 42,3 фоиз), Тошкент вилояти (37,8 фоиз) ҳамда Самарқанд вилояти (36,8 фоиз) кирган бўлса, мазкур мезон бўйича энг қуйи кўрсаткич Хоразм вилояти (илмий салоҳият 25,8 фоиз), Сурхондарё вилояти (26,6 фоиз) ҳамда Жиззах (28,2 фоиз) ва Навоий (28,5 фоиз) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади (2.4-расмга қаранг).



2.4-расм. ОТМларнинг вилоятлар бўйича илмий салоҳияти [20]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар барча соҳани, шу жумладан, ОТМ фаолиятини ҳам қамраб олди. Юқорида давлат томонидан жуда катта маблағ ажратилганлиги кўриниб турса-да, унинг натижасида олинган интеллектуал мулк натижаси, яъни 700 та патентланган ихтиро келгусида ОТМ ёки давлат учун қандай фойда ёки даромад олишга имкон беришини олдиндан айтиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтиролар сонининг йилига 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш ҳам жуда кам кўрсаткич [16].

Шу боисдан ҳам мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда “Илм-фан” моддаси бўйича ажратилаётган маблағлар доирасида қуйидагиларни амалга ошириш учун маблағларнинг камида 20 фоизи йўналтирилиши назарда тутилди:

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, давлат-хусусий илмий кластерларини яратишга, илмий-техникавий тадқиқотларни республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

- илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришга, шу жумладан, бюджет маблағлари олувчилар фаолиятини тегишли маслаҳатчилар томонидан экспертизадан ўтказиш, қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга мувофиқ бизнес-режаларни тайёрлашга грантлар ажратиш [16].

Бу ўринда ОТМ илмий ишланмаларини тижоратлаштириш босқичлари қандай жараёнларни ўз ичига олади? – деган ўринли савол туғилади. Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тижоратлаштириш тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқ эгаларини рағбатлантириш масалаларини асосан қамраб олган. Айни вақтда ОТМни тижоратлаштириш билан боғлиқ бир қатор қуйидаги босқичларни ўз ичига олган жараён назарда тутилиши зарур:

- ОТМнинг илмий муҳитини, шу жумладан, илмий ишланмалар, интеллектуал мулк объектларини яратувчи тузилмаларини таҳлил қилиш;

- мавжуд ва келгусида яратилиши мумкин бўлган интеллектуал мулк объектларини аниқлаш, уларнинг тижоратлаштириш баҳосини аниқлаш, ундан кўриладиган фойдани ўрганиш;

- илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга доир маълум тадқиқотлар, ўрганишларни амалга ошириш;

- илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш йўналишларини белгилаш;

- илмий-тадқиқот натижалари буюртмачилари, инвестор ва истеъмолчиларини топиш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижаларига нисбатан ҳуқуқ эгалари, муаллифлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш;

- ғайриқонуний рақобатни олдини олиш ва бундай ҳолатлар рўй бермаслигини доимий равишда ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан олинган фойданинг самарадорлигини ўрганиш ва унинг натижасида келгуси фаолиятни прогнозлаш;

- тижорат сири режимидаги илмий-тадқиқот ишланмаларини ҳуқуқий муҳофазалаш чораларини кўриш;

- илмий-тадқиқот ишларини ҳуқуқий ҳимоялаш чораларини кўриш;

- ўзаро тузиладиган шартномалар лойиҳаларини, шу жумладан лицензия, буюртманинг муаллифлик шартномаси, комплекс тадбиркорлик лицензияси, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш;

- контрагентлар билан тузилган шартномалар, унинг мазмунини мавжуд талабларга мослаштириб бориш;

- илмий жамоа ўртасидаги ва корпоратив низоларни ҳал қилиш чораларини кўриш.

Фикримизча, давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар бўйича яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ҳамда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда иштирок этган ходимларни мукофотлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши зарур.

Қайд этиш лозимки, корхоналар ОТМ битирувчиларининг нафақат истеъмолчилари, балки илмий-тадқиқот ишлари, докторантлар, тадқиқотчилар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш босқичлари, иккинчи олий таълим олишнинг буюртмачиси бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, корхона ОТМ томонидан тақдим қилинадиган барча турдаги таълим хизматларини олишдан манфаатдор. Бозорда етакчи мавқеини сақлаб қолишни истаган корхонага бундай хизматлар доимий равишда керак ва бунинг учун улар ва ОТМ ўртасида узоқ муддатли ва барқарор алоқалар ўрнатилиши зарур [16].

Демак, илмий кластерлар яратиш ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш ОТМларнинг келгусидаги асосий тадбиркорлик фаолият йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Монография. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, 2009. – 9- б.
2. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. Дисс.автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 6- б.
3. Clark, Burton R. "Creating Entrepreneurial Universities: Organizational Pathways of Transformation. London and New York: International Association of Universities Press and Pergamon-Elsevier Science", 1998. 53-б.; Кларк Б. З.Р. Создание предпринимательских университетов: организационные направления трансформации / пер. с ан. А. Смирнова; Гос. у–Высшая школа экономики. – М.: изд. дом Гос. у–Высшей школы экономики, 2011. – С. 240.
4. Schulte P. "The entrepreneurial university: a strategy for institutional development" // Higher education in Europe. V.29. – P. 187-193.
5. Thorp H., Goldstein B. The Entrepreneurial University // <http://www.insidehighered.com/views/2010/09/27/thorp>.
6. Ropke J. The Entrepreneurial University: Innovation, academic knowledge creation and regional development in a globalized economy. N.Y., 1998.
7. Набиуллин Т.Р. Особенности развития вуза как субъекта предпринимательской деятельности // Вестник Казанского государственного университета культуры и искусств. 2013. – № 4-2. – С. 68-73.
8. Дьяков И.И. Особенности предпринимательской деятельности организаций высшего образования: теоретический аспект //Альманах современной науки и образования. – Тамбов: Грамота, 2016. – № 12 (114). – С. 46-49. www.gramota.net/materials/1/2016/12/12.html
9. Нюхаев Д. В. Особенности предпринимательской деятельности на рынке образовательных услуг // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2010. – № 4. – С. 36-42.
10. Буняк Н.М. Предпринимательский университет: сущность и особенности формирования // Экономика и управление. 2016. – №2. – С. 144-147.
11. Сидорова А.А., Румянцев Н.А. Предпринимательские университеты: сущность и тенденции развития. –М., 2014. – С. 20-30. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2430627
12. Актуальные вопросы развития образования в странах ОЭСР / отв. ред. Ларионова М. В.. – М. : Издат. дом ГУВШЭ, 2005. – С. 152.
13. Тиль Г.В. Предпринимательская деятельность вуза в сфере образования // Вестник Академии. 2010. – № 2. – С. 100-102.
14. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Lex.uz) йиллик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
15. Ивинский Д.В., Чепурова И.Ф. Предпринимательская деятельность вуза как элемент рыночной экономики // Социально-экономический явления и процессы. 2014. – №3 (061)
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 14.07.2018 йилдаги ПҚ-3855-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/3823583>
17. <https://edu.uz/uz/pages/sss>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

БАРАТОВ Миродил Хомуджонович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим
бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор
E-mail: mirodil707@mail.ru

КВИТКОВ Ярослав Михайлович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими
E-mail: lawland@mail.ru

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): БАРАТОВ М.Х., КВИТКОВ Я.М. ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 37-42.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мулкдорлик ва тадбиркорлик фаолияти, унинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш асосида ягона кодификациялашган қонун ҳужжати – Тадбиркорлик кодексини қабул қилишнинг аҳамияти, зарурати, мақсади, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва тадбиркорлик соҳасидаги амалдаги махсус қонун ҳужжатлар таҳлил қилинган, кутилаётган натижалар башорат қилинган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, мулк дахлсизлиги, қонунчилик, кодекс, кодификация, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги, Ҳаракатлар стратегияси.

БАРАТОВ Миродил Хомуджонович

Начальник отдела Института государства и права Академии наук Республики
Узбекистан, доктор юридических наук, профессор
E-mail: mirodil707@mail.ru

КВИТКОВ Ярослав Михайлович

Старший научный сотрудник Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан
E-mail: lawland@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ В ВОПРОСАХ КОДИФИКАЦИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье описываются актуальность, цель, предмет правового регулирования
Предпринимательского кодекса – единого кодифицированного законодательного документа,

основанноганаанализеимущественнойипредпринимательскойдеятельности,анализируются нормативные акты действующего законодательства в сфере предпринимательства, прогнозируются ожидаемые результаты.

Ключевые слова: предпринимательство, неприкосновенность собственности, законодательство, кодекс, кодификация, приоритет прав субъектов предпринимательства, Стратегия действий.

BARATOV Mirodil

Head of the Department of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor
E-mail: mirodil707@mail.ru

KVITKOV Yaroslav

Senior Researcher Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
E-mail: lawland@mail.ru

SOME REFLECTIONS ON THE ISSUE OF CODIFICATION OF BUSINESS LEGISLATION

ANNOTATION

The article describes the relevance, purpose, subject of legal regulation of the Entrepreneurial Code - a single codified legislative document based on the analysis of property and business activities, analyzes the normative acts of the current legislation in the field of entrepreneurship, and predicts the expected results.

Keywords: entrepreneurship, inviolability of property, legislation, code, codification, priority of the rights of business entities, Action strategy.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари энг олий қадрият бўлган “Янги Ўзбекистон”ни қуриш, шунингдек **Учинчи Уйғониш даври** – янги Уйғониш даври пойдеворини шакллантиришга қаратилган тизимли, изчил ва жадал ислохотлар ва туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва мамлакатда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш кафолатларини таъминлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (LexUz)да 100 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. 70 мингга яқини – амалда! Улар – қонун ҳужжатлари; Президент ҳужжатлари; ҳукумат қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари; суд ҳужжатлари; халқаро ҳужжатлари; Олий Мажлис палаталари кенгашларининг ҳужжатлари; техник ҳужжатлар; суд амалиёти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳужжатларидир [1]. Ҳужжатларнинг ҳар бири ҳам ўзининг тартибга солиш предмети, муносабатлар қўлами, тартибга солиш усули бўйича ўзига хосдир. Аммоулар орасида Конституция ўзининг универсаллиги, Кодекслар эса (18 та) кодификациялашганлиги билан ажралиб туради. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда ҳам қонунчилик юридик техникасида кузатилаётган ҳолатлардан бири – бу қонунчилик ҳужжатларини кодификациялаш томон кетилаётган тенденциядир. Ўз даврида Солиқ кодекси қабул қилиниши ва амалга киритилиши билан ўнлаб қонунлар ўз кучини йўқотганди. Сайлов кодексининг амалга кириши билан бешта яхлит қонун ва ўнлаб таҳрир характеридаги қонунлар ўз кучини йўқотди. Эндиликда пишиб етилаётган муносабатлар орасида – нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ муносабатлар, экологик-ҳуқуқий муносабатлар, инвестициявий фаолият билан боғлиқ муносабатлар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти

хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институтининг ташкил этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди [2]. Ушбу институт тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот учун янги механизмларни жорий этишга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини яратишга қаратилган.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да [3] (2018) амалга оширишга оид давлат дастури муваффақиятли амалга оширилди, бу эса фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар олдини олишга хизмат қилди.

Мамлакатимиз Президентини Олий Мажлисга Мурожаатномасида (29.12.2020 йил) юқорида қайд этилган энг сўнгги муносабатлар хусусида таҳлил юритиб, “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилиши”ни қайд этгани [4].

Мамлакатимизда биринчидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси [5] қабул қилинди, уни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборат.

Манбаларда қайд этилганидек, дунёда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий хавф-хатар (намойишлар, иш ташлашлар, пандемия, карантин)лар шароитида имтиёз ва преференциялар бериш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг ишончли ва самарали ҳуқуқий режимни ўрнатиш борасида доимий мослашиш, ривожланиш ва қонунчиликни такомиллаштириш жараёнлари кузатилмоқда [6]. Айниқса, бу ҳолатга сўнгги пайтларда бутун дунё бўйлаб синдром бўлган пандемия – COVID-19 шароитлари янада жиддий кўрсатди. Мамлакатлар ва компаниялар мисли кўрилмаган даражада зарар кўрди ва бу ҳол давом этмоқда ҳам.

Мамлакатлар, ҳукуматлар бу борада кескин чора-тадбирлар кўришни адолат, оқилоналик ва самарадорлик ракурсидан, катта масъулият ва ўта донолик билан чиқиш йўллари, истиқболларини изламоқда. Хусусан, мамлакатимизда ҳам бу реалликдан холи эмас. Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилаш, айниқса, тобора ҳаётимиздан чуқур ўрин эгаллаб бораётган рақамли иқтисодиёт шароитида реал мулк ва виртуал мулк режимини аниқлаш, бу борада мавжуд қонунчиликни кодификациялаш кун тартибига чиқмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” [5] тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари тўлиқ кодификациясини, шунингдек тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шароит ва кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишни назарда тутди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принциплари ва механизмларини белгилаб берадиган бундай кодификацияланган ҳужжат мавжуд эмас.

Тарих шохидки, ҳали 1991 йил 15 февралдаёқ 10 та моддадан иборат “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” Қонун қабул қилинганди [7]. Вазият ҳаддан зиёда пишиб етилган эди. Фуқароларимиз (айниқса, Ўзбекистон мисолида) жуда биқик, сиқик ҳолга тушганди. Воқеалар ривожда, “социалистик ва шахсий мулк” қобиғидан чиқишда, мулкка нисбатан эгаменлик ҳис-туйғусини шакллантиришда 1989 йил 15 августдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қўшма қарори [8] ҳамда 1990 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги [9] Қонун муҳим роль ўйнади.

Маълумки, жамиятдаги мавжуд моддий неъматларнинг тўғри тақсимланган-

тақсимланмаганлигига қараб, жамият ва давлатнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Бу ҳол мамлакатнинг равнақида, аҳоли турмушининг фаровонлигини оширишда яққол кўзга ташланади. Зеро, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида моддий неъматларнинг қай даражада бўлинганлиги энг муҳим омил саналади.

Давлатда муайян даражадаги мол-мулкнинг мавжуд бўлиши бир қатор омиллар (давлат органлари фаолиятини, хавфсизликни таъминлаш, фан ва маданият соҳасини молиялаш, камбағалликни қисқартириш – мамлакатимиз мисолида) билан боғлиқдир.

Ю.К.Толстойнинг фикрига кўра, давлатнинг мулки сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларнинг катта қисми сақланиб қолишини қуйидаги икки омил билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, кейинчалик нималар бўлишини олдиндан билиб бўлмайдиган дунёда ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини ўйлаши керак. Бу нафақат ҳарбий соҳада, балки техноген, экологик, санитария-эпидемиология, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат соҳасидаги хавфсизликдир.

Иккинчидан, давлат кенг миқёсдаги ижтимоий функцияларни ҳам бажарадики, бу вазифаларни бажаришда етарли даражада, моддий-техникавий ва молиявий база бўлиши зарур [10].

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, давлат мулки нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун, балки давлат ва унинг органларининг мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарурдир [11].

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, давлат мол-мулкнинг мавжудлиги шу давлатда яшовчи фуқароларнинг умумий манфаатларини амалга ошириш, халқ эрк-иродасини юзага чиқариш билан боғлиқ бўлади, деган умумий хулосага келиш мумкин. Бу фикрлардан мамлакатда мавжуд бўлган барча мол-мулк давлат қўлида бўлиши зарур экан, – деган фикрга келиш керак эмас.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ тузуми даврида бўлган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, мулкни ҳаддан ташқари марказлаштириш ва жамиятнинг барча муаммоларини давлат зиммасига юклаш ҳамда давлатнинг нималарга қодирлигини четдан туриб кузатиш охир-оқибат иқтисодий таназзулга олиб келди. Зеро, “қайта қуриш”гача бўлган даврда давлатнинг қўлида мавжуд моддий неъматларнинг 90% дан кўпроғининг тўпланиб қолиши иқтисодий муносабатларнинг турғунлашувига сабаб бўлганлиги ачиқ ҳақиқатдир. Бундан ташқари, мулкнинг давлат ихтиёрида марказлашувига хўжасизликка, унинг талон-тарож қилинишига, кўпайтириш ўрнига ўзлаштиришга учради. Шу билан бирга, мулкка нисбатан қатъий белгиланган “меники”, “ўзганики” тушунчаларининг йўқотилиши ва унинг ўрнига “бизники”, “ҳамманики”, демак, “меники” ёки “ҳамманики, шунинг учун ҳам меники эмас”, – деган қарашларнинг пайдо бўлиши мулкчилик муносабатларининг тубдан издан чиқишига олиб келди. Бу ҳолатлар мулкни давлат қўлида бундай даражада (собиқ Иттифоқда бўлгани каби) тўпланишининг иқтисодиёт учун, кишиларнинг мулкка бўлган муносабатлари учун салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, иқтисодий ривожланишнинг тўхтаб қолишига, турғун бўлишига ҳам олиб келди. Кишилар мулкдан сунъий равишда “беғоналаштирилди”.

1995 йил 21 декабрда “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” Қонуни қабул қилинди [12]. 1999 йил 14 апрелда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” қонун қабул қилинди [13]. 2000 йил 25 майда 51 моддадан иборат “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ва амалга киритилиши муносабати билан юқоридаги қонунларнинг аксари ўз кучини йўқотди [14]. 2012 йил 2 майда мазкур қонун айтиш учун номда янги таҳрирда (52 модда) қабул қилинди [15]. Ҳозирда ушбу матн амалдадир. Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу қирраси билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий маконда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мазкур соҳа 440 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (80 дан ортиқ қонунлар, 170 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, 70 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 130 дан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) билан тартибга солинган.

Кўриниб турибдики, муносабатлар кўлами кенг ва шунга монанд, сочилиб ётибди. Айниқса, бугунги кунда анъанавий реал мулк билан бир қаторда, виртуал мулк (криптоактив, криптовалюта, “ўйин шаклидаги мол-мулк”, виртуал токенлар, домен номлари, рақамли

актив (digital active)лар) ҳам тобора оммалашаётган, керак бўлса, юридик шахс ташкил этган тадбиркорларнинг устав фондига киритиш-киритмаслик масаласи қўйилаётган бир пайтда соҳа қонунчилигини кодификациялаш янада муҳимдир.

Бу ҳол ҳуқуқни қўлловчилар – тадбиркорлар учун ҳам, маъмурлар учун ҳам талай қийинчиликларга олиб келмоқда. Маълум бир муносабатни аниқлаш учун бир пайтнинг ўзида ўнлаб ҳужжатларни варақлаш лозим бўлмоқда.

Тадбиркорлик кодексини қабул қилишнинг зарурати норматив-ҳуқуқий массивнинг ҳаддан зиёд кўплиги ва унда зиддиятли нормаларнинг мавжудлиги, рақамли тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларнинг тизимли мазмунга эга эмаслиги, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчиликка нисбатан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг жадал ривожлантирилаётганлиги, қонунчилик ҳужжатлари ижро мониторингини амалга оширишнинг мураккаблиги, соҳага оид оммавий-ҳуқуқий нормаларнинг устуворлиги, айрим маъмурий тўсиқларнинг, хусусан, қоғозбозликка йўл қўйилаётганлиги, тадбиркорлик субъектларига юридик хизмат кўрсатиш самарали ташкил этилмаганлиги, бизнес тузилмаларига рақамли давлат хизмати кўрсатишда барча соҳаларнинг қамраб олинмаганлиги, рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес юритиш билим ва кўникмаларининг замон талабларига жавоб бермаслигида кўринади. Кези келганда шуни ҳам айтиш лоимки, “рақамли технологияларнинг фуқаролик муносабатларига кириб келиши ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда янги ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишни ва мутаносиб равишда фуқаролик ва тадбиркорлик қонунчилигини тизимлаштиришда инobatга олишни тақозо этади. Рақамли тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва унификация қилиш норма ижодкорлиги фаолиятининг янги истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини рақамли технологиялар ёрдамида такомиллаштириш уни кодификациялаштиришнинг асосий ва муҳим шартидир” [16].

Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ташкил этиш нормаларини умумлаштирувчи қонун шаклида кодификация қилиш, ушбу субъектлар фаолиятини (ташкил қилишдан – тугатишгача) ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни бартараф этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни аниқлаш имконини беради.

Янгиланаётган ҳужжат билан улар фаолиятидаги қонунийлик принципи; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг принципи; тадбиркорлик субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги принципи; очиқлик, ошкоралик ва адолатлилиқ принципи; тадбиркорлар ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш принципи; дахлсизлик принципи ва тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкни ҳимоя қилиш тамойили; тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва уни ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлаш принципи; тадбиркорлик субъектларининг ишларига ноқонуний аралашишга йўл қўймаслик принципи; тадбиркорлик фаолиятини адолатли юритиш тамойили каби муҳим принциплар мустаҳкамланади.

Хулоса. Тадбиркорлик кодексини қабул қилишнинг асосий ижобий жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

- тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база ихчамлашади, уларнинг ўзаро уйғунлиги таъминланади, таркибий қисмлар ўртасидаги коллизиялар, қарама-қаршилиқлар минималлашади;

- универсал ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантирувчи ягона ҳужжатдан фойдаланиш тадбиркорлик учун, айниқса, ўз юридик хизматларига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун катта қулайлик вужудга келтиради. Уларни ҳуқуқий саводхонлик босқичидан – юридик малака кўникма босқичига ўтишига кўмак беради. Яъни, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўзаро ҳаракатининг маъмурий тартиб-таомиллари соддалаштирилади ва рақамли бизнес юритишга ўтилади;

- тадбиркорлик фаолиятида коррупцияни олдини олишга оид фуқаролик-ҳуқуқий воситалар тартибга солиш самарадорлигини оширишга, пировардида, иқтисодий эркинликка, қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва иқтисодий тежамкорликка олиб келади.

Хулоса шуки, Тадбиркорлик кодекси керак. Аммо унинг нормалари Фуқаролик кодекси нормаларини тақрорламаслиги ва зиддиятли қоидалар бўлмаслигига эришиш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – URL: <https://>

lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида” 2017 йил 5 майдаги ПФ–5037-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/3193118>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 23 январдаги ПФ–5308-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/3516847>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги ПФ–6012-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/4872355>.

6. Н.А.Ашурова. Тадбиркорлик субъектлари мулкӣ асосларининг ҳуқуқӣ режими: Юрид. фан. докт. ...дисс. –Тошкент: 2021. 4-б. — URL: <http://library.ziyonet.uz/uz/book/119882>.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/75878>.

8. “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 258-сон Қарори. 15.08.1989 // URL: <https://lex.uz/uz/docs/5082375>.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. 152-XII-сон. 31.10.1990 // URL: <https://lex.uz/uz/docs/111466>.

10. Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. Т.1. –М., Проспект, 2003.465 с.

11. Раҳманкулов Х. Законодательные источники гражданского права РУз и задача по их совершенствованию / Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқӣ таъминлаш муаммолари мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. 10-б.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуни. 159-I-сон. 21.12.1995. // URL: <https://lex.uz/docs/97216>.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни. 754-I-сон. 14.04.1999. // URL: <https://lex.uz/docs/2081>.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 69-II-сон. 25.05.2000. // URL: <https://lex.uz/docs/31846>.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-328-сон. 02.05.2012. // URL: <https://lex.uz/docs/2006789>.

16. Ш.Рўзиназаров. Рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг электрон дастурий таъминотини интеграция қилиш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. 2021. –№4. 37-б. — URL: www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/250/227.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

АБДУРАСУЛОВА Қумринисо Раимқуловна,

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори

ТОШПУЛАТОВ Ақром Икромович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси ((DSc),
юридик фанлар номзоди
e-mail: a.toshpulatov@tsul.uz

МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ (ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ МИСОЛИДА)

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АБДУРАСУЛОВА Қ.Р., ТАШПУВЛАТОВ А.И. МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ (ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ МИСОЛИДА) // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 43-50.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-6>

АННОТАЦИЯ

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди. Айниқса, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, янги институтлар, ушбу икки ҳуқуқ соҳасининг ўзаро алоқадорлигининг ҳали тадқиқ қилинмаган янги жиҳатларини юзага келтирмоқда. Илмий адабиётлар таҳлили асосида жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи ўзаро алоқадорлигининг турли жиҳатлари, шакллари ва даражалари тадқиқ қилинган, ушбу ҳуқуқ соҳаларини ривожлантиришга оид таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: моддий ва процессуал ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи.

АБДУРАСУЛОВА Қумриниса Раимқуловна

Профессор кафедры уголовного права, криминалогии и противодействия коррупции
Ташкентского государственного юридического университета, доктор юридических наук

ТОШПУЛАТОВ Ақром Икромович

Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического
университета (DSc), кандидат юридических наук

ВЗАИМОСВЯЗЬ МАТЕРИАЛЬНОГО И ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА (НА ПРИМЕРЕ УГОЛОВНОГО ПРАВА И УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА)**АННОТАЦИЯ**

За последние годы в уголовном и уголовно-процессуальном законодательстве страны произошли существенные изменения по совершенствованию его норм, имплементации и внедрению международных стандартов и передовой зарубежной практики в целях обеспечения прав и свобод граждан, участвующих в уголовном судопроизводстве. На основе анализа научной литературы рассматриваются различные аспекты, формы и уровни взаимодействия уголовного и уголовно-процессуального права, а также вносятся предложения по развитию этих областей права.

Ключевые слова: материальное и процессуальное право, уголовное право, уголовно-процессуальное право.

ABDURASULOVA Qumriniso

Professor of the Department of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption, Tashkent State University of Law, Doctor of Law

TOSHPULATOV Akrom

Independent researcher of Tashkent State University of Law (DSc),
Candidate of Legal Sciences

THE RELATIONSHIP OF SUBSTANTIVE AND PROCEDURAL LAW (ON THE EXAMPLE OF CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCEDURAL LAW)**ANNOTATION**

Domestic criminal and criminal procedural legislation has undergone significant changes aimed at improving its norms, implementing advanced international standards and foreign practices in order to unconditionally ensure the rights and freedoms of citizens involved in criminal proceedings over the past years. The study of the most important issues of the relationship between criminal and criminal procedural law has become especially relevant and timely, especially since many facets and levels of the relationship between substantive and procedural criminal law are completely new and do not yet have an unambiguous solution. In this article, based on the analysis of scientific literature, various aspects, forms and levels of interaction between criminal and criminal procedural law are considered, and proposals are made for the development of these areas of law.

Keywords: substantive and procedural law, criminal law, criminal procedural law.

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги масалаларини илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти тадқиқ қилишни айнан бир ҳуқуқ соҳаси доирасида амалга ошириб бўлмайди, бунинг учун амалиётда учрайдиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳалари комплекс тарзда ўрганилиши лозим. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи ўзаро жуда алоқадор комплекс тарзда ўрганишни тақозо этадиган соҳалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарорида янги таҳрирдаги жиноят ва жиноят-процессуал кодексларни тайёрлаш вазифаси белгиланганлиги ҳам ушбу икки ҳуқуқ соҳасининг нақадар бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари, жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг ўзаро алоқадорлиги масаласи бироз эътибордан четда қолган масала ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаларида изланиш олиб борган

олимлар ўртасида ушбу ҳуқуқ соҳаларининг ўрни, қайси бири устунлиги ёки бирламчи эканлиги масаласида баҳслар мавжуд. Мазкур ҳуқуқ соҳалари моҳиятан бир вазифа, яъни жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатини амалга оширишга қаратилган бўлиб, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган соҳалар деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқ назариясида моддий ва процессуал ҳуқуқ тушунчаси. Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқни моддий ва процессуал ҳуқуққа бўлиш қабул қилинган. Моддий ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни тартибга солишни таъминловчи ҳуқуқ нормалари тизими. Моддий ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқий тартибга солиш доирасини белгилайди [1].

Моддий ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва тартибини, уни ҳимоя қилиш шартларини мустаҳкамловчи процессуал ҳуқуқдан фарқли ўлароқ моддий ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга уларни тўғридан-тўғри, бевосита ҳуқуқий тартибга солиш орқали таъсир кўрсатиш имконини беради [2].

Процессуал ҳуқуқ – ҳуқуқларни амалга ошириш, мажбуриятларни бажариш ва ижро этиш тартибини белгиловчи нормалардир. Процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёни ва тартибини белгиловчи нормалари йиғиндисидир [3].

Ҳуқуқ назариясидаги моддий ва процессуал ҳуқуқ масаласига оид қарашларни таҳлил қилган ҳолда, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Моддий ҳуқуқ нормалари:

процессуал нормаларнинг мазмунини белгиловчи фактик воқеликларни тартибга солади;

процессуал нормалардан кўра ўзгарувчанроқ (динамик)дир;

ижтимоий ҳаётнинг моддий шароитлари билан боғланган;

ушбу нормаларнинг мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишдир;

тартибга солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хусусиятлари эга;

ҳуқуқнинг барча субъектларига қаратилган;

расман бекор қилинади.

Процессуал ҳуқуқ нормалари:

моддий ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва тартибини, уни ҳимоя қилиш шартларини белгилайди;

моддий ҳуқуқ нормаларига нисбатан турғун (статик) ҳисобланади, ўз табиатига кўра чекловчи хусусиятга эга;

икки томонлама хусусиятга эга, бир томондан жамият ҳаётининг моддий шароитларидан келиб чиқади, иккинчи томондан ушбу муносабатларни тартибга соладиган моддий ҳуқуқ соҳаси нормалари билан чамбарчас боғлиқликда бўлади;

шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини судда ҳимоя қилиш билан биргаликда, суднинг ишларни кўриб чиқиш ваколатини белгилайди;

процессуал хусусиятга эга (ишларни кўриб чиқишнинг оқилона тартибини белгилайди);

одатда, ваколатли шахслар яъни, моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш ваколатига эга бўлган шахслар (судья, прокурор, терговчи ва бошқалар)га қаратилган бўлади;

тегишли моддий ҳуқуқ нормалари бекор қилиниши билан тугатилади.

Жиноят ҳуқуқи моҳиятига келсак, жиноят ҳуқуқи асосий ҳуқуқ соҳаларидан ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқини ўрганган олимларнинг жиноят ҳуқуқи тушунчаси, унинг моҳияти бўйича бир қанча қарашлари мавжуд.

Назарий муаммо сифатида жиноят ҳуқуқининг моҳиятини тадқиқ қилган олимлар жиноят ҳуқуқи тушунчаси айнан қандай масалаларни қамраб олиши ҳақида турлича фикрларни билдиришган. Қонун чиқарувчи ва уни қўлловчилар ҳамда юридик фан намоёндалари ўртасида жиноят ҳуқуқининг “масъулияти соҳаси”ни аниқ белгилаш борасида турли фикрлар билдирилган. Айнан ушбу масаланинг, яъни жиноят ҳуқуқининг “масъулияти соҳаси” аниқ белгиланмаганлиги бир томондан жиноят ҳуқуқи соҳасини асосиз кенгайтириш, муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муносабатлар муаммоларини асосан жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этишга уринишларда кўринмоқда. Жумладан, кейинги йилларда жиноят қонунчилигига жуда кўплаб ижтимоий муносабатлар учун жавобгарликни белгилайдиган нормалар киритилаётганлиги, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда репрессив йўлдан кетишга олиб келиши мумкинлигини эътибордан четда

қолдирмаслик керак. Иккинчи томондан эса, айрим олимларнинг жиноят ҳуқуқи соҳасини бирор-бир ижтимоий муносабатларни ҳал қилмайдиган, асосий вазифаси бошқа ҳуқуқ соҳаларида белгиланган қоидаларни бузганлик учун жазо чорасини белгиловчи соҳа деган фикрлари ҳам мавжуд. Жумладан, Ж.-Ж.Руссо жиноят қонуни моҳиятан ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси эмас, балки барча соҳаларнинг санкциясидир [4], деб таърифлаган.

Албатта, жиноят ҳуқуқи моҳиятига оид юқорида кўрсатилган иккала қарашда ҳам камчиликлар мавжуд. У.Холиқулов таъкидлаганидек, жиноят қонунчилиги замонавий талабларга жавоб бериши учун ҳуқуқни, жумладан жиноят ҳуқуқини тадқиқ қилишда биз ўрганиб қолган чегаралардан четга чиқишимиз, масалани турли қарашлар нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз зарур [5].

Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳаси сифатидаги номланиши кўп жиҳатдан турли мамлакатлар жиноят-ҳуқуқий сиёсатида қайси ғоя устунлик қилишига боғлиқ бўлган, яъни асосий эътибор жиноят ғоясими ёки жазо ғоясининг устуворлигига боғлиқ бўлган. Ушбу соҳанинг номланишидан нафақат соҳа, балки жиноят ҳуқуқи фанининг тузилиши шаклланади.

Н.С.Таганцев жиноий қилмиш юридик муносабат сифатида ўзида икки жиҳатни: жиноятчининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларга муносабати – жиноятни; давлатнинг жиноий қилмиш содир этганлиги учун жиноятчига бўлган муносабати – жазони акс эттиради деб ҳисоблайди. Шу сабабдан жиноят ҳуқуқи тузилиши ҳам икки хил бўлиши мумкин: ё биринчи ўринга жиноий қилмиш қўйилади, бунда қилмиш учун жазо муқаррар оқибат сифатида кўрилади, ёки биринчи ўринга давлатнинг жазолаш фаолияти қўйилади, бунда жиноий қилмиш фақат ушбу жазолаш фаолиятининг асоси сифатида кўрилади [6].

Хорижий давлатларда жиноят ҳуқуқининг асосий ғояси сифатида жиноий қилмиш (жиноят) турган бўлса, у криминал ҳуқуқ (Criminal Law) деб аталади, агар асосий ғоя сифатида биринчи ўринга жазо қўйилган бўлса, жазо ҳуқуқи (Penal Law) деб юритилади. Жумладан, АҚШ, Германия, Англия ва Японияда криминал ҳуқуқ деб номланса, Франция, Польша бошқа Шарқий Европа давлатларида жазо ҳуқуқи деб номланади [7].

Албатта, ҳозирги глобаллашув даври, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички ҳуқуқ нормаларига имплементация қилинишининг ортиб бораётганлиги, жиноий жазонинг моҳиятига оид янгича ёндашувлар ривожланиб бориши оқибатида жиноят ҳуқуқи соҳасига оид қарашлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Адабиётларда жиноят ҳуқуқи тушунчасига оид турли қарашларда жиноят ҳуқуқи жиноят ва жазо ҳақидаги юридик нормалар йиғиндиси деган қараш устувордир [8]. Бундай таърифнинг қулайлиги биринчидан, унинг қисқалигида бўлса, иккинчидан жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳаси сифатидаги моҳиятини аниқлаб беради.

А.В.Наумов эса жиноят ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф беради, “Жиноят ҳуқуқи қандай қилмишлар жиноят эканлигини аниқловчи ва уларни содир этган шахсларга нисбатан жазоларни, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини белгиловчи, жиноий жавобгарлик ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир” [9].

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, моҳиятига оид қарашларни умумлаштирган ҳолда, ушбу масалага оид олимларнинг фикрларини қуйидаги: жиноят ҳуқуқининг мақсадлари; жиноят ҳуқуқининг тузилиши ва мазмунини ўзида акс эттирган институтлари; жиноят ва жазо ҳақидаги ҳуқуқ соҳаси сифатида; жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усуллари оид гуруҳларга бўлиш мумкин. Ҳар бир олим юқоридаги нуқтаи назарларнинг биридан келиб чиқиб чиққан ҳолда масалага ёндашуви сабабли, жиноят ҳуқуқининг моҳиятига оид турли қарашлар шаклланган.

М.Ҳ.Рустамбаев жиноят ҳуқуқи тушунчасини бир нечта маънода қўлланилишини кўрсатади: 1) қонун соҳаси, 2) ҳуқуқ тармоғи, 3) фан тармоғи, 4) ўқув предмети [10].

М.Усмоналиев, П.Бакунов эса “кенг маънода олганда жиноят ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси олий давлат ҳокимият органи томонидан ўрнатилган, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини белгиловчи жиноий жавобгарлик ва унинг асосларини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жазо тизимини, жазо тайинлашнинг умумий асосларини, жавобгарлик ва жазодан озод қилишни, шунингдек ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқ тармоғидир” [11] деб кўрсатишади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарашларни умумлаштирган ҳолда жиноят ҳуқуқи – бу

қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини ва улар учун жазо чораларини белгиловчи, жиноят содир этган шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси, деб таъриф бериш мумкин. Ўз навбатида ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда жиноят ҳуқуқининг моҳияти жиноят содир этилиши оқибатида, уни содир этган шахс ва давлат ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларда намоён бўлади.

Жиноят процессуал ҳуқуқи моҳиятига тўхталадиган бўлсак, жиноят-процессуал ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасини ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи тартиб-қоида нормаларининг қонунда мустаҳкамланган тизими бўлиб, яъни жиноят иши юритуви вазифаларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий тартиб-таомилларни ифодалайди [12].

Жиноят процессининг асосий ижтимоий функцияси давлатнинг жиноятчиликка қарши курашишни ташкил қилиши ва амалга ошириши ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатини юритишда ҳимоя қилиш функциясини амалга оширувчи жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари ташкил қилади. Ушбу фаолиятни жиноят-процессуал ҳуқуқи нормаларини қўлламасдан амалга ошириб бўлмайди. Айнан ушбу ҳолат жиноят-процессуал ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилаб беради.

Жиноят процесси қуйидаги тўрт маънода қўлланилади:

- 1) ўзига хос фаолият;
- 2) маълум бир турдаги нормалар йиғиндиси;
- 3) муайян тадқиқот предметиға эга бўлган юридик фан;
- 4) ўқув предмети [13].

Жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий белгилари сифатида:

а) махсус ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади (фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари ушбу фаолиятда қонунда белгиланган тартибда иштирок этишлари мумкин);

б) жиноят-процессуал қонунда белгиланган шаклда амалга оширилади;

в) жиноятдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек шахсни ғайриқонуний ва асосланмаган айбловдан, судланишдан, ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишидан ҳимоя қилишдан иборат ўз мақсадига эга эканлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Жиноят процесси, ҳар қандай ҳодиса каби, шакл ва мазмунига эга, унинг шакли ҳам моддий, ҳам идеал бўлиши мумкин. Моддий шакл жиноят содир қилинганлик факти ва уни содир этган шахснинг айблилигини аниқлаш қоидаларини ўз ичига олади. Бу қоидалар қонунлар ва қонуности актларида, шартнома ва келишувларда, ҳуқуқий одатларда, прецедентлар ва ҳуқуқнинг бошқа кўринишларида ифодаланиши мумкин. Ушбу қоидаларни қўллаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар идеал шакл ҳисобланади, чунки улар жиноят процесси иштирокчилари онгида бевосита акс этади. Жиноят процессининг асосий мазмуни бўлиб, жиноятларни тергов қилиш органлари, прокурор ва суднинг процессуал қарорлар қабул қилиш ва қонуний ҳаракатларни амалга оширишдан иборат фаолияти ҳисобланади [14].

Жиноят-процессуал ҳуқуқига бағишланган тадқиқотларнинг таҳлили унинг моҳияти жиноятчиликка қарши курашишда давлат фаолиятининг ҳуқуқ нормаларида белгиланган шакли ташкил этади, деб хулоса қилиш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг алоқадорлиги. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг ўзаро алоқадорлиги масаласи ҳуқуқнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ соҳаларига бўлиниши билан узвий боғлиқликда намоён бўлади. Ҳуқуқнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ соҳасига бўлиниши ўз аҳамиятига кўра ҳуқуқни оммавий ва хусусий, объектив ва субъектив ҳуқуқ каби турларга ажратишдаги ҳуқуқий қарама-қаршиликлардан бири ҳисобланади. Ҳуқуқнинг бундай бўлиниши ўрта асрлар фалсафий қарашларида нарсаларнинг моҳиятини “моддий”, унинг шаклини эса “формал” турларга бўлишдан келиб чиқади. Шу сабабдан ҳам айрим адабиётларда моддий ҳуқуқ “моҳият (борлиқ) ҳуқуқи” деб юритилади (масалан, инглизча substantive law, французча droit substantiel ёки droit de fond), процессуал ҳуқуқни ифодалаш учун эса “ҳуқуқ шакли” деган термин қўлланилади (масалан, французча droit formel ёки droit de forme) [15].

Ҳуқуқ назариясида процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва тартибини, уни ҳимоя қилиш шартларини мустаҳкамловчи нормалар сифатида қаралсада, жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг ўзаро алоқадорлиги масаласи етарлича

тадқиқ қилинмаган мавзулардан ҳисобланади.

Жумладан, профессор Дж. Флетчер жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни қўллаш фаолияти фақат тегишли ҳуқуқ соҳаси, институтлари, нормалари билан чекланиб қолмасдан, масалани кенгроқ қамраб олиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун у жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқини ўзаро алоқадорликда тадқиқ қилишни таклиф қилади [16].

Дж. Флетчер фикрича, моддий нормалар “умуман олганда айб мавжудлиги”ни аниқлайди, процессуал нормалар эса мазкур шахс “ҳақиқатдан айбдор” эканлигини аниқлайди.

У.С. Джекебаев фикрича, “умуман олганда айб мавжудлиги” “ҳақиқатдан айбдор”ликка айланиши мумкин, аммо бу далиллар, уларнинг мақбуллиги қоидалари ҳамда баҳоланиши, шунингдек айбдор ёки айбдор эмаслик ҳақида қарор қабул қилиш ваколатига эга шахсларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятига боғлиқ бўлади. Бундай ёндашув ҳуқуқнинг англосаксон йўналишига мос келади [17].

Собиқ совет иттифоқи давридан шаклланган ҳуқуқий қарашларга мувофиқ, жиноят ҳуқуқи жиноят-процессуал ҳуқуқидан устун туради деб ҳисобланади. Жиноят процессининг мақсади жиноят ҳуқуқи нормалари асосида жиноят содир қилган шахсни аниқлаш, айбини исботлаш, унга жазо тайинлаш деб қаралган.

Е.Мизулинанинг фикрича, айблаш, тергов қилиш, суд қилиш ва жазони ижро этишнинг бир шахс – давлат қўлида тўпланиб қолганлиги, давлатнинг жиноят-процессуал фаолияти айблов томонга оғиб кетишига олиб келган. Шу сабабдан у “жиноят процесси бу фаолият ҳам, усул ҳам, жараён ҳам эмас, балки жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал фаолият амалга ошириладиган ва маълум бир тарзда бир-бирига мос келадиган шаклдир” [18] деб таъриф беради.

Албатта, бу ерда Е.Мизулина англосаксон ҳуқуқ тизимида жиноят процесси тортишув принципига асосланганлигидан келиб чиқиб фикр билдирган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланиши ҳақидаги норманинг мавжудлиги, мамлакатимизда жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва суд қилиш айнан давлат томонидан амалга оширилишини кўрсатади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, жиноят ҳуқуқи бу ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят эканлигини аниқлайдиган ва бундай қилмишлар учун жазо чораларини белгилайдиган ҳуқуқ нормалари йиғиндиси. Ундан фарқли равишда жиноят процесси эса ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва шаклда жиноят ишини кўзғатиш, тергов қилиш, жиноят ишини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади. Аммо бу ерда, жиноят процесси нафақат қонунда белгиланган тартибда ва шаклдаги фаолият сифатида, балки ушбу жараёнда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солишини ҳам унутмаслик керак. Шу сабабдан ҳам жиноят процесси ва жиноят-процессуал ҳуқуқи тушунчалари айнан бир хил тушунча бўлмасдан, улар орасида фарқлар мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Жиноят-процессуал ҳуқуқини жиноят ишларини юритиш (адабиётларда кўпроқ жиноий судлов жараёни деб юритилади) жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар сифатида тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жиноят-процессуал ҳуқуқига энг яқин ҳуқуқ соҳаси жиноят ҳуқуқи бўлиб, у жиноий жавобгарлик асослари ва принципларини, қилмишларнинг жиноят эканлигини, жиноят содир этганлик учун тайинланадиган жазо турларини ва бошқа чора турларини белгилайди. Жиноят-процессуал ҳуқуқи эса жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари ҳал қилинадиган процессуал шаклни белгилайди. Шундай қилиб жиноят-процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқ бўлган жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаш шакллари яратади.

Аммо ушбу икки ҳуқуқ соҳаси тартибга соладиган алоҳида ҳуқуқий муносабатлари ва ўзининг предметига эга. Жиноят-ҳуқуқий муносабатлар умумий маънода жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишни содир қилган шахс ва давлат ўртасидаги муносабатлар бўлиб, ушбу муносабатлар жиноят содир қилинган вақтдан бошлаб вужудга келади. Жиноят-процессуал муносабатлар эса процесс иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар бўлиб, жиноят содир этилганлиги ҳақидаги дастлабки хабарлар олинган вақтдан юзага келади. Жиноят-процессуал муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муносабатларни ойдинлаштириш ва аниқлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда, жиноят-ҳуқуқий

муносабатларни реализация қилиш жиноят-процессуал ҳуқуқининг ягона вазифаси эмас. Процессуал шакл шунингдек, фуқароларни асоссиз айблов ва судланишдан ҳимоя қилиш, шундай ҳолатлар юз берганида эса уларни реабилитация қилишни ҳам назарда тутати. Тўғри қўлланиган жиноят-процессуал нормалар жиноятларнинг олдини олиш, қонунга ҳурмат муносабатини шакллантиришга хизмат қилади [19].

Процессуалист олимларнинг фикрича, жиноят-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш ва жиноий жавобгарлик чораларини қўллашни фақатгина жиноят-процессуал муносабатлар доирасида амалга ошириш мумкин. Жиноят ҳуқуқи нормалари, биринчидан, фақатгина жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари орқали қўлланилиши мумкин бўлса, иккинчидан, жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллашга фақатгина жиноят-процессуал муносабатлар субъектлари ҳақли ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодексининг 13-, 82-, 84-, 236-, 242-, 265-, 271-, 325-, 331-, 379-, 389- ва бошқа қатор моддаларида Жиноят кодексига ҳаволалар мавжудлиги ҳам ушбу икки ҳуқуқ соҳасининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, бир-бирини тақозо этишини кўзда тутати [20].

Умуман олганда жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи алоқадорлигини тадқиқ қилган олимлар, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг қайси бири бирламчи деган масалани ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, балки уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини қайд этишган. Ўрганилаётган ҳуқуқ соҳаларидан бирини устувор деб айтиш тўғри ҳам бўлмайди.

Жумладан, А.Д.Прошляков жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ҳамда жиноят-ижроия ҳуқуқини ягона, комплекс соҳа сифатида кўрсатади [21].

Д.Ю.Гончаров эса, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларининг интеграцияси – бу жиноят содир этилиши муносабати билан юзага келадиган ижтимоий муносабатлар гуруҳига хос бўлган ягона, бир-бирига мос келадиган муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ жараён [22] деб тушунтиради.

А.А. Васильченко эса, жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал муносабатлар жиноят-ҳуқуқий тартибга солишнинг ягона механизмига киради [23] деб ҳисоблайди.

Хулоса. Жиноят-ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи алоқадорлигига оид қарашларни тадқиқ қилиш, ушбу икки ҳуқуқ соҳасининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги тўғрисида қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради.

Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг қайси бири бирламчи деган баҳслар ушбу ҳуқуқ соҳалари ривожига ижобий таъсир кўрсатмайди. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи бир-бирини тақозо этадиган, ягона вазифа, яъни давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги сиёсатини амалга оширишда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган соҳалар ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳалари бўлсада, улар ягона комплекс сифатида мазмунга эга бўлади, ушбу комплекс таркибий қисмларидан бирини чиқариб ташлаш, иккинчисининг ҳам маъносиз ва кераксиз бўлиб қолишига олиб келади.

Ушбу ҳуқуқ соҳаларининг алоқаси вазифалар, институтлар, тушунчалар ва ҳатто атамаларда намоён бўлади.

Қилмишни юридик квалификация қилиш бу нафақат жиноят қонуни, балки процессуал қоидаларга ҳам амал қилган ҳолда, жиноят процессининг турли босқичларида моддий ва процессуал нормаларни қўллашнинг динамик жараёни ҳисобланади.

Қонунчиликни такомиллаштиришда нафақат жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, балки жиноят-ижроия ҳуқуқининг ҳам ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Шу сабабдан мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари параллел равишда, ҳар бири тартибга соладиган ижтимоий муносабатларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилиши, ушбу кодекслар муҳокамасида ҳар уччала соҳа вакиллари ва лойиҳа муаллифларининг биргаликдаги муҳокамаларини ташкил этиш зарур. Масаланинг биз таклиф этгандек ҳал этилиши, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларидаги коллизияларнинг бартараф этилиши ва кодексларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. 151-б.
2. Алексеев С.С. Теория права. – М., 1995.; Нерсисянц В.С. Юриспруденция. Введение

- в курс общей теории государства и права. – М., 1999; Лившиц Р.З. Теория права. – М., 1994.; Борисов Г.А. Теория государства и права: Учебное пособие. 2-е изд. – М., 2009.
3. Odilqoriev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. –Toshkent “Adolat” , 2018. 267-268-b.
 4. J.-J. Rousseau. Du contrat social, ou Principes du droit politique // Oeuvres de Jean-Jacques Rousseau. T. 1. Politique. Paris, 1793. P. 235.
 5. Холикулов У.Ш. Совершенствование уголовного законодательства Республики Узбекистан в условиях углубления демократических реформ. Диссертация докт. юрид. наук: – Ташкент, 2018. Стр. 17.
 6. Таганцев Н. С. Русское уголовное право: лекции. Часть Общая. М., 1994. Т. 1. С. 15–16.
 7. Н.В.Генрих, В. Е. Квашис. Понятие уголовного права (методологические аспекты введения в уголовное право). Научный вестник Омской академии МВД России № 2(61), 2016.
 8. Российское уголовное право: учебник : в 2 т. 2-е изд. М., 2007. Т. 1: Общая часть. С. 4.
 9. Наумов А. В. Российское уголовное право: курс лекций: в 3 т. 4-е изд. М., 2007. Т. 1.: Общая часть. С. 16.
 10. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. 7-б.
 11. М.Усмоналиев, П.Бакунов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Тошкент: “Насаф” нашриёти, 2010. 10-б.
 12. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси// ю.ф.д., проф. Г.З.Тулаганова, ю.ф.н., доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. -12 б.
 13. Уголовный процесс Республики Узбекистан: Общая часть. Учебное пособие / Автор-составитель к.ю.н. У.А.Тухташева. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2007. с. 8
 14. Уголовный процесс: учебник./ С.В.Зуев, К.И.Сутягин.- Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2016. с.11
 15. <https://isfic.info/ugpro/prockurs01.htm>
 16. Флетчер Дж., Наумов А. В. Основные концепции современного уголовного права. М.: Юристъ, 1998. С. 152-154
 17. Джекебаев У.С. Основные принципы уголовного права Республики Казахстан (сравнительный комментарий к книге Дж.Флетчера и А.В.Наумова «Основные концепции современного уголовного права»). – Алматы: Жеті жарғы, 2001. С. 39
 18. Мизулина Е. Уголовный процесс: концепция самоограничения государства. Тарту, 1991. - С. 37
 19. Смирнов А. В., Калиновский К. Б. Уголовный процесс. Краткий курс. 2-е изд. — СПб.: Питер, 2009. - С. 23
 20. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси// ю.ф.д., проф. Г.З.Тулаганова, ю.ф.н., доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. 25-26 б.
 21. Прошляков А.Д. Взаимосвязь материального и процессуального уголовного права. Дисс. доктора юридических наук. Екатеринбург, 1997. lawtheses.com/vzaimosvyaz-materialnogo-i-protsessualnogo-ugolovnogogo-prava
 22. Гончаров Д. Ю. Взаимосвязи и коллизии норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Екатеринбург – 2004. [/lawtheses.com/vzaimosvyazi-i-kollizii-norm-ugolovnogogo-i-ugolovno-protsessualnogo-zakonodatelstva](http://lawtheses.com/vzaimosvyazi-i-kollizii-norm-ugolovnogogo-i-ugolovno-protsessualnogo-zakonodatelstva)
 23. Васильченко А. А. Взаимосвязь уголовно-правовых и уголовно-процессуальных правовых отношений Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Волгоград 2005. lawtheses.com/vzaimosvyaz-ugolovno-pravovyh-i-ugolovno-protsessualnyh-pravovyh-otnosheniy

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

САГДУЛЛАЕВ Фатхулла Шукруллаевич

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: sagdullayev87@internet.ru

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ ТУШУНЧАСИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): САГДУЛЛАЕВ Ф.Ш. ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ ТУШУНЧАСИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 51-56.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддасида жавобгарлик белгиланган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишга доир масалалар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бунда мазкур жиноятнинг таркибий элементлари, унинг ўзига хос жиҳатлари миллий ва хорижий олимлар фикрлари ҳамда қонунчилик таҳлили асосида ёритилган.

Таҳлил қилинган масалада миллий қонунчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат органи, ваколат, ҳокимият ваколати, мансаб ваколати, объектив томон, зарар, мансабдор шахс.

САГДУЛЛАЕВ Фатхулла Шукруллаевич

Самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: sagdullayev87@internet.ru

ОТДЕЛЬНЫЕ МНЕНИЯ ОТНОСИТЕЛЬНО ПОНЯТИЯ ПРЕВЫШЕНИЯ ВЛАСТИ ИЛИ ДОЛЖНОСТНЫХ ПОЛНОМОЧИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье дается научно-теоретический анализ касательно превышения власти или должностных полномочий, который определен статьей 206 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. При этом составы данного преступления, его особенности освещаются на основе взглядов отечественных и зарубежных ученых, а также анализа законодательства. В анализируемом вопросе выдвинуты предложения по развитию национального законодательства.

Ключевые слова: государственный орган, полномочия, полномочия власти, должностные полномочия, объективная сторона, ущерб, должностное лицо.

SAGDULLAEV Fatkhulla

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: sagdullayev87@internet.ru

ANNOTATION

The article provides a scientific and theoretical analysis of some aspects of abuse of power or official authority, which is defined by Article 206 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. At the same time, the composition of the crime, its features are revealed based on the opinions of domestic and foreign scientists, as well as the analysis of legislation. In the analyzed issue, proposals were put forward for the development of national legislation.

Keywords: state body, powers, powers of power, official powers, objective side, damage, official.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш мансабдорлик жиноятларининг кўп сонли турларидан бири ҳисобланади. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш тушунчасининг мазмунига қонунда кенг таъриф берилмагани мазкур тушунча илмий [1], [2], [3] ва илмий-амалий адабиётларда [2, Б.915-917] кенг урғу берилишига туртки бўлган.

ЖКнинг 206-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши сифатида таърифланган. Тизимлаштирилишига кўра, мазкур модда ЖКнинг “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” деб номланган XV бобига жойлаштирилган.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш тушунчаси мазмунини ўрганар эканмиз, энг аввало, унинг таркибий элементларини тавсифлаш учун ишлатилган тушунчалар – “ваколат”, “ҳокимият ваколати” ва “мансаб ваколати” атамаларининг мазмунига қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Замонавий ҳуқуқшунослик фанида “ваколат” тушунчасини таҳлил қилишга етарли эътибор қаратилмаган. Жиноят ҳуқуқи соҳаси мутахассислари, одатда, бу атамани мустақил тадқиқот объекти сифатида ажратмасдан, фақат муайян жиноятларнинг ўзига хос белгиларини таҳлил қилиш жараёнида кўриб чиқадилар. Фикримизча, бундай амалиёт етарлича самарали эмас, чунки айнан мазкур тушунча хизмат ва мансаб билан боғлиқ барча жиноятлар тизимининг негизини ташкил этади. Ушбу тушунчани батафсил таҳлил қилиш учун, аввало, “ваколат” атамасини тўғри анлаш, қандай ваколатлар мавжудлигини аниқлаш керак.

Таъкидлаш лозимки, ваколатлар тушунчаси юриспруденциянинг турли тармоқларида турлича талқин қилинган. Изоҳли луғатларда ёритилишича, “ваколат” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “ҳуқуқдорлик” деган маънони беради [3, Б.437]. Конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан ёндашсак, ваколат – давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, мансабдор шахснинг, ижтимоий муносабатнинг бошқа иштирокчиларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади [4, Б.78].

Умумий маънода ваколат тушунчасига бировга расман берилган муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи деб таъриф бериш мумкин. Мазкур таъриф ваколат умумий ҳуқуқ эмас, балки расман берилган ҳуқуқ деган дастлабки хулосага келишимизга имкон беради.

Ижтимоий фанларда ваколат белгиланган тартибда тан олинган қонуний таъсир воситаларидан фойдаланиш орқали субъектнинг одамлар хулқ-атвори ва бошқа муассасалар фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқи, деб таърифланади. Ваколатлар қонунларда, урф-одатларда ва тартибга солишнинг бошқа шаклларида белгиланган рухсат этилган ҳаракатлар мажмуи сифатида эътироф этилади [5, Б.396].

Умумий ҳуқуқ назариясида қонуний таъсир воситаларидан фойдаланиш орқали одамларнинг хулқ-атвори ва бошқа муассасалар фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқи ҳисобланган ҳолда ваколат давлат органи мансабдор шахсининг иммунитетини сифатида эътироф этилади [6, Б.337]. Бунинг натижасида барча давлат органлари ёки мансабдор

шахсларга давлатга юклатилган функцияларни бажариш учун тегишли ваколатлар берилади. Ваколатлар давлат органларига юклатилган вазифаларнинг бажарилишига кўмаклашади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун улар ҳуқуқий мақомининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки ҳуқуқий мақом муайян субъектнинг ўрнини белгилаб беради, муайян ҳолатда амал қилувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини акс эттиради. Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳуқуқий муносабатлар субъектининг ажралмас қисми сифатида уларнинг ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуи ҳисобланади. Шундай қилиб, ваколатлар давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳуқуқий мақомининг бир қисми ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида ваколат тушунчаси кенгроқ ёритилган ва алоҳида “вакиллик институти” жорий қилинган. Унга кўра, ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади (Фуқаролик кодексининг 129-моддаси).

Шундай қилиб, биз юқоридаги таърифлар орқали ваколат, энг аввало, ҳуқуқ эканлигини кузатамиз. Ўз навбатида, бу ҳуқуқ нафақат қонунга асосланган бўлиб, балки қонунда белгиланган тартибда ҳам амалга оширилади.

Жинойят ҳуқуқининг мантиғига кўра, ваколатларнинг икки турини ажратиш мумкин:

1) хусусий муносабатлар соҳасида амалга ошириладиган ваколатлар;

2) оммавий муносабатлар соҳасида амалга ошириладиган ваколатлар – расмий ваколатлар.

Юқорида таъкидланганидек, ваколат субъектив ҳуқуқнинг бир тури ҳисобланади: бу ҳолда у ҳеч қандай мажбурият юкини назарда тутмайди. Лекин давлат органи ёки мансабдор шахснинг иммунитет хусусияти уларда шунчаки оддий ваколат эмас, балки оддий ваколатдан фарқ қилувчи расмий ваколат мавжуд бўлишини таъкидлаш зарур.

Мансаб – бу, биринчи навбатда, расмий вазифалардир, уни бажаришда расмий мақсадларга эришиш учун расмий ҳаракатлар, яъни уни тузган шахснинг манфаатлари учун ҳаракатлар амалга оширилиши керак. Мансаб ваколатлари хавфсизлик хусусиятига эга бўлиб, уларнинг кўлами ходимнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитларни яратишга мўлжалланган [7, Б.209]. Бу қоида, айниқса, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади, бу ерда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг субъектив ҳуқуқи нафақат қарама-қарши томондан мажбуриятни ўз зиммасига олиши мумкин, балки уни амалга оширувчи ўзи учун мажбуриятга айлантириш хусусиятига ҳам ега. Шундай қилиб, ваколатларнинг ўзига хослиги шундаки, давлат органи ёки мансабдор шахснинг ҳуқуқи айни пайтда унинг бурчидир. Шу муносабат билан расмий ваколатларнинг мазмунини энг тўлиқ акс эттирувчи уларни мансабдор шахсга тақдим этиладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қатъий белгиланган рўйхати ҳамда уларни амалга ошириш усуллари деб белгилашдир.

Жинойят ҳуқуқи назариясида ҳам расмий ваколатларнинг чегаралари ва уларни аниқлаш усуллари бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Аксарият олимлар ваколатлар фақат қонун билан берилиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Бошқа нуқтаи назарга кўра, расмий ваколатлар нафақат қонунда, балки қонуности ҳужжатларида, шунингдек, идоравий йўриқномаларда, буйруқларда ва бошқаларда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Биз иккинчи нуқтаи назарни тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, қонунларда мансабдор шахсларнинг умумий ваколатлари белгиланиши, бошқа қонуности ҳужжатларда эса, унинг муайян муносабатдаги махсус ваколатлари назарда тутилиши мумкин. Амалда миллий қонунчиликда мансабдор шахсларнинг ваколатлари масаласи айнан шундай ҳал қилинган. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам мансабдор шахсга бериладиган ваколат қонунларга асосланиши, қонун билан белгиланган чегара доирасида бўлиши шарт. Чунки, мансабдор шахсларнинг ваколатларини меъёрий жиҳатдан мустаҳкамлаш, бир томондан, вақтинчалик характерга эга бўлса-да, бошқа томондан, мансабдор шахсларнинг ўзбошимчаликларини олдини олишга имкон беради.

Юқорида айтилганларнинг барчаси бизга расмий ваколатларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Биринчидан, расмий ваколатлар нафақат ҳуқуқ, балки мажбуриятдир, чунки мансабдор шахснинг ўз ҳуқуқидан фойдаланиши бир вақтнинг ўзида унинг бурчидир.

Иккинчидан, ваколатлар фақат қонун устуворлигида кўзда тутилган юридик факт асосида амалга оширилиши мумкин, бу эса амалга ошириладиган ваколатларнинг мазмунини белгилайди. Ҳуқуқий асос бўлмаса, мансабдор шахс ҳуқуқий муносабатларга кира олмайди ва шунинг учун ўз ваколатларини амалга ошира олмайди.

Учинчидан, мансабдор шахснинг ҳуқуқий муносабатларга киришига асос бўлган юридик факт ҳам ваколатларни амалга ошириш чегараларини белгилайди. Мансабдор шахс иштирок этадиган ҳуқуқий муносабатларнинг хилма-хиллиги ва бунинг натижасида вужудга келадиган юридик фактларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ ҳолда, айтиш керакки, расмий ваколатларнинг чегаралари ҳеч қандай турғун тушунча эмас.

Тўртинчидан, юридик факт нафақат расмий ваколатларнинг мазмуни ва чегараларини, балки уларни амалга ошириш шаклини ҳам белгилайди.

Мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари ва унинг ваколатлари ўртасидаги алоқа тўғрисидаги масала таҳлилига ўтар эканмиз, энг аввало, шуни қайд этиб ўтишни истар эдикки, махсус адабиётларда ваколатлар деганда “1) мансабдор шахсга бериладиган ҳуқуқлар ва бурчлар, шунингдек уларни амалга ошириш усулларининг аниқ белгиланган рўйхати; 2) мансабдор шахсга, мансабдор шахслар гуруҳига тегишли ваколатларга эга бўлган органлар томонидан берилган аниқ топшириқлар” тушунилади[8, 519-510]. Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ муайян орган ёки мансабдор шахсга берилган ваколатлар мажмуи компетенцияни ташкил қилади. Мансабдор шахс ўзига берилган ваколатлар доирасида, яъни қонунга, аниқ белгиланган ҳуқуқлар ва бурчларга мувофиқ иш кўриши шарт. Мансаб вазибалари мансабдор шахснинг ваколатлари доирасини белгилайди ва лавозим доирасида ҳуқуқларни шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қилади[9, 94]. Шахсга аниқ ваколатлар юклатилишига асос бўлган лавозим “ҳуқуқлар ва бурчларнинг барқарор мажмуи”ни, “ташкилот ишининг бир қисмини бажариши лозим бўлган бир инсон учун белгиланган ҳуқуқий кўрсатма”ни ўзида ифодалайди [10, Б.14].

1959 йилги ЎзССР ЖКнинг 149 ва 150-моддаларида қонун чиқарувчи ҳар хил тушунчалар – “хизмат мансаби” (149-модда) ва “хизмат ваколоти” (150-модда) ни ишлатган эди [11, Б.312-322]. Ушбу давр жиноят ҳуқуқида “хизмат мансабидан фойдаланиш” тушунчаси тор [12, Б.26] ва кенг [13, Б.48], [13, Б.43], маъноларда талқин қилинган эди. Таҳлил қилинаётган жиноятга нисбатан табақалаштирилган ёндашувни қўллашни таклиф қилар экан, Б.В.Здравомислов жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш ўзининг дастлабки босқичида айбдор шахснинг мансаб ваколоти доирасига таянишини, бироқ кейинчалик шахс ушбу доирадан ташқаридаги ижтимоий ҳавфли ҳаракатларни содир этишини таъкидлаган эди [13, Б.16-17]. А.В.Галахова: “ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқишда ҳаракатлар хусусияти ҳар доим жиноий ҳисобланади ва улар ҳеч қачон “хизмат бўйича ҳаракатлар” доирасида содир этилиши мумкин эмас” [15, Б.18], деганида ҳам, бизнингча, тўла ҳақ эди.

1994 йилги ЖКда хизмат мансаби тушунчасининг тор талқини мансабдор шахс ўз ваколатларидан фойдаланишига тўғридан-тўғри ишора қилиш йўли билан келтирилган.

Энди таҳлилимишни “ҳокимият ваколоти” атамаси таҳлили билан давом эттирсак. Этимологик жиҳатдан “ҳокимият” сўзи “бошқариш, амр этиш ва ўз ҳукмини ўтказиш ҳуқуқи ва имконияти” деган маънони англатади[16, Б.135]. Бошқарув фаолияти нуқтаи назаридан ҳокимият деганда, маълум бир воситалар – ирода, нуфуз, ҳуқуқ, мажбурлов, сиёсий ҳукмронлик, давлат органлари тизими орқали инсонлар фаолиятига, хулқ-атворида таъсир этиш қобилияти ва имконияти тушунилади [17, Б. 212].

Миллий қонунчиликда “ҳокимият” тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Айни вақтда “ҳокимият” ибораси айрим қонунчиликда, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоғи органларига нисбатан қўлланилган. Шунингдек, айрим қонун ҳужжатларидаги матн ва таърифдан келиб

чиқиб ҳокимият тушунчасининг мазмунини аниқлаш мумкин [18,].

Жиноят қонунчилиги моҳиятидан келиб чиқилса, ҳокимият деганда, нафақат давлат ҳокимияти, балки мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларда локал ҳужжат (устав, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва ҳоказо)ларга мувофиқ тарзда белгиланган бўйсунуш тартиби, бошқарув ва раҳбарлик ҳам тушунилади [19, Б. 496].

Ҳокимият ваколатлари давлат номидан юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланган норматив ва индивидуал ҳужжатларни қабул қилишда, турли чоралар, шу жумладан, давлат мажбурият чораларини қўриш йўли билан мазкур ҳужжатларнинг талаблари бажарилишини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишда ифодаланади [20, Б.129].

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ва жиноят қонунчилигининг бошқарув тартибига қарши бошқа жиноятларнинг (пора бериш (211-модда)дан ташқари) хусусияти шу билан белгиланадики, улар “давлат ва муниципал органлар тизимининг ичида мазкур органларнинг ходимлари томонидан содир этилади” [21, Б.12].

Таҳлилларга асосан “ҳокимият ёки мансаб ваколати” атамасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади:

Ҳокимият ёки мансаб ваколати – бу мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб вазифаларини бажариши, ташкилий фаолиятни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатлари асосида унга берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, шунингдек, уларни амалга ошириш учун қонучилик ҳужжатлари билан қатъий белгиланган маъмурий функциялар доираси.

Шу билан бирга, расмий ваколатларнинг махсус белгиларининг мазмуни бизга мансаб ваколатларидан четга чиқишнинг икки турини ажратишга имкон беради:

1) ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш асосларини (моддий асосни) бузиш орқали мансаб ваколатидан четга чиқиш;

2) амалга оширишнинг процессуал шаклини (процессуал асос) бузган ҳолда мансаб ваколатидан четга чиқиш.

ЖК 206-моддаси биринчи қисмининг диспозициясида ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг умумий шакллари ҳам, махсус шакллари ҳам айтиб қўйилмаган. Айни пайтда, бундай шаклларнинг намунавий рўйхати СССР Олий суди Пленумининг “Ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 1990 йил 30 мартдаги 4-сон қарорининг 11-бандида келтирилган эди: а) бошқа мансабдор шахснинг ваколатларига кирувчи ҳаракатлар; б) мансабдор шахс томонидан фақат қонунда ёки қонун ости ҳужжатида кўрсатилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлганда содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатлар; в) ҳеч ким ва ҳеч қачон содир этишга ҳақли бўлмаган ҳаракатлар [22, Б.15].

Илмий тадқиқотларда баъзан ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатларининг анча муфассал таснифи келтирилади. Масалан, А.В.Галахова бажариш мазкур идоранинг бошқа мансабдор шахси ваколатлари доирасига кирувчи ҳаракатлар ва бажариш бошқа идоранинг бошқа мансабдор шахси ваколатлари доирасига кирувчи ҳаракатларни фарқлашни таклиф қилади [23, Б.305]. Проф. В.Ф.Кириченко ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг алоҳида шакли – фақат коллегиял тарзда бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатларни ажратишни биринчилардан бўлиб таклиф қилган эди [24, Б.46].

Биз ўрганган жиноят ишлари материалларининг таҳлили мазкур таснифга ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятини ҳосил қилувчи ҳаракатларнинг яна бир гуруҳини – мансабдор шахснинг тижорат ташкилотида бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ваколатларига кирувчи ҳаракатларни бажарилишини қўшимча қилиш лозимлигини кўрсатади. Масалан, унитар корхона таъсис этган давлат ҳокимияти органининг бошлиғи мазкур корхона мол-мулкни бошқа тижорат ташкилотига топшириш тўғрисидаги шартномани корхона раҳбарининг ўрнига имзолаб, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиши натижасида корхона банкрот бўлиши.

ЖК 206-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлиши учун мансабдор шахснинг ҳаракатлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши лозим.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб ҳамда амалдаги қонун таҳририга асосланган ҳолда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш деганда, мансабдор шахсининг ўзининг ҳокимият ёки мансаб ваколатлари доирасига кирмаган ҳаракатларни содир этиши орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш асосларини ҳамда ушбу уларни процессуал шаклини белгиловчи моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиши тушунилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Квициния А.К. Проблемы ответственности за должностные преступления: Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. – Харьков, 1990
2. Комментарий к Уголовному кодексу РФ с постатейными материалами и судебной практикой. / Под общ. ред. С.И.Никулина. – М.: Менеджер, 2000.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. 1. А–Д. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
4. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик лугат. / Б. Мустафоев, Э.Халилов, М.Абдусаломов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Б.Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006..
5. Современный словарь по политологии. / Под ред. В.А. Мельника. – Минск, 2004..
6. Хропанюк В.Н. Теория государства и права: Хрестоматия. – М., 1998. –7. Бахрах Д.Н. Административное право России: Учебник для вузов. – М., 2000.
8. Государственная служба. Учебник / Под ред. В.Г.Игнатова. – М., 2004. –
9. Полный курс уголовного права / Под ред. А.И.Коробеева. Т. V. – СПб., 2008. .
10. Бахрах Д.Н. Государственная служба России: Учебное пособие. – М., 2007.
11. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988.
12. Кириченко В. Некоторые вопросы ответственности за злоупотребление властью или служебным положением. // Советская юстиция. – 1965. – №4.
13. Здравомыслов Б.В. Должностные преступления. Понятие и квалификация. – М., 1975.
14. Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев, 1978.
15. Галахова А.В. Превышение власти и служебных полномочий. Вопросы уголовно-правовой квалификации. – М.: Юрид. лит., 1978.
16. Большой толковый словарь русского языка / Гл. ред. С.А.Кузнецов. – СПб., 2000.
17. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. А.М.Прохоров. 2-е изд., переработанное и дополненное. – М., 1998.
18. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, 1-модда. // www.lex.uz/docs/112170
19. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ILM ZIYO, 2006. .
20. Юридический энциклопедический словарь / М.О.Буянова (и др.); отв. ред. М.Н.Марченко. – М., 2006
21. Корчагин А.Г. Сравнительное исследование коррупционных и служебных преступлений. – Владивосток, 2001.
22. Бюллетень Верховного суда СССР. 1990. №3.
23. Галахова А.В. Превышение должностных полномочий // Уголовное право. Особенная часть. Под ред. Л.Д.Гаухмана и С.В.Максимова. – М.: Форум, 2003.
24. Курс советского уголовного права. Часть Особенная. Т. VI. – М.: Наука, 1971.
25. Изосимов С.В. Преступления против интересов службы в коммерческих и иных организациях (уголовно-правовой анализ): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 1997;
26. Берестов В.П. Превышение полномочий должностными лицами в Вооруженных Силах, войсках и других воинских формированиях (уголовно-правовая и криминологическая характеристика): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2003.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АБДИКАДИРОВ Абдурахман Романович
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тингловчиси

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АБДИКАДИРОВ А.Р. ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 57-61.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят процессининг муҳим элементи бўлган тергов ҳаракатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари, бу масалага оидилмий ёндашувлар ўрганилган. Хусусан, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш бўйича процессуал тартиб, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашда рия қилиниши лозим бўлган қоидалар таҳлил қилинган. Мақолада жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини чеклашнинг чегарасини белгилаш, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини, шу жумладан шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклашда рия қилиниши талаб қилинадиган шартларни белгилаш юзасидан хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, жиноят процесси, жиноят процессуал қонунчилиги, тергов ҳаракатлари, инсон ҳуқуқларини чеклаш, шахсий дахлсизлик.

АБДИКАДИРОВ Абдурахман Романович
Слушатель Академии МВД Республики Узбекистан

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются правовые основы обеспечения прав и свобод человека при производстве следственных действий, которые являются важным элементом уголовного процесса, а также научные подходы по этому вопросу. В частности, анализируется процессуальный порядок ограничения прав участников следственных действий, правила, которые необходимо соблюдать при ограничении права на неприкосновенность частной жизни. В заключении дается выводы, касательно защиты прав и свобод человека в уголовном судопроизводстве, установлении пределов ограничения прав человека, условий, которые необходимо соблюдать при ограничении прав участников расследования, в том числе права на неприкосновенность частной жизни.

Ключевые слова: права человека, уголовный процесс, уголовно-процессуальное законодательство, следственные действия, ограничение прав человека, личная неприкосновенность.

ENSURING HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS DURING INVESTIGATIVE ACTIONS

ANNOTATION

The article examines the legal basis of ensuring human rights and freedoms during investigative actions, which are an important element of the criminal process, as well as scientific approaches on this issue. In particular, it analyzes the procedural order of limiting the rights of participants in investigative actions, the rules that must be observed when limiting the right to privacy. The conclusion is drawn about the protection of human rights and freedoms in criminal proceedings, the establishment of limits for the limitation of human rights, the establishment of conditions that must be observed when limiting the rights of the participants in the investigation, including the right to privacy.

Keywords: human rights, criminal procedure, criminal procedure legislation, investigative actions, limitation of human rights, personal integrity.

Жамият тараққиётининг замонавий босқичида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Кундалик ҳаётда турли ташкилот ва муассасалар мансабдор шахслари томонидан ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш фактлари фуқароларнинг қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилади. Ноқонуний ишдан бўшатишлар, малакали тиббий хизматни кўрсатмаслик, ижтимоий имтиёزلарни олишдаги камситишлар нафақат алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини чеклайди, балки авваламбор умум эътироф этилган принциплар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилиги билан белгиланган ҳуқуқий муносабатларга дахл қилади.

1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг 1-қисми, 1-бандига кўра, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа шартномалар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича ўзларининг мажбуриятларини бажариш барча давлатларнинг муқаддас бурчи эканлигини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳар бир инсонда туғилиши билан мавжуд бўлган ҳуқуқлар ҳисобланади, уларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳукуматларнинг бирламчи мажбуриятлари ҳисобланади” [1].

Фуқаролик жамиятининг асосий қадриятлари инсон ва унинг ҳуқуқлари ҳисобланса, уларни амалга оширишнинг сиёсий воситаси давлат ҳисобланади. Давлат фақатгина мазкур вазифани бажара олган тақдирдагина ҳуқуқий давлат мақомига эга бўлади. Шахс ҳуқуқий мақомининг асослари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига асосланадиган миллий қонунчилик қоидалари билан белгиланади.

1948 йилдаёқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир” [2, Б.32] деган қоида белгиланган эди. Ушбу муҳим қоида кейинчалик 1966 йилда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддаси [2, Б.40] билан янада мустаҳкамланган.

Яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳар бир инсонга туғилиши билан тегишли бўлади. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс бошқа шахсларнинг дахлсиз ҳисобланган ҳуқуқларини бузувчи ёки чекловчи ўзининг ҳаракатлари моҳиятини тушунади. Бундай ҳолатларда давлат биринчи навбатда бошқа шахсларнинг жиноий ҳаракатларидан жабр кўрган ўз фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга мажбурдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида қайд этилганидек, “ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга” [2, Б.32].

Бузилган ҳуқуқларни тиклаш жиноий судлов жараёнининг биринчи даражадаги вазифаси бўлиши лозим. “Ҳозирги вақтда умум эътироф этилишича, жиноий одил судлов жараёни нафақат айбланувчилар/ҳуқуқбузарларга нисбатан, балки жиноят жабрдийдаларига нисбатан ҳам адолатли бўлиши шарт” [3].

1985 йилги Жиноят ва ҳокимият суиистеъмолчилиги жабрдийдалари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларациянинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ, айбдор шахсларнинг ҳуқуққа зид ҳаракатларидан жабр чеккан шахслар миллий қонунчиликка мувофиқ одил судлов механизмларига мурожаат қилиш ва ўзларига етказилган зарар учун тезлик билан компенсация олиш ҳуқуқига эгадир[3].

Ушбу Декларация қоидаларида ҳақли равишда шундай ҳолатга эътибор қаратилганки, унга кўра, ҳуқуқларнинг тикланиши дастлабки тергов органларининг процессуал хулосаларидан қатъи назар амалга оширилиши шарт: "... у ёки бу шахс қўлга олинган, судга топширилган ёки ҳукм қилинган бўлишидан қатъи назар "қурбон" деб ҳисобланиши мумкин" [3].

Шунга билан бирга, Жиноятчилик масалалари бўйича халқаро шарҳга кўра, дунё бўйлаб жиноят жабрдийдаларининг ярмидан кўпи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг уларнинг шикоятларига нисбатан муносабатларидан қониқмаган. Кўпгина ҳолларда жабрланувчилар жиноят одил судлов тизими томонидан уларга нисбатан бўлган муносабатдан жиддий жараҳатланишган, бу эса иккиламчи виктимизация деб аталувчи ҳолатга олиб келган [3].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, давлат ўзининг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари тимсолида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди [4].

Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги давлат ҳокимиятининг барча соҳалари, шу жумладан тергов органлари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида (24-27, 43-44-моддалар) тергов ҳаракатлари доирасида жорий қилинадиган асосий тамойиллар мустаҳкамланган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон эга бўладиган барча ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам кўзда тутилмаган, балки унда фақат асосий ёки фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар ўз аксини топган. Бундай ҳолат деярли барча демократик конституциялар учун хос хусусият бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг нисбатан тўлиқ рўйхати келтирилган ҳолатларда ҳам уларнинг тугал эмаслиги қайд этиб қўйилади, яъни инсон ёки фуқаро бошқа ҳуқуқ ва эркинликларга ҳам эга эканлиги белгиланади.

Конституцияда белгиланган асосий ҳуқуқлар инсон ва фуқаронинг бошқа умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларининг аҳамиятини камайтирадиган тарзда шарҳланмаслиги лозим. Бундай "ноконституциявий" даражадаги ҳуқуқ ва эркинликлар миллий ҳуқуқ тизимининг барча соҳалари, шу жумладан жиноят-процессуал ҳуқуқи билан мустаҳкамланади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи нисбатан хавфли бўлган ижтимоий ҳодиса – жиноят билан курашишни мақсад қилади. Жиноят таъқибини амалга оширувчи органларга бундай муҳим ижтимоий вазифани юклаган ҳолда, давлат уларга шахсий қизиқишлар соҳасига аралашишга рухсат беради. Шу билан бирга, бундай аралашишнинг чегараларини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз равишда чеклашдан кафолатларни белгилайди. Дастлабки терговни олиб боришда шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нормалар амалга оширилар экан, икки турдаги манфаатлар бир бири билан ўзаро тўқнашади: жамият манфаатлари ва шахсий манфаатлар. Шу муносабат билан, жамият манфаатлари билан шахсий манфаатлар ўртасида энг мақбул мутаносибликни белгилашга эҳтиёж юзага келади.

Конституция шахс ҳуқуқий мақомининг ўзаги бўлмиш энг муҳим ҳолатларни, жиноят таъқибининг асосларини мустаҳкамлайди. Шундай келиб чиққан ҳолда, жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини ишлаб чиқишда конституциявий қоидаларнинг мазмун ва моҳиятини англаш ва уларни жиноят-процессуал соҳавий қонунчилик тилига ўгириш талаб қилинади.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш деганда жиноий судлов иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун муносиб шароитларни яратишга йўналтирилган терговчи, суриштирувчи, прокурор, суднинг фаолияти тушунилади.

Россиялик олим В.Лебедевнинг ҳақли эътироф этишича, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири эркинлик ва шахсий дахлсизликнинг ҳимояланганлик даражаси ҳисобланади, бу эса давлат сиёсатида асосий йўналишларни белгилашга имкон беради [5, Б.5]. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг нисбатан сезиларли даражада чекланиши жиноят таъқибини соҳасида яққол кўзга ташланади. Мазкур соҳада эса ҳуқуқий таъминлаш

нуқтаи назаридан нисбатан мураккаби тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Б.Гавриловнинг фикрича, жиноят процессида ҳуқуқий таъминотнинг зарурий шарти шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмнинг амал қилишидир. Ушбу механизм ўз ичига амалдаги қонунчиликка асосланган ҳуқуқий таъминотнинг энг мақбул мувозанатини таъминловчи тавсиялар ва чораларни, шунингдек жиноятларни очиш ва тергов қилишга оид фаолият доирасидаги чекловларни қамраб олади [6, Б.24].

Шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклашда, В.Демирчяннинг фикрига кўра, “қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим: 1) шахснинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш: ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, таҳдид қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади; 2) жиноий судлов иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш: зўрлик ишлатиш, қийноқлар, ғайриинсоний муомала, ҳаёти ва соғлиғи учун хавф яратиш тақиқланади” [7, Б.14].

Жиноий судлов жараёнларида процессда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан чеклаш қўлланилади. Гумонланувчи, айбланувчи уларда тегишли процессуал мақомнинг вужудга келиши билан ҳуқуқлар борасида чекловларга дуч келишади. Тергов ҳаракатларининг бошқа иштирокчилари ҳам ишга жалб қилинган ҳолларда ҳуқуқларининг маълум бир тарзда чекланганлигини сезишади, чунки ҳар қандай тергов ҳаракатлари мажбурловчи хусусиятга эга ҳисобланади.

Тергов ҳаракатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқларининг чекланиши процессул тартибни таъминлаш, жиноят-процессул тарзда исботлашни амалга ошириш мақсадида ваколатли органлар ва шахслар томонидан тергов ҳаракатлари иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган мажбурловчи таъсир кўрсатишни англатади.

Инсон ҳуқуқларини чеклашнинг чегараси деганда қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқий чекловни қўллашда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари соҳасига аралашишнинг хусусияти ва даражаси, усулларини аниқлаш имконини берувчи қонунчиликка мувофиқ белгиланган қоидалар тушунилади.

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш қатъий процессуал тартиб асосида ҳамда қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим: чекловларни қўллашга ваколатли бўлган органлар ва шахслар доирасининг маълум чегараси; ҳуқуқий чекловлар қўлланилиши мумкин бўлган шахсларнинг доираси; қонун билан белгиланган чеклов муддати; муқобил вариантларни қўллаш имконияти, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига риоя қилиш.

Инсон ҳуқуқларини чеклашнинг қонунийлиги ва асослилигининг ҳуқуқий кафолатлари деганда халқаро ҳуқуқ нормалари, конституциявий, жиноят-процессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган шартлар, воситалар ва усулларнинг йиғиндиси, шунингдек улар асосида амалга ошириладиган ҳамда жиноий судлов жараёнида шахснинг жисмоний, ахлоқий ва руҳий дахлсизлиги, шахсий эркинлиги ва хавфсизлигини ўзбошимчалик билан қилинадиган тажовузлардан ҳимоясини таъминловчи процессул фаолият тушунилади.

Жиноят процессида одил судлов ва инсон ҳуқуқларининг кафолатлари ягона, ўзаро боғлиқ қатъий тизимни ташкил қилади. Ушбу тизимдаги бирор бир элементнинг бузилиши нафақат жиноий судлов аниқ бир иштирокчисининг ҳуқуқини бузади, балки бутун тизимга таъсир қилади, жиноий иш юритиш натижаларига зарар етишига, унинг самарасизлигига ва бузилишига олиб келади. Шу сабабли, тергов ҳаракатлари жараёнида шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи юзага чиқиши шубҳасиздир.

В.Мельниковга кўра, “жиноят процессини амалга оширувчи тегишли органлар ва шахсларнинг мажбуриятлари тизимида ҳуқуқий таъминотга йўналтирилган ва “вакиллик” номини олган мажбуриятлар муҳим ўринга эга” [8, Б.32]. Ушбу мажбуриятларга асосий мақсади жиноий судлов ва тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ҳисобланувчи процессуал воситаларни намоён қилувчи муҳим ҳуқуқий кафолатлар сифатида қараш зарур [9, Б.7, 20].

Қайд этиш лозимки, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари фақат ушбу ҳуқуқларга мос келувчи норматив жиҳатдан мустаҳкамланган мажбуриятлар мавжуд бўлгандагина таъминланиши мумкин. Бу тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг жиноят процесси принциплари мақомига кўтарилган ҳуқуқларига ҳам, ёки унинг алоҳида таркибий қисмларига ҳам тўлиқ равишда тааллуқли бўлади. Масалан, тергов ҳаракатини амалга

ошириш вақтидаги шахсий дахлсизлик ҳуқуқи тергов ҳаракатига иштирокчиларни жалб қилувчи терговчининг (суриштирувчининг) тергов ҳаракатини иштирокчилар белгиланган вақтда келганидан кейин дарҳол амалга ошириш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Тергов ҳаракатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан бу жараёнда инсон ҳуқуқлари чекланишининг ҳуқуқий масалалари юзасидан қуйидаги асосий хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш деганда жиноий судлов иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун муносиб шароитларни яратишга йўналтирилган терговчи, суриштирувчи, прокурор, суднинг фаолияти тушунилади.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқларини чеклашнинг чегараси – қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқий чекловни қўллашда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари соҳасига аралашининг хусусияти ва даражаси, усулларини аниқлаш имконини берувчи қонунчиликка мувофиқ белгиланган қоидалардир.

Учинчидан, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш имконияти қуйидаги қатъий шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим: чекловларни қўллашга ваколатли бўлган органлар ва шахслар доирасининг маълум чегарасини белгилаш; ҳуқуқий чекловлар қўлланилиши мумкин бўлган шахсларнинг доирасини мустаҳкамлаш; қонун билан белгиланган чеклов муддатини ўрнатиш; муқобил вариантларни қўллаш имкониятини яратиш.

Тўртинчидан, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш қуйидаги қоидаларга қатъий риоя қилишни талаб қилади:

1) шахснинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш: ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, таҳдид қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади;

2) жиноий судлов иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш: зўрлик ишлатиш, қийноқлар, ғайриинсоний муомала, ҳаёти ва соғлиғи учун хавф яратиш тақиқланади.

Иқтибослар/Сноски/References

БМТ расмий сайти https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/viendec93.shtml

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 520 бет.

2. Правонарушители и жертвы: ответственность и справедливость в процессе отправления уголовного правосудия: Десятый Конгресс ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Вена, 10 - 17 апреля 2000 г.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>

Лебедев В.М. Судебная защита свободы и личной неприкосновенности граждан на предварительном следствии. М., 2001. С. 5. (Библиотека российского судьи).

Гаврилов Б.Я. Реализация органами предварительного следствия правовых норм о защите конституционных прав и свобод человека и гражданина // «Черные дыры» в российском законодательстве. 2001. № 1. С. 24.

Демирчян В.В. Ограничение права подозреваемого, обвиняемого на неприкосновенность личности и частной жизни в досудебном производстве: дис. ... канд. юрид. наук. Краснодар, 2010. С. 14.

3. Мельников В.Ю. Структурная характеристика механизма обеспечения и реализации защиты прав личности в уголовном судопроизводстве // Российский судья. 2012. № 7. С. 32.

4. Семенцов В.А., Гладышева О.В., Лукожев Х.М. Гарантии прав участников уголовного судопроизводства: проблемы и возможные пути их решения: монография / под общ. и науч. ред. проф. В.А. Семенцова. М., 2013. С. 7, 20.

5. Sementsov V.A., Gladysheva O.V. Polygraph and Its Application in the Russian Criminal Legal Proceedings // Science and Education: materials of the international research and practice conference. Wiesbaden, 2012. P. 344–352.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛИЛОВ Акрам Утамуродович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори
e-mail: info@sudex.uz

АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТУВЧИ ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХАЛИЛОВ А.У.
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТУВЧИ ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАР
ТИЗИМИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 62-70.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада норматив-услубий таъминот нуқтаи назаридан тадқиқот лабораториялари ҳужжатлар тизимини яратишда юзага келадиган муаммолар таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқот лабораториясининг ҳужжат ёки ҳужжатлар тўплами индексация объекти бўлиб ҳисобланиши, ҳужжатларни индексациялашда ҳужжатнинг асосий мазмуни етарлича тўлиқ ва аниқ бўлиши шартлиги, керак бўлса, унинг шакли ҳамда мақсади бўлиши лозимлиги тадқиқ этилди.

Калит сўзлар: сифат, стандарт, жараён, тадқиқот лабораторияси, индексациялаш, йўриқнома, бошқариш.

ХАЛИЛОВ Акрам Утамуродович

Директор Республиканского центра судебно-медицинской экспертизы имени
Х.Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
e-mail: info@sudex.uz

СИСТЕМА ДОКУМЕНТАЦИИ АККРЕДИТИРУЕМОЙ ИСПЫТАТЕЛЬНОЙ ЛАБОРАТОРИИ

АННОТАЦИЯ

Проанализированы проблемы, возникающие при создании системы документации испытательной лаборатории с позиции нормативно-методического обеспечения. Также было проверено, является ли документ или комплект документов исследовательской лаборатории объектом индексации, основное содержание документа должно быть достаточно полным и ясным, а при необходимости - его форма и назначение.

Ключевые слова: качества, стандарт, процедура, испытательная лаборатория, управление, индексирование, инструкция.

KHALILOV Akram

Director of the Republican center of forensic expertise named after X.Sulaymanova under
the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
e-mail: info@sudex.uz

DOCUMENTATION SYSTEM OF THE ACCREDITED TESTING LABORATORY


ANNOTATION

This article analyzes the problems that arise in the creation of a system of documentation of research laboratories in terms of normative and methodological support. It was also examined whether the research laboratory's document or set of documents is the object of indexation, the main content of the document must be sufficiently complete and clear, and, if necessary, its form and purpose.

Keywords: quality, standard, procedure, testing laboratory, management, indexing, instruction.

Турли хилдаги маҳсулот чиқарадиган деярли ҳар қандай ташкилот тадқиқот лабораториялари(муассаса, илмий-тадқиқот институти, бўлим)нинг хизматларидан фойдаланиши мумкин. Аксарият ҳолларда бундай лабораториялар катта ташкилотларнинг таркибий тузилмасига киради ва умумий сифат менежменти тизимига бўйсунди. Бироқ тадқиқот лабораторияси ташкилотнинг сифат менежменти тизимидаги талаблар билан бир қаторда мутахассислик бўйича ўзига хос талабларни ҳам бажариши керак. Лаборатория янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштиришда, харид жараёнларида харид қилинадиган маҳсулот ва хомашёларнинг белгиланган мезонларини назорат қилишда, маҳсулотни ишлаб чиқиш технологик жараёнлари – технологик регламентларга кўра, оралиқ маҳсулотни белгиланган жойларда текшириш ва таҳлил қилиш ҳамда атроф-муҳит, иш жойининг ҳарорати ва намлигини таҳлил қилишда, тайёр маҳсулотни назорат қилиш жараёни – чиқариладиган маҳсулотнинг белгиланган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш учун, текшириш ва таҳлил қилишда, йўқ қилиш жараёнлари – йўқ қилинадиган материаллар таркибини аниқлашда бевосита иштирок этади.

Жаҳон миқёсида тадқиқот лабораторияларининг фаолиятини ташкиллаштирувчи ва унга қуйилган талабларни белгиловчи энг асосий ҳужжат бу ISO/IEC 17025:2019 стандарти ҳисобланади. Тадқиқот лабораторияси сифат менежменти тизимига қўйиладиган талаблар ISO/IEC 17025 нинг 8.3 бандида белгиланган. Сифат тизим ҳужжатларида норматив ҳужжатлар, йўриқномалар, услубий қўлланмаларга ҳавола берилади ва сифатни таъминлаш жараёнларига қўйиладиган талаблар билан тартибга солинади. Сифат менежменти ҳужжатлари тегишли ходимлар эътиборига ўз вақтида етказилиши, барча учун тушунарли бўлиши ва унинг ижроси таъминланиши керак. Лаборатория [1] сифат тизимига кирувчи (ташқи томондан қабул қилинган ва лаборатория томонидан ишлаб чиқилган) барча ҳужжатларни бошқариш тартибини ўрнатади ва юритади, масалан, уларга стандартлар, маҳсулот, ўлчов воситаларини текшириш ва калибрлаш тадқиқот усуллари, тадқиқот жиҳозларининг аттестацияси, технологик, ёрдамчи лаборатория жиҳозларининг техник ҳолатини текшириш, реактивлар, бошқа кўрсатмалар, материаллар ва жиҳозлардан, шунингдек, техник чизмалардан, дастурлардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар киради. Ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнга асосланган бўлиши мумкин, чунки фақат шундай ҳолда улар изчил ва пухта ишланган бўлади, бир жараёндан бошқасига ўтиш ҳолати тавсифланади, жараёнларнинг ўзаро таъсири тўғри белгиланади ва ахборот оқимлари ташкил этилади. Умумий сифат менежментига технологик ёндашув янги ИСО стандартининг 2000 йилдаги 9000 серияларининг асосий элементи бўлиб, уларни қўллаш ушбу жараённинг аниқ чегараларини ўрнатишни [2], масъулият, ваколат ва муайян вазифани бажаришда ходимларнинг ўзаро муносабатини ўз ичига олади [3].



1-рasm. Тадқиқот лабораториясидаги Сифат менеджмент тизими ҳужжатларининг тузилмаси.

Мазкур тамойил шундан иборатки, ташкилотда амалга ошириладиган ҳаракатларнинг барча турлари жараён сифатида қаралади, улар мантиқий тартибда ҳар хил турдаги ишларнинг босқичлари кетма-кетлиги бўлиб, тегишлича тўғри ҳужжатлаштирилган бўлади. Жараёнли ёндашувнинг қўлланилиши ресурслардан яхшироқ фойдаланишга, муайян фаолиятни бажариш вақти қисқаришига, хатоларнинг олдини олиш ва барча текширувлар учун ҳаражатларнинг пасайишига олиб келади. Жараёнли ёндашув ўтган асрнинг 80-йиллари сўнггида шаклланган бошқарув тушунчаларидан бири бўлиб, ушбу концепцияга мувофиқ ташкилотнинг барча фаолияти жараёнлар мажмуи сифатида қаралади. Ташкилотни бошқариш учун дастлаб жараёнларни бошқариш тизими ташкиллаштирилган бўлиши

лозим. Тадқиқот лабораториясининг сифат менежменти тизимидаги меъёрий ҳужжатларини 1-расмда келтирилган тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин.

Тадақиқот лабораториялари орқали ўтадиган барча ҳужжатлар тўпламини яхлит кўринишда олиш жуда муҳим ҳисобланади. Муқобил бошқарув тизимини яратиш учун барча ҳужжатлар тизимга бирлаштирилиши мумкин. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, бу ёндашув ҳали ишлаб чиқилмаган.

Тадақиқот лабораториялари ҳужжатлари тизимини яратиш тадақиқот лабораторияси фаолиятининг сифатини таъминлашга қаратилган қонунан расмийлаштирилган жараён ҳужжатларига боғлиқ бўлади. Алоҳида махсус ҳужжатда ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, татбиқ этиш, текширувлар, ҳисобга олиш, ўзгартириш киритиш, қайта кўриб чиқиш, амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни бекор қилиш тартиблари белгиланган бўлиши керак, тадақиқотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар мазкур ҳужжатларга асосланади [4]. Аниқ ҳолатни кўриш ва навбатдаги таҳлилларни ўтказиш учун тадақиқот лабораториясининг барча ҳужжатлари икки қисмга ажратилган: ташқи ва ички ҳужжатлар.

Тадақиқот лабораторияси ишлаб чиқиши керак бўлган асосий ҳужжат Сифат қўлланмаси бўлиб, у танланган аккредитация доирасидаги қатъий номенклатура бўйича ҳам миқдорий, ҳам сифатни аниқлашга асосланган тадақиқот натижаларининг сифатини таъминлашга мўлжалланган.

Лаборатория учун ишлайдиган сифат тизими рақобатбардошликни сақлаш ва ошириш, лаборатория фаолиятини доимий такомиллаштириш ва иқтисодий фойда манбаи учун муҳим воситадир. Лабораториянинг сифат тизимида маълумотларни рўйхатга олиш ва қайд этиб бориш бошқаруви алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу бир томондан унинг фаолиятини доимий равишда такомиллаштириш имкониятини яратса, иккинчидан унумдорликни оширишга ёрдам беради.

Тадақиқот лабораториясининг сифат тизимидаги барча ҳужжатларни 6 та даражага бўлиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал). Бугунги кунда аксарият хорижий ташкилотлар у ёки бу фаолиятнинг матнли тавсифидан фойдаланмоқда.

1-жадвал.

Тадақиқот лабораторияси Сифат тизимининг ҳужжатлар тўплами

Даража	Даража номи	Ҳужжат номи	Қисқартирилган номи
1	Сифатни таъминлаш тизимини акс эттирадиган ҳужжатлар	Сифат бўйича қўлланма Лаборатория паспорти Лаборатория ҳақидаги Низом Мансаб йўриқномалари	СҚ ЛП ЛН МЙ
2	Талабларни белгиладиган ҳужжатлар	Регламентлар (гигиеник нормативлар, рухсат берилган максимал концентрация, Стандарт санитария меъёр ва қоидалари)	Р
3	Тавсияларни ўз ичига оладиган ҳужжатлар	Умумий техник стандартлар (ЎзДСт, Ташкилот стандарти, ўлчов услубиётлари, услубий кўрсатмалар ва б.) Услубиётлар (ЎзДСт, Табиатни муҳофаза қилиш қўшма норматив ҳужжатлари, қўлланма ҳужжатлари ва б.) Маълумот ва ҳисоб жадваллари	Ст У Ж
4	Фаолиятни қандай амалга ошириш ҳақидаги маълумотлар акс этган ҳужжатлар (йўриқномалар)	Иш йўриқномалари (иш жойини тайёрлаш, намуна олиш ва б.) Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар Ускуна паспорти Ўлчов воситасини текшириш услубиётлари	ИЙ ММЙ ва ТХЙ УП ЎВУ

5	Эришилган натижалар ёки амалга оширилган ишлар акс этган ҳужжатлар (маълумотлар ёки ёзувлар)	Ўлчов воситаларининг текширувдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар Тадқиқот ускуналарининг сертификатлари Баённомалар Журналлар Давлат стандарт намунасининг гувоҳномалари Реактивлар сифат сертификатлари	ЎвГ ТУС Б Ж ДСГ РС
6	Турли ҳужжатлар	Ёзишмалар, навбатчилик рўйхатлари ва б.	

Бундай ҳужжатлар кўпинча катта ҳажмли ва фойдаланишга ноқулай бўлиб чиқади (улар айниқса тайёргарликдан ўтмаган ходимлар учун тушунарсиз бўлади). Табиийки, тавсифланиши керак бўлган фаолият қанчалик мураккаб бўлса, ҳужжатни тушуниш қийинроқ бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Ушбу далиллар сифат тизимининг жараён ҳужжатларини юритишнинг янада мукаммал шаклини топиш зарурлигини белгилайди, улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: кундалик фойдаланиш учун қулай ва осон бўлиши, тузилишига кўра максимал даражада содда бўлиши, қуруқ матн шаклидаги маълумотлар кам ишлатилиши. ISO/IEC 17025:2017 стандартининг 8.2 ва 8.3 “Менеджмент тизим ҳужжатлари” банд талабларига кўра, лаборатория Сифат менежменти тизимининг қисмлари бўлган барча ҳужжатларни (лабораторияда ишлаб чиқилган ёки ташқаридан олинган) бошқариш тартибларини ўрнатиши ва ҳужжатларни қўллаб-қувватлаши керак. Улар турли хил қоғоз ёки электрон, рақамли, аналогли, фотосуратли ёки матнли шакллардаги ташувчиларда тақдим этилиши мумкин.

Тадқиқот лабораторияси фаолиятини тартибга солувчи барча ташқи ва ички ҳужжатлар ISO/IEC 17025:2017 стандарт талаблари бўйича ишлаб чиқилган жараён ҳужжатларига мувофиқлаштирилган бўлади. 2-жадвалда “ISO/IEC 17025:2017 бўйича ташқи, ички ва жараён ҳужжатлари” махсус жадвалда акс эттирилган. Биринчи устунда ички ҳужжатлар, иккинчи устунда ISO/IEC 17025:2017 стандарт талаблари бўйича ишлаб чиқилган жараён ҳужжатлари, учинчи устунда ташқи тартибга солувчи ҳужжатлар кўрсатилган. 2-жадвалда тадқиқот лабораториясида амалда бўлган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўпламлари таркиби кўрсатилган.

2-жадвал.


ISO/IEC 17025:2017 бўйича жараён ҳужжатлари, ташқи ва ички ҳужжатлар

Ички ҳужжатлар	Жараён ҳужжатлари	Ташқи ҳужжатлар
1	2	3
Ташкилот Йўриқномаси (Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида «Иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида»ги Йўриқнома), ташкилот Низоми, мансаб йўриқномалари	5. Тизимга қўйиладиган умумий талаблар	Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК, ЖК, ФПК, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-4419-сон 15.08.2019 йил, Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги ЎРҚ-393- сон, 26.08.2015 йил

Хизмат ва захираларни рўйхатга олиш журнали, Давлат стандартлари, провайдерларни баҳолаш сўровномалари, маҳсулот ва хизматларнинг техник топшириқлари, молиявий ҳужжатлар, кимёвий реактивларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш журналлари, хизмат кўрсатиш ёки хизматдан фойдаланишни қайд этиш журнали, ўлчов воситаларини харид қилиш бланклари ва б.	6.6. Ташқаридан тақдим этиладиган маҳсулотлар ва хизматлар	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-472-сон 09.04.2018 й., Етказиб берувчилар (поставщик) сертификатлари, тақдим этиладиган маҳсулотлар ёки хизматлар рўйхати
Сўровлар таҳлили бўйича маълумотлар, буюртмаларни қайд этиш журналлари, ариза, буюртмаларни таҳлил қилиш баённомалари, намуналарни қабул қилиш далолатномалари, буюртмачи билан мулоқот баёнлари, ёзувлар	7.1. Сўровлар, тендер таклифлари ва шартномалар таҳлили	ИСО 9001:2001 СМТ, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ашёвий далиллардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома, 03.08.2015 йилдаги 87-ум сонли буйруқ, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг девонхонаси тўғрисидаги НИЗОМ”, 12.11.2014 йил 82-ум сонли буйруқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 02.03.2011 йил, рўйхат рақами 2202-сон, Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сон
Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат турлари рўйхати, ўтказиладиган тадқиқот усулларининг танлови	7.2. Усуллар танлови, верификация ва валидацияси	Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 26 апрелдаги 221- -сон
Шикоятлар, буюртмачиларнинг шикоят, ариза ва шикоятларини қайд этиш журнали	7.9. Шикоятлар	Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-378-сон 03.12.2014 й., ISO 10002:2004 Сифат менежменти. Мижозларнинг эҳтиёжини қондириш. Ташкилотда шикоятлар билан ишлаш бўйича кўрсатмалар.
Ташкилот стандартлари, калибрлаш сертификатлари, тадқиқот баённомалари, намуналарни олиш ҳақидаги далолатномалар, бошқа далолатномалар, ички ва ташқи аудитлар ҳақидаги маълумотлар	7.10. Номувофиқ ишларни бошқариш	Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-4419-сон 15.08.2019 йил, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 02.03.2011 йил, ГОСТ 8.010-2013 Ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлашнинг давлат тизими (ЎДТ). Ўлчовларни ўтказиш услуги. Асосий қоидалар.

Сифат бўйича қўлланма, Сифат соҳасидаги сиёсат, Сифат соҳасидаги мақсадлар, тизимлар, дастурлар	8.2. Сифат менежменти ҳужжатлари	ИСО 9000 серияси “Сифат менежменти тизими”, ISO/TR 10013:2001 CMT ҳужжатлари бўйича тавсиялар, ISO 90003:2004 дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Дастурий таъминот учун ISO 9001:2000 ни қўллаш бўйича кўрсатмалар.
Ташкилот стандартлари, ҳужжатлар рўйхати, ташкилий-тақсимот ҳужжатлари	8.3 Сифат менежменти ҳужжатларини бошқариш	ИСО 15489 Маълумот ва ҳужжатлар – ҳужжатларни бошқариш
Рисклар рўйхати, рисклар паспорти, рисклар таҳлил жадвали	8.5. Риск ва имкониятларни бошқариш	ИСО 9001-2001 CMT. Талаблар. ISO/IEC 31010:2009 Риск менежменти. Рискни баҳолаш усуллари. ISO/IEC 31000:2009 Риск –менежмент – қўлланма ва қоидалар.
Кўрсатиладиган хизмат турлари рўйхати, таклифларни, аризаларни, буюртмачилар шикоятларини рўйхатга олиш журналлари	8.6. Такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, сертификатлар, саволномалар
Намуналарни олиш далолатномалари, тузатиш ҳаракатлари картаси	8.7. Тузатиш ҳаракатлари	

Ташқи – ҳукумат даражасидаги ҳужжатлар ва ички – лаборатория ҳужжатлари мавжуд.



2-расм. Сифат менежменти бўйича ишлаб чиқилган ички ҳужжатларни рақамлаш тартиби

Қонунлар тадқиқот лабораториясининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлигига эришиш учун нормалар ва шартларни тартибга солади. Ҳужжатлар айланишига қулайлик яратиш учун улар тавсифланган ва индексацияланган. 3-жадвалда тадқиқот лабораторияси ички ҳужжатларининг классификациясига мисол келтирилган.

Тадқиқот лабораториясининг ҳужжат ёки ҳужжатлар тўплами индексация объекти бўлиб ҳисобланади. Ҳужжатларни индексациялашда ҳужжатнинг асосий мазмуни зарур ва етарлича тўлиқ ва аниқ бўлиши шарт. Керак бўлса, унинг шакли ва мақсади бўлиши керак. Самарали ахборот қидирувини таъминлашда иккита асосий – классификацион ва предмет индекслаш қоидаларига амал қилинади [5].

3-жадвал.

Тадқиқот лабораторияси ички ҳужжатларининг классификацияси

Ҳужжатлар синфи (функционал белгилари)	Синф таркиби
01. Асосий ички ҳужжатлар	Сифат бўйича қўлланма, Сифат соҳасидаги сиёсат, Мансаб йўриқномалари, Лаборатория Низоми, Тадқиқот лабораториясининг паспорти, йиғмажилдлар номенклатураси, йиллик иш режалари
02. Лаборатор маълумот журналлари	Шикоят, таклиф ва аризаларни қайд этиш журналлари, кирувчи ва чиқувчи ҳужжатларни рўйхатга олиш журналлари, келиб тушган ва юборилган хат-хабарларни рўйхатга олиш журналлари, объектларни рўйхатга олиш журналари, келиб тушган шикоят ва эътирозларни қайд этиш журналари
03. Тадқиқот ва текширув натижаларининг аниқлигини назорат қилиш ва ўтказишга мўлжалланган лаборатор журналлар (ёки шакллар)	Ўлчов воситаларини рўйхатга олиш журналари, калибрлаш дастурлари, эритмаларни тайёрлашни рўйхатга олиш журналари, тадқиқот натижаларини қайд этиш журналари, титрланган эритмаларни рўйхатга олиш журналари, дистилланган сув сифатини назорат қилиш журналари, кимёвий реактивларни рўйхатга олиш ва муддати тугайдиган кимёвий реактивларни назорат қилиш журналари, Давлат Стандарт Намунасини рўйхатга олиш журналари ва б.
04. Лаборатор ишчи дафтарлар	Реактивларни тайёрлаш бўйича иш дафтари, тадқиқот усуллари бўйича иш дафтари ва б.
05. Тадқиқот лабораториясининг дастурий таъминот фаолияти бўйича ҳужжатлари	Электрон почта орқали келган иш материаларини қайд этиш журналари, маълумотлар базасидан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш иш дафтари, ишлаб чиқарувчи фирма ва фойдаланиладиган дастурларни рўйхатга олиш журналари, техник ускунанинг дастурий таъминоти, ундан фойдаланиш бўйича йўриқномалар.
06 Ахборот-маълумот ҳужжатлари	Асосий фаолият бўйича ташкилот раҳбари – Директор буйруқлари, шахсий таркиб бўйича буйруқлар, маъмурий-хўжалик масалалари бўйича буйруқлар, аудитлар бўйича маълумотлар, графиклар, режалар, йўриқномалар, калибрлаш сертификатлари, ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш жадваллари, ёзувлар

Индекслашнинг классификацион қоидаси ахборот излашни иерархик асосда ташкил этиш имкониятини беради. Индекслашнинг предмет қоидаси ахборот излашни алифбо тартибига кўра ташкил этиш имкониятини беради. Индексациялашнинг қайси бир қоидасининг етакчи ўрин тутишига қараб, таснифлаш ва мавзу бўйича маълумотларни қидириш тиллари ажратилади. Маълумотларни қидириш тилларининг характериға мувофиқ, индексациялаш тизимлаштириш ёки субъектизация сифатида амалга оширилади, индекслар атамалари сифатида эса мавзу сарлавҳалари ёки классификацион индекслар қўлланилади [5].

Тадқиқот лабораторияси Сифат менежменти бўйича ишлаб чиқилган ички ҳужжатларни индексация қилиш, яъни рақамлаш қоидаси (тартиби) 2-расмда кўрсатилган. Масалан:

QOP 8.9 (3) “Сифат менежменти таҳлили” – Стандартнинг 8.9-банди бўйича ишлаб чиқилган умумий жараён ҳужжатининг 3-нашри;

ҚТП 12.2-01 (1) 12.2 “Одам биоматериаллари ДНКсини тадқиқот қилиш экспертизаси” тури бўйича ишлаб чиқилган 1-техник жараён ҳужжатининг 1-нашри;

ҚИ 7.7-13-01 (1) Стандартнинг 7.7-банди бўйича Одам ДНКси Суд биологик экспертизаси лабораторияси (13)нинг антиконтаминацион чора-тадбирлар бўйича ишлаб чиқилган 1-Йўриқномасининг 1-нашри [6].

Ҳужжатларни сақлаш муддати белгиланганидан кейин сақлаш муддати тузилади. Далолатномада рўйхат бўйича модданинг рақами кўрсатилиши керак, у асосида сақлаш муддати белгиланади. Одатда захиралар доимий ва узоқ муддатли сақлаш муддатлари бўлган ҳолатлар учун тузилади [7].

Сақлаш ва олиб қўйиш тартиб-таомиллари қўйидаги тарзда амалга оширилиши тавсия этилади: ҳужжатлар ташкилот архивида мажбурий сақлаш учун топширилиши керак. Ҳужжатларни сақлаш, расмийлаштириш ва архивга топшириш тадқиқот лабораториясида ҳужжатлар бўйича масъул ходим томонидан амалга оширилади. Лабораторияда ҳужжатлар белгиланган вақт давомида сақланиши лозим [8]. Тадқиқот ҳужжатлари сир сақланиши ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояланган бўлиши керак. Лаборатория ҳужжатлари хавфсиз сақланишини таъминлаши керак. Ташқи ҳужжатларни сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан белгиланади [9]. Муддати ўтган ёки долзарблигини йўқотган ҳужжатлардан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун тадқиқот лабораторияларига эга ташкилотнинг сифатли хизмати ҳужжатларни алмаштириш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ташкилотнинг барча тадқиқот лабораторияларига юборишни таъминлайди. Архивлашда ҳужжатнинг назорат нусхаси устига “Архив” муҳри босилади. Ҳужжатлар қуёш нури тўғридан-тўғри тушмайдиган, намлик даражаси ва ҳарорати назорат қилиб туриладиган махсус архив хоналарида сақланади.

Сифат менежментига тааллуқли бўлган ички ҳужжатлар стандартнинг 8.3 банд талаби, яъни “Менежмент тизими ҳужжатларини бошқариш” умумий жараён ҳужжати бўйича рўйхатга олиниши, нусха олиниши, сақланиши ва долзарблигини йўқотган ҳужжатлар бекор қилиниши мумкин [6].

Аккредитациядан ўтувчи тадқиқот лабораторияларининг ҳужжатлар тизимини кўриб чиқишни яқунлар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, ушбу мақоламизда деярли барча мумкин бўлган вариантлар умумлаштирилди ва тадқиқот лабораторияларининг ҳужжатлар тизимининг турли жиҳатларига урғу берилди. Юқоридагиларга асосланиб ташкилотнинг “Тадқиқот лабораториясининг ҳужжатлар тизими. Индекслаш, сақлаш ва бекор қилиш. Тадқиқот лабораторияси ҳужжатларига қўйиладиган талаблар” стандарт лойиҳаси ишлаб чиқилиши мумкин.

Иктибослар/Сноски/References

1. O'z DST ISO/IEC 17025:2019 Тадқиқот ва калибрлаш лабораторияларининг ваколатлилигига қўйиладиган умумий талаблар, Тошкент, 2019.

2. Стенжер Д. Место и значение услуг испытательных лабораторий на мировом рынке //Партнеры и конкуренты. 2003. №8 С. 30-33.

3. Егоров В.С., Леяков В.Ф., Резниченко В.Г., Юрченко Г.А. Применение процессного подхода при создании системы менеджмента качества на основе ISO 9001:2000. Часть 4 // www.flnextpert.ru. 2001. 7с.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ҚРК “Сифат бўйича қўлланмаси”, 05.12.2019 й.;

5. ГОСТ 7.59-90. Индексирование документов. Общие требования к систематизации и предметизации.

6. ҚОП 4.3(8.3) “Управление документами системы менеджмента”, утв.Директором РЦСЭ от 24.02.2020 г.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, 2010 йил 15 июнь, №ЎРҚ-252.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг идоравий архиви тўғрисидаги Низоми, 2020 йил 22 декабрдаги №92-ум сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги адлия органлари ва муассасаларида шаклланадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддати кўрсатилган Соҳавий Рўйхат, 2013 йил 17 июлдаги 139-ум сон буйруғига илова.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

САТТОРОВ Дилшод Юлдашевич

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси
Божхона институти “Умумҳуқуқий фанлар” кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар номзоди, доцент

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): САТТОРОВ Д.Ю. МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 71-77.

 6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқаро меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солувчи асосий халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, “меҳнаткаш-мигрант” тушунчасининг универсал ва минтақавий халқаро шартномаларда мустаҳкамланишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф меҳнаткаш-мигрантлар мақомини универсал даражада халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш уларнинг ҳуқуқ субъектчилигини тан олиниши эканлиги, халқаро шартномаларда “меҳнаткаш мигрант” тушунчасига берилган таърифлар унинг қабул қилувчи мамлакатда қонуний асосда бўлувчи ва ишловчи меҳнаткаш-мигрантлар тоифаси учунгина мўлжалланганлиги, “ноқонуний меҳнаткаш мигрант” тушунчасига аниқ ҳуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги эса халқаро ҳуқуқдаги бўшлиқлардан бири эканлигини тўғрисида хулосага келади. Шунингдек, БМТнинг 1990 йилги Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциясининг 2-моддаси, 2-бандига “ноқонуний меҳнаткаш мигрант” тушунчасининг таърифини аниқ белгилаб қўйиш лозимлиги юзасидан таклиф билдирилади.

Калит сўзлар: миграция, мигрант, меҳнаткаш-мигрант, халқаро шартнома, конвенция, БМТ, ХМТ.

САТТОРОВ Дилшод Юлдашевич

Заведующий кафедрой «Общеправовые дисциплины» Таможенного института
Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук, доцент

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются правовая природа основных международных договоров, регулирующих международную трудовую миграцию, особенности закрепления понятия

«трудящийся-мигрант» в универсальных и региональных международных соглашениях. Автор приходит к следующим выводам, что международно-правовое регулирование статуса «трудящийся-мигрант» является признанием его правосубъектности, понятие «трудящийся-мигрант», закрепленные в международных договорах предназначены для категории «трудящихся-мигрантов», которые присутствуют и работают в государстве-пребытии только на легальных основаниях, отсутствие в международных договорах термина «нелегальный трудовой мигрант» является пробелом в международном праве. А также, в заключении приводится предложение о необходимости закрепления понятия «нелегальный трудовой мигрант» в пункте 2 статьи 2 Международной конвенции ООН о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей от 1990 года.

Ключевые слова: миграция, мигрант, трудящийся-мигрант, международный договор, конвенция, ООН, МОТ.

SATTOROV Dilshod

Head of the Department «General Legal Disciplines» of the Customs Institute of the State
Customs Committee of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Legal Sciences, Associate Professor

SOME ASPECTS OF INTERNATIONAL LEGAL REGULATION OF LABOR MIGRATION

ANNOTATION

The article analyzes the legal nature of the main international treaties regulating international labor migration, the specifics of consolidating the concept of “migrant worker” in universal and regional international agreements. Author concludes that the international legal regulation of the status of a migrant worker is the recognition of his legal personality, the concept of “migrant worker” enshrined in international treaties is intended for the category of migrant workers who are present and work in the state of residence only on legal grounds, the absence of the term “illegal labor migrant” in international treaties is a gap in international law. In conclusion, author provides a proposal on the need to consolidate the concept of “illegal labor migrant” in paragraph 2 of article 2 of the UN International Convention on the Protection of the Rights of All Migrant Workers and Members of Their Families of 1990.

Keywords: migration, migrant, migrant worker, international treaty, convention, UN, ILO.

COVID-19 пандемияси дунё иқтисодиёти ва меҳнат дунёсига мисли кўрилмаган таъсирни кўрсатди. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг ҳисоб-китобларига кўра [1, Б.11], бутун дунё бўйича меҳнаткашларнинг 93% COVID-19 муносабати билан иш ўринларини ёпиш бўйича чоралар кўрилган мамлакатларда яшашган, бунда айниқса кўплаб халқаро мигрантлар заиф қатлам сифатида жабр кўришган.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунё бўйича халқаро мигрантлар сони 281 миллион кишидан иборат бўлиб, дунё аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил қилади. Бундан 164 миллион киши халқаро меҳнаткаш-мигрантлар эканлиги қайд этилган [14].

Глобаллашувнинг энг муҳим жиҳати бутун дунё миқёсида мобилликнинг жуда тезкор суръатларда ошиб бораётганида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат тақсимоли турлича кўриниш олган мамлакатлар ўртасида меҳнат ресурсларининг кўчишига имкон бермоқда.

Халқаро миграция ташкилоти томонидан нашр этилган “Миграция соҳасига оид атамалар глоссарий”сида миграциянинг кенг қамровли таърифи берилади. Унга кўра, “миграция – аҳолининг халқаро чегаралар орқали ёки мамлакат ҳудуди доирасида ҳаракатланиш жараёни” [2, Б.39] деб таърифланади. Миграция кўчишнинг давомийлиги, таркиби ва сабабларидан қатъий назар ҳаракатланишнинг исталган турини қамраб олади ва ўз ичига қочоқлар, кўчирилган шахслар, иқтисодий мигрантларнинг кўчишини кўзда тутди.

Ўз навбатида, халқаро миграция эса, ўзининг келиб чиқиши мансуб бўлган ёки одатда яшайдиган мамлакати ҳисобланган давлатни бошқа давлатда доимий ёки вақтинча яшаш мақсадида тарк этадиган шахсларнинг ҳаракатланиши [2, Б.36] сифатида баҳоланади.

Миграцияни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш комплекс хусусиятга эга бўлиб, қабул қилувчи давлатларнинг ҳудудида амалга оширилади, бу эса уни миллий-ҳуқуқий асослар билан ҳамоҳангликда олиб борилишини белгилаб беради. Замонавий халқаро ҳуқуқда миграциянинг турли шакллари тартибга солувчи норма ва принциплар кодификациялашган универсал шартнома ҳали мавжуд эмас. Ҳозирда миграцияни тартибга солиш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро иқтисодий ҳуқуқ билан узвий алоқада эканлигини таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ мигрантларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва кафолатлари жамланмаси бўлмиш уларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини, шунингдек бошпана излаётган шахслар, қочоқлар ва меҳнаткаш-мигрантларнинг мамлакатда бўлиш режимини тартибга солади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ эса меҳнат ресурсларини ўзаро айирбошлашни ўз ичига оловчи халқаро иқтисодий ташкилотлар доирасида интеграция шакллари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Миграцияни тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий механизмлари қуйидаги элементларни ўз ичига олади: а) аъзо-давлатлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлган халқаро шартномалар ва бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (миграция соҳасида фаолият юритувчи ҳукуматлараро ташкилотларнинг уставлари ва резолюциялари); б) миграция соҳасидаги алоқаларда давлатларнинг қатъий амалиётини намоён қилувчи халқаро одатлар; в) миграция соҳасига тааллуқли тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (декларация ва раҳбарий принциплар); г) халқаро ҳуқуқ субъектларининг миграция соҳасидаги муносабатларининг асосларини мустаҳкамловчи махсус халқаро-ҳуқуқий принциплар; д) турли тоифадаги мигрантларни қабул қилиш, кафолатлар тақдим этиш ва мамлакатда бўлиш режимларини белгилаш соҳасида фаолият юритувчи халқаро-ҳуқуқий институтлар. Мазкур элементларга қўшимча сифатида халқаро-ҳуқуқий нормалар ва принципларни аъзо-давлатларнинг миллий қонунчилигига имплементация қилиш шакллари ҳам таъкидлаш ўринлидир. Айнан имплементация орқали давлатларнинг миграция соҳасидаги халқаро мажбуриятлари ўзининг амалий ифодасини топади.

Халқаро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгалламоқда. Одатда миграциянинг асосий сабабларидан бири сифатида иқтисодий омил кўрсатилади. Яъни, бир хил иш учун икки мамлакатда бир-биридан кескин фарқланадиган маош тўланиши мигрантлар масаласини кескинлаштирмоқда.

Халқаро меҳнаткаш мигрантлар қабул қилувчи мамлакатда бўлиб турган ишга лаёқатли ҳамда қуйидаги иккита тоифанинг бирига тааллуқли бўлган шахслар ҳисобланади:

доимий яшовчи ёки резидентлар: маълум бир ҳисобот даври давомида ўзлари одатда яшаётган қабул қилувчи мамлакатнинг ишчи кучи таркибида ё ёлланма ишчи сифатида, ё ишсиз сифатида бўладиган шахслар.

доимий яшамаётган ёки хорижий ишчи-нерезидентлар: маълум бир ҳисобот даври давомида мамлакатнинг одатдаги резидентлари бўлмаган, аммо ушбу мамлакатда жойлашган ва меҳнат муносабатларини олиб бораётган шахслар[3].

Бугунги кунда меҳнат миграциясини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш; минтақавий интеграция ташкилотлари доирасида ишчиларнинг ҳаракатланишини ҳуқуқий тартибга солиш.

Меҳнат миграциясини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш нисбатан янги жараён бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам ички давлат тартибга солиши билан биргаликда амалга оширилиши талаб қилинади. Халқаро миграция ташкилотининг миграция соҳасига оид атамалар маълумотномасида қайд этилишича, меҳнаткашларнинг кўчиш жараёнлари давлатларнинг миграцияга оид қонунчилиги билан тартибга солинади ва “баъзи давлатлар ўз фуқароларига хорижда ташқи меҳнат миграциясини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш борасида фаол роль” ўйнашади [4, Б.130].

Ўз навбатида, ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилиги ёрдамида ҳудудига мигрантларнинг кириши, уларнинг яшаш тартиби, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши ва бошқа масалаларни тартиб солишда устувор ҳуқуққа эга эканлигини қайд этиш лозим. Ушбу ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда махсус таъкидлаб ўтилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 12-моддасида бирор бир давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш, шунингдек ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни,

жумладан ўз мамлакатини тарк этиш каби ҳуқуқларга эга эканлиги мустаҳкамланган бўлиб, ушбу модданинг 3-бандида “давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини сақлаш учун ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш учун” юқорида таъкидланган ҳуқуқларнинг чекланишини кўзда тутувчи қонунларни қабул қилиш имконияти [5] белгиланган.

Ушбу ҳолат 1985 йил 13 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 40/144 резолюциясига асосан қабул қилинган Ўзлари яшаётган мамлакатларнинг фуқаролари бўлмаган шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияда янада қатъий мустаҳкамланади. Унга кўра, ушбу Декларация қоидалари “чет элликларни давлатга ноқонуний кириб келиши ва унда бўлиши” ёки “чет элликларнинг кириши ва уларнинг мамлакатда бўлиш шартларига тааллуқли қонун ва қоидалар қабул қилиш ҳуқуқини чеклаш”ни қонунийлаштириш сифатида талқин қилинмаслиги лозим. Шундай қилиб, бир қатор халқаро ҳужжатларда давлатларнинг ноқонуний миграцияга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш ҳуқуқи эътироф этилади.

Маълумки, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқ универсал халқаро-ҳуқуқий стандарт ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқнинг мазмуни 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги пактнинг 6-моддасида ҳар бир инсоннинг “ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган, эркин ҳолда танланадиган ёки эркин ҳолда рози бўладиган меҳнат қилиш ҳуқуқи” [6] сифатида намоён бўлади.

Меҳнат миграциясини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг шаклланишидаги дастлабки босқич 1949 йилда (1952 йилда кучга кирган) Халқаро меҳнат ташкилотининг 97-сонли Меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисидаги конвенциясининг қабул қилиниши бўлди. Конвенциянинг муҳим аҳамияти аъзо-давлатларнинг ўз юрисдикциялари доирасида меҳнаткаш-мигрантларни чиқиши, кўчиши ва қабул қилинишини енгиллаштириш учун чоралар кўриш мажбуриятига эгаллиги (4-модда), ушбу тоифадаги шахсларга иш ҳақи, нафақалар тўлаш, иш вақти режими, таътиллари, уй меҳнати, ишга қабул қилиш ёши, касбий таълим олиши, касба уюшмаларига бирлашиши ва жамоа шартномаларида иштирок этиши, яшаш ва ижтимоий таъминоти, солиққа тортиш ва судлов масалаларида қабул қилувчи мамлакатда миллий режимни кафолатловчи (6-модда) [7] қоидаларининг белгиланганлигида намоён бўлади.

Тадқиқотчи Ж.Расуловнинг таъкидлашича, 97-сонли конвенция уни ратификация қилган давлатлардан “миллий қонун ҳужжатлари йўл қўядиган чегараларда эмиграция ва иммиграция масалалари бўйича тушунмовчиликларга олиб келувчи ташвиқотларга қарши тегишли чоралар кўриш мажбуриятини” зиммасига олишни талаб қилади [8, Б.103].

Мазкур Конвенциянинг 11-моддасига мувофиқ, “меҳнаткаш-мигрант” атамаси “иш билан таъминланиш мақсадида, яъни ўз ҳисобидан ўзини иш билан таъминлашга зид равишда, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга миграция қилувчи шахсни ва белгиланган қоидаларга мувофиқ равишда меҳнаткаш мигрант сифатида тан олинадиган ҳар қандай шахс” [7] ни англатади. Конвенция чегара хизмати меҳнаткашларига, қисқа муддатга мамлакатга кирган эркин касб эгаларига ва санъаткорларга, денгизчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Демак, ушбу Конвенциянинг 11-моддасида мустаҳкамланган тушунчага мувофиқ, “меҳнаткаш-мигрант” сифатида қуйидаги шахслар эътироф этилади:

бир мамлакатдан бошқа мамлакатга миграция қилувчи;

ҳақ тўланадиган ишни эгаллашни мақсад қилувчи;

миллий қонунчиликка мувофиқ меҳнаткаш-мигрант сифатида эътироф этиладиган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 18 декабрда қабул қилинган Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияси “меҳнаткаш-мигрант” атамасининг янада кенгроқ талқинини беради. Конвенциянинг 2-моддасида меҳнаткаш мигрант “ўзи фуқароси ҳисобланмайдиган давлатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган, шуғулланаётган ва шуғулланган шахс” [9] ни англатиши белгиланган.

Мазкур таърифда меҳнаткаш-мигрантнинг фуқаролиги қабул қилувчи давлат фуқаролигидан фарқли эканлиги белгиланган. Шунингдек, меҳнаткаш-мигрант сифатида нафақат меҳнат қилмоқчи бўлаётган ёки айни вақтдан бундай меҳнатни бажараётган шахслар, балки қабул қилувчи мамлакатда аввалроқ меҳнат фаолиятини олиб борган шахслар ҳам ҳисобланиши мустаҳкамланган. Бу ерда ХМТнинг 97-сонли Конвенциясидан фарқли равишда меҳнаткаш-мигрант ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятини амалга ошириши аниқ белгиланган.

БМТнинг 1990 йилги Халқаро конвенциясида, шунингдек “чегара ҳудуддаги

меҳнаткаш”, “мавсумий ишчи”, “лойиха ишчиси”, “мақсадли ёллаш ишчиси”, “ёлланиш асосида ишламайдиган меҳнаткаш” тушунчаларининг ҳам таърифи берилган.

Ўз навбатида, БМТ 1990 йилги Халқаро конвенциясининг 3-моддасида ушбу битимнинг қоидалари тааллуқли бўлмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам кўзда тутилган бўлиб, улар сирасига а) халқаро ташкилотларнинг хизматчилари; б) давлат томонидан ўзининг ҳудудидан ташқарида расмий вазифаларни бажариш учун ёлланган шахслар (бундай тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий мақоми умумий халқаро ҳуқуқ ёки аниқ халқаро шартномалар билан тартибга солинади), в) давлатнинг ҳудудидан ташқарида давлат томонидан ёки унинг номидан ёлланган ҳамда турли ҳамкорлик дастурларини амалга оширишда иштирок этувчи шахслар, г) келиб чиқиши мансуб бўлган давлатдан ташқарида яшаётган инвесторлар, д) қочоқлар ва апатридлар, е) таълим олувчилар ва амалиётчилар, ё) денгизчилар ва қабул қилувчи давлатда ёлланиб меҳнат фаолиятини олиб бориш учун рухсатномага эга бўлмаган қирғоқбўйи стационар қурилмаларда ишлаётган ишчилар киради [9].

Таъкидлаш жоизки, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган “меҳнаткаш-мигрант” тушунчасининг таърифида уларнинг қабул қилувчи давлат ҳудудида қонуний равишда бўлиши зарурлигига оид бирор бир қоида мавжуд эмас. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатнинг 5-моддасида бу борада аниқлаштирувчи нормалар белгиланган бўлиб, ёлланиб ишлайдиган давлат қонунчилиги ва халқаро шартномаларга мувофиқ мамлакатга кириш, унда бўлиш ва ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш учун рухсатномаси бўлган “ҳужжатлари мавжуд бўлган ёки доимий мақомга эга бўлган”; агар бундай шартларга риоя қилинмаса “ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ёки доимий мақомга эга бўлмаган” меҳнаткаш-мигрантлар каби турларга бўлинади.

“Меҳнаткаш-мигрант” тушунчасининг таърифи бир қатор минтақавий даражада қабул қилинган халқаро шартномаларда ҳам мустаҳкамланган. Улар орасида 1977 йил 24 ноябрда Европа Кенгаши доирасида қабул қилинган Меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа конвенциясини қайд этишимиз мумкин. Мазкур Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ, меҳнаткаш-мигрант бошқа давлат томонидан унинг ҳудудида ҳақ тўланадиган фаолиятни олиб бориш учун рухсат берилган Конвенция иштирокчи-давлатларининг фуқароси ҳисобланади [10].

Конвенция қоидалари чегара ҳудудларда ишловчилар, артистлар ва эркин касб билан шуғулланувчи шахслар, таълим олувчи шахслар, мавсумий ишчилар ва бошқаларга нисбатан тегишли бўлмайди. Шунга кўра, Конвенциянинг 1-моддасида келтирилган таъриф ушбу тоифдаги шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қайд этиш лозимки, 1977 йилги Европа конвенциясида келтирилган “меҳнаткаш-мигрант” тушунчасининг таърифи универсал халқаро шартномаларда мустаҳкамланган таърифлардан фарқланади. Россиялик олим Н.Зинченконинг фикрича, мазкур Конвенциянинг фарқли хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, Европа конвенциясида меҳнаткаш-мигрант конвенция иштирокчи-давлатларининг фуқароси бўлиши лозимлиги аниқ белгиланган. Иккинчидан, мазкур битимда ушбу шахсларнинг қабул қилувчи мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишига алоҳида урғу берилмаган ҳолда асосий эътибор ушбу мамлакатнинг меҳнаткаш-мигрантга ўз ҳудудида яшаш ва ишлаш учун рухсат бериш-бермаслигига қаратилган [11, Б.73].

1994 йил 15 апрелда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан қабул қилинган Меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг 2-моддасига кўра, меҳнаткаш-мигрант деганда келувчи мамлакатда доимий яшаётган, меҳнат билан банд бўлган мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан қонуний асосда шуғулланадиган шахс тушунилади [12]. Ушбу нормада мазкур таърифнинг фақат иштирокчи-давлатларнинг фуқароларига нисбатан тааллуқлилиги ёки бошқа давлатларнинг фуқаролари учун ҳам тегишли эканлиги масаласи аниқ белгиланмаган.

Қабул қилувчи мамлакатда ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан “қонуний асосда” шуғулланишни кўзда тутувчи юқоридаги таъриф давлат томонидан рухсат бериш функциясининг амалга оширилишини фақат билвосита тахмин қилишга имкон беради, холос.

“Меҳнаткаш-мигрант” тушунчасига берилган турли таърифларни таҳлил қилган ҳолда хулосага келиш мумкинки, юқорида кўриб чиқилган халқаро шартномаларнинг қоидалари қабул қилувчи мамлакатда қонуний асосда бўлувчи ва ишловчи меҳнаткаш-мигрантлар тоифаси учун мўлжалланган.

Шу билан бирга, БМТнинг 1990 йилги Халқаро конвенциясида меҳнаткаш-мигрантнинг қабул қилувчи давлатда бўлишининг қонунийлигига нисбатан талаблар кўзда тутилмаганлиги ҳам қайд этиш лозим. Шунга кўра, ушбу Конвенциянинг 2-моддасида мустаҳкамланган таъриф меҳнат фаолиятини қонуний асосларда олиб бораётган меҳнаткаш-мигрантларга нисбатан ҳам, шунингдек ноқонуний ҳолатда бўлиб ишлаётган шахслар учун ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солувчи аксарият халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “ноқонуний меҳнат мигранти” тушунчасининг таърифи берилмаган бўлсада, ХМТнинг 97-сонли ва 143-сонли конвенциялари, шунингдек БМТнинг 1990 йилги Халқаро конвенциясида ноқонуний меҳнат миграциясини олдини олиш ва уни тақиқлашга қаратилган қоидаларни назарда тутувчи моддалар мавжуд. Масалан, ХМТнинг 97-сонли конвенцияси қоидаларига мувофиқ, яширин ёки ноқонуний меҳнат миграциясини қўллаб-қувватловчи ҳар қандай шахс тегишлича жазога тортилиши лозимлиги белгиланган.

ХМТнинг 1975 йилги Меҳнаткаш-мигрантлар (қўшимча қоидалар) тўғрисидаги 143-сонли конвенцияси иштирокчи-давлатларни “яширин миграция ҳаракатларини ва мигрантларни ноқонуний ёллашни” тугатиш учун барча зарурий чораларни кўришга мажбур қилади [13].

БМТнинг 1990 йили Халқаро конвенциясида ноқонуний меҳнат миграциясини олдини олиш ва тугатиш масаласига катта эътибор қаратилади. Конвенциянинг 68-моддасида давлатлар томонидан ноқонуний миграцияга қарши курашиш мақсадида қабул қилиниши лозим бўлган чоралар санаб ўтилади. Улар қуйидагилардан иборат: а) эмиграция ва иммиграция масалаларига тааллуқли чалғитувчи ахборотларни тарқатишга қаратилган чоралар; б) меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ноқонуний ёки яшириш кўчишларини аниқлаш ва бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, шунингдек бу каби кўчишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган шахслар ва тузилмаларга қарши самарали санкцияларни қабул қилишни кўзда тутувчи чоралар [9].

Халқаро миграция, шу жумладан меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи халқаро шартномалар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, меҳнат миграциясини тартибга солувчи универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар меҳнаткаш-мигрантлар билан муомала қилиш бўйича маълум умумий стандартларни мустаҳкамлайди. Айни вақтда, меҳнат миграциясини тартибга солишда Европа Кенгаши, ЕИ, МДХ доирасида минтақавий шартномаларнинг қабул қилиши миграция жараёнларини минтақа хусусиятларидан келиб чиқиб янада ихтисослаштириш имконини беради.

Иккинчидан, меҳнаткаш-мигрантлар мақомини универсал даражада халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш уларнинг ҳуқуқ субъектчилигини тан олиниши билан боғлиқ. БМТнинг 1990 йилги Халқаро конвенцияси ва ХМТнинг бир қатор конвенцияларида қабул қилувчи давлатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаган ҳолда меҳнаткаш-мигрантларнинг бир қатор ҳуқуқлар масаласида ушбу давлатларнинг фуқаролари билан тенглаштириши кўзга ташланади.

Учинчидан, кўплаб универсал ва минтақавий халқаро шартномалар қоидаларида “меҳнаткаш-мигрант” тушунчасига берилган таърифларнинг таҳлили мазкур шартномаларнинг қоидалари қабул қилувчи мамлакатда қонуний асосда бўлувчи ва ишловчи меҳнаткаш-мигрантлар тоифаси учун мўлжалланганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

Тўртинчидан, ҳозирда амалда бўлган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “ноқонуний меҳнаткаш мигрант” тушунчасига аниқ ҳуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги эса халқаро ҳуқуқ ижодкорлигининг бўшлиқларидан бири эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий халқаро ҳужжат ҳисобланган БМТнинг 1990 йилги Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциясининг 2-моддаси, 2-бандида “ноқонуний меҳнаткаш мигрант” тушунчасига таърифнинг киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иқтибослар/ Сноски/ References

1. ILO Global Estimates on International Migrant Workers – Results and Methodology – Third edition. International Labour Office – Geneva: ILO, 2021, P.11.
2. Глоссарий терминов в области миграции. Отв.редактор Ришар Перрешу. Международная организация по миграции (МОМ), 2005 г. С.39.
3. Guidelines Concerning Statistics of International Labour Migration, endorsed by the Twentieth International Conference of Labour Statisticians (20th ICLS). Available at: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---stat/documents/meetingdocument/wcms_648922.pdf.
4. Справочник по терминологии в области миграции (русско-английский): учеб. пособие, разработанное для сотрудников ФМС. М.: МОМ, 2011. С. 130.
5. International Covenant on Civil and Political Rights // <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>
6. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml
7. C097 - Migration for Employment Convention (Revised), 1949 (No. 97) // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312242:NO
8. Расулов Ж. А. Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро ва минтақавий стандартларнинг шаклланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №5 (2020), // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/125>
9. Международная конвенция о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant1.shtml
10. Европейская конвенция о правовом статусе трудящихся-мигрантов // <https://rm.coe.int/168007733d>
11. Зинченко Н.Н. Международное миграционное право: основы теории и практики. — М.: Научная книга, 2011. С.73.
12. Соглашение о сотрудничестве в области трудовой миграции и социальной защиты трудящихся-мигрантов // <https://lex.uz/docs/2738231>
13. C143 - Migrant Workers (Supplementary Provisions) Convention, 1975 (No. 143) // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312288:NO
14. World Migration Report 2022. Available at: <https://worldmigrationreport.iom.int/wmr-2022-interactive/>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МАХАМАТОВ Махмуд Махаматаминович

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”
кафедраси доцент в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: mmahmud34@mail.ru

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАХАМАТОВ М.М. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) Б. 78-83.

 6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Европа Иттифоқи меҳнат ҳуқуқи билан иттифоққа аъзо-давлатлар миллий меҳнат қонунчилигининг ўзаро алоқаси, миллий қонунчиликка Европа Иттифоқининг таъсири, Европа Иттифоқи меҳнат ҳуқуқининг бошқа давлатлар меҳнат қонунчилигидан фарқли хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан қиёсий таҳлили кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат стандартлари, миллий меҳнат ҳуқуқи, давлатлар қонунчилигидан устун меҳнат ҳуқуқи, меҳнат шароитлари.

МАХАМАТОВ Махмуд Махаматаминович

И.о. доцента кафедры Международного права и прав человека Ташкентского
государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

E-mail: mmahmud34@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ ТРУДОВОГО ПРАВА ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются взаимосвязь национального трудового законодательства государств-членов Европейского Союза с Европейским трудовым правом, влияние Трудового права Европейского Союза на национальное законодательство государств-членов, особенности трудового законодательства Европейского Союза, отличающиеся от законодательства других стран, сравнительный анализ трудового законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: трудовые стандарты, национальное трудовое право, трудовое законодательство, наднациональное трудовое право, условия труда.

MAKHAMATOV Makhmud

Acting Assistant Professor of the Department of International Law and Human Rights
Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: mmahmud34@mail.ru

FEATURES OF THE LABOR LAW OF THE EUROPEAN UNION

ANNOTATION

The article examines the interaction of the national labor legislation of the member states of the European Union with European labor law, the influence of the Labor law of the European Union on the national legislation of the member states, the features of the labor legislation of the European Union, which differ from the legislation of other countries, a comparative analysis of the labor legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: labor standards, national labor law, labor legislation, supranational labor law, working conditions.

Бугунги кунда 4.381.376 кв.км майдонга эга бўлган Европа Иттифоқида 46 тилда сўзлашувчи 100 дан ортиқ миллат вакиллари бўлмиш 500 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Жуғрофий жиҳатдан аъзо давлатларнинг 15 таси Фарбий Европа, 11 таси Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидир. Иккитаси эса (Малта, Кипр) Ўртаер денгизи ҳавзасида жойлашган.

Европа Иттифоқи аъзо давлатлари ўзларининг давлат бошқарув шакли, ҳудудий давлат тузилиши, маъмурий бошқарув шакли, иқтисодий ривожланиш даражаларига кўра турфа хил ранг-баранглик касб этади.

Европа Иттифоқи ва унинг ичидаги интеграциявий жараёнларнинг ҳуқуқий табиати мураккабдир. Ундаги миллий ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ, миллий ҳуқуқ ва Европа Иттифоқи ҳуқуқи, Европа Иттифоқи ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ орасидаги кўп қиррали «параллель чизиқлар» замонавий халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги мутлақо янги воқелиқдир. Европа Иттифоқи ҳуқуқини миллий ҳуқуқий тизимларга имплементация қилиш усуллари эса интеграция жараёнининг энг нозик жиҳатидир [13, – Б. 7.].

Европа Иттифоқида 240 миллиондан ортиқ киши меҳнат фаолиятини олиб боради, шу сабабли ҳам европа меҳнат қонунчилиги таъсири жуда каттадир. Ўз навбатида мамлакатимизда ушбу масалага кам сонли ишлар бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Европа иттифоқига аъзо-давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг жадаллашуви, мамлакатимиз фуқароларининг европа мамлакатларидан меҳнат фаолиятини олиб бориши мазкур тузилма меҳнат қонунчилигини ҳар томонлама ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Европа Иттифоқи меҳнат ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси меҳнат ҳуқуқи сингари халқаро меҳнат ҳуқуқининг барча асосий тамойиллари ва қоидаларига мос. 2021 йил 1 декабр ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг (бундан буён матнда - ХМТ) 18 конвенцияларини ратификация қилган. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан ХМТ конвенцияларини ратификация қилиш ҳолати бир биридан фарқ қилади: Испания (133), Франция (128), Италия (114), Дания, Чехия, Греция, Венгрия (ҳар бири 73) қолган давлатлар нисбатан кам ратификацияни амалга оширган, масалан, Эстония [5]. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳар бири ХМТнинг асосий деб тан олинган барча 8 та конвенциясини ратификация қилган [6].

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқига аъзо давлатлар миллий қонунчилиги меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларга асосланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳуқуқий тизимлари асосан бир хил – роман герман ҳуқуқий оиласига тегишли бўлиб, уларни бир қатор жиҳатлар бўйича ўхшашликларини кўриш мумкин. Хусусан:

биринчиси: ҳуқуқ манбалари бўйича (ҳуқуқнинг асосий манбаи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади);

иккинчиси: кодификация бўйича (Европа Иттифоқига аъзо давлатлар бир қатор давлатларда меҳнат кодекслари мавжуд, яна шуни қайд этиш керакки, бу ерда аксарият ўхшашлик Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига тўғри келади, Фарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида меҳнат муносабатлари фуқаролик кодекслари билан тартибга солинади).

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг ўзига хос жиҳатидан бири у давлатимиз ҳудудида амал қилади, бошқача қилиб айтганда миллий характер касб этади. Европа иттифоқи меҳнат ҳуқуқи эса миллий ҳуқуқдан юқори туриш хусусиятига эга ҳамда барча аъзо-давлатлар учун мажбурийдир. Европа Иттифоқи ваколат доираси аъзо-давлатлар ваколат доираси билан чегараланади ҳамда мутаносиблик ва субсидиарлик тамойили қўлланилади. Европа Иттифоқи фақат аъзо-давлатлар келишиб олган ҳудуд доирасида ҳаракат қила олади. Меҳнат ҳуқуқи давлат доирасида миллий даражада мустақил шакллантирилади, Европа Иттифоқи миллий қонунчиликни тўлдиради.

Тадқиқотчи И.А. Филипованинг фикрига кўра европа меҳнат ҳуқуқи дастлаб, иқтисодий интеграция ва сиёсий контекст билан босқичма-босқич бирлашишга ёрдам берадиган умумий бозорни яратиш воситаларидан бири сифатида ишлаб чиқилган. Кейинчалик Европа ижтимоий модели миллий қонунчиликни уйғунлаштириш орқали ривожлана бошлади [11, С. 203]. М.Шмид ёндошувига кўра “уйғунлаштириш жараёни Европа Иттифоқи даражасида асосий ижтимоий ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, шунингдек, миллий қонунларни яқинлаштиришга қаратилган мослашувчан усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади” [7, Р. 12].

Европа меҳнат ҳуқуқи Европа Иттифоқи ҳужжатларини (асосан ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича) ва Европа Кенгаши ҳужжатларини (инсон ҳуқуқлари бўйича) ўз ичига олади. Шунингдек Европа Иттифоқи ҳужжатларида Европа Кенгаши ҳужжатларига ҳаволалар бўлиши мумкин [1].

Европа ижтимоий хартияси (1996 йил) ва минтақавий халқаро шартномалардан ташқари Европа Иттифоқи қонунчилиги ва суд амалиёти нормалари ҳам Европа меҳнат ҳуқуқининг манбаси ҳисобланади. Европа қонунчилиги Европа Иттифоқи Кенгаши ва Европа парламенти томонидан Европа комиссиясининг таклифига биноан қабул қилинган қоидалар, регламентлар ва директиваларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжатлар таъсис шартномалари асосида қабул қилинади ва шу сабабли ҳам “орттирма ҳуқуқ” деб ҳам аталади [13, Б. 402]. Қарорлар ва регламентлар бевосита қўлланилиш хусусиятига эга, директивалар эса миллий ҳуқуқ нормалари орқали жорий этилади. Директива давлатга маълум муддатга (одатда 3 йил) қонунчилик орқали ижтимоий шериклик ҳужжатларида кўрсатилган мақсадларга эришиш чораларини кўришга мажбурият юклайди. Директива Европа Иттифоқи қонунчилиги тизимида ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳужжатдир. У, асосан, барча аъзо давлатларга, аҳён-аҳёндагина бир ёки бир неча аъзо давлатларга қаратилган бўлиши мумкин. Қолаверса, директиванинг матнини қонунчиликда келтиришнинг ўзи етарли эмас, директивада кўрсатилган мақсадга эришиш учун барча зарур ҳуқуқий чоралар кўрилиши лозим.

Европа Иттифоқи ҳужжатлари миллий ҳуқуқдан устуворликка эга ҳисобланади. Давлат ўз миллий қонунчилигини директивага мувофиқ ҳолга келтирмаса, мазкур ҳолат юзасида Европа Иттифоқи судга шикоят қилиниши мумкин. Баъзи ҳолларда, давлатлар миллий судлар судьялари Люксембургдаги Европа судидан европа ҳуқуқи нормалари талқин қилинишини бевосита сўрашлари лозим ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган масалалар Европа Иттифоқи норма ижодкорлиги натижаси бўлган ҳужжатларнинг айрим хусусиятларига оид жиҳатлар эди. Мазкур ҳужжатлар меҳнат соҳасидаги асосий масалалар, хусусан меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шартномаси, иш вақти, дам олиш вақти, иш ҳақи, ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий шериклик кабиларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳам ўзига хосликка эга бўлиб, қуйида ушбу жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Европа меҳнат ҳуқуқи нормалари, биринчи навбатда, ходимлар саломатлиги ва уларнинг иш хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солади. Европа Иттифоқи Кенгаши раҳбарий кўрсатмалар, европа меҳнат ҳуқуқи соҳасида асосий нормалар – минимал талаблар қабул қилади. Уларга Европа Иттифоқининг барча аъзо-давлатлари томонидан риоя этилиши лозим. Мазкур стандартларнинг мақсади меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат хавфсизлиги даражасини оширишга қаратилган тараққиётни таъминлашдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, Европа стандартлари Европа Иттифоқига аъзо-давлатлар миллий қонунчилигини тўлдиради.

Европа меҳнат ҳуқуқи нормаларининг аксарият қисми директиваларда келтирилган. Масалан, Европа Иттифоқи Кенгашининг 1989 йил 12 июндаги 89/391/ЕЕС доиравий директивасида [2] минимал стандартлар келтирилган бўлиб, унга кўра агарда Европа Иттифоқи аъзо муайян давлатларда ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш даражаси юқори бўлса, уни камайтириш мумкин эмас. Директива иш берувчилар профилактик чоратадбирларни амалга ошириш, хатарларни баҳолаш ва уларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишнинг олдини олиш шарт бўлган меҳнат муҳофазаси соҳасида хавфга йўналтирилган ёндашувни назарда тутди. Европа Иттифоқи Кенгашининг директивалари кўпинча меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги муайян масалалар билан боғлиқ ҳисобланади.

Европа меҳнат ҳуқуқида “европа меҳнат шартномаси” деган тушунча мавжуд эмас. Бироқ меҳнат шартномасининг ўзи мавжуд бўлиб, у умумий қоида кўра номуйян муддатга тузилади, шу билан бирга ҳар бир аъзо-давлат муддатли шартнома қандай ҳолатларда муддатсиз шартномага айланишини белгилаши лозим. Бу ҳақида Европа Иттифоқи Кенгашининг 1999 йил 28 июндаги 1999/70/СЕ рақамли директивасида, шунингдек 1999 йил 18 мартдаги номуайн муддатда иш тўғрисидаги доиравий келишувда белгилаб ўтилган. Бундай ҳолатда иш берувчи ходимни тузилган меҳнат шартномаси шартлари ҳақида иш бошланганидан сўнг 2 ой ичида хабардор қилиши лозим (1991 йил 14 октябрдаги 91/533/ЕЭС рақамли директива).

91/533/ЕЭС рақамли директивада ёзма меҳнат шартномаси, кафолат хати ёки бошқа ҳужжатда мустақамланган меҳнат шартномасининг зарурий шартлари келтирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- тарафларни аниқлаш;
- иш жойи;
- исм (лавозим), малака, тоифа ёки меҳнат вазифаси;
- ишни бошлаш санаси;
- йиллик таътил муддати;
- шартномани бекор қилишда огоҳлантириш муддати;
- иш ҳақининг таркибий қисмлари ва уни тўлаш даврийлиги, қайси валютада тўланиши;
- кундалик ва ҳафталик иш вақти;
- ходим билан боғлиқ ижтимоий шериклик ҳужжатларини эслатиш;
- хорижий хизмат сафарлари муддати (агар мавжуд бўлса).

Бир қатор европа давлатларида меҳнат шартномасини бекор қилишдаги огоҳлантириш муддатига умумий талаб мавжуд эмас. Бу кўп ҳолатларда тармоқ келишувлаи, ижтимоий шерикликнинг бошқа ҳужжатлари билан белгиланади ва шунинг учун ҳам у ҳақида меҳнат шартномасида қайд этиб ўтиш лозим.

Яна бир хусусият шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигидан фарқли равишда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, 74-модда) [4], Европа қонунчилигига кўра меҳнат шартномаси ёзма шаклда бўлиш кераклиги ҳақида талаб мавжуд эмас.

Европа Иттифоқининг шартномавий мажбуриятларга қўлланиладиган ҳуқуқ ҳақидаги 593/2008 рақамли регламентига мувофиқ, агар меҳнат шартномаси турли давлат вакиллари ўртасида тузилаётган бўлса, иш берувчи ва ходим келишувига кўра танланган давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бундай танловда чеклов шундай иборатки, ходим меҳнат фаолиятини олиб бораётган давлат императив талаблари (масалан, иш вақти чегараси, энг кам иш ҳақи ва бошқалар) бузилмаслиги лозим.

Меҳнат шартномасининг мазмунига қатъий чекловларнинг мавжуд эмаслиги, Европа Иттифоқи аъзо-давлатлар қонунчилиги билан мустақил равишда меҳнат шартномасининг қўшимча шартларини белгилаш имконини беради. Масалан, Франция қонунчилигида қуйидаги ҳолатлар келтириб ўтилган:

- ҳаракатланиш ҳолати (иш берувчига ходимни бошқа иш жойига, бошқа жойга ўтказиш имконини бериш);
- рақобатлашмаслик шarti (ходим ишдан бўшаганидан сўнг рақобатчи фирмаларга

ишга жойлашиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги);

- дахлсизлик ҳуқуқи (бу 2017 йилда жорий этилган бўлиб, ходимнинг дам олиш вақти дахлсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган) ва бошқалар.

“Ёлланиб ишлаш соҳасидаги анъанавий бандлик – бу муайян иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида, тўлиқ иш вақтида фаолият олиб боришдир” [14. – Б. 118]. Бунда иш вақти асосий ўрин тутати. Европа меҳнат ҳуқуқи нуқтаи назаридан, иш вақти – бу ходим иш жойида иш берувчи ихтиёрида, ўз иш фаолияти ёки вазифаларини амалга оширишда бўлган бутун даври (Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Иш вақти ташкил этишнинг айрим жиҳатлари тўғрисида”ги 2003/88/ЕС рақамли директива). И.А.Филипованинг эътироф этишига кўра: “Европа меҳнат ҳуқуқи бўйича иш вақтининг бундай “кенг” таърифланиши иш вақтининг иш ҳақи билан тўғридан тўғри боғламайди, балки у фақат ходимларнинг саломатлигини ортиқча юкламадан ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда иш вақтининг бундай талқин қилиниши миллий қонунчилик билан мос эмас” [11, – С. 205].

Дарҳақиқат, Европа Иттифоқи суди амалиётига эътибор қаратилса, Испания, Германия, Франция, Чехия ва бошқа мамлакатлар қонунчилигида 2003/88/ЕС рақамли директива талабларига риоя қилинмаганлик, хусусан иш вақти бу фақатгина ҳақиқатда ишланган вақт ҳисобланиш ҳолати билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилган [3].

2003/88/ЕС рақамли директивага кўра кўра, Европа Иттифоқининг ҳар бир аъзо-давлати ишчиларга давомийлиги камида 4 ҳафта бўлган йиллик ҳақ тўланадиган таътил берилишини таъминлаши лозим. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат кодекси 134-моддасига кўра йиллик асосий таътил 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак [4]. Мазкур муддат халқаро ва европа даражасида белгиланган стандартдан биров фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда “Амалдаги меҳнат қонунчилигимиздан шу нарса англашиладики, беш кунлик иш ҳафтасида шанба куни ходимларнинг анъанавий дам олиш кунлари ҳисоблансада йиллик меҳнат таътилига қўшилиши белгиланган. Бошқача айтганда, Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 52-Конвенция йиллик таътиллари муддатини ҳисоблашда ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидаларни белгилайди. Демак, меҳнат қонунчилигимизга мувофиқ бундай муносабатларда конвенция қоидалари қўлланилиши лозим. Яъни, беш кунлик иш ҳафтасида ишловчи ходимларнинг шанба анъанавий дам олиш кунлари йиллик меҳнат таътилига қўшиб ҳисобланмайди” [10, Б. 104-105].

2003/88/ЕС рақамли директивага қўшимча тарзда Европа Иттифоқи судининг 2009 йил 20 январдаги қарорида ҳақ тўланадиган таътил пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин эмас. Меҳнатга лаёқатсизлик даври бунинг таркибига кирмайди. Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши эса ҳақ тўланадиган ўталмай қолган таътилни пуллик компенсация билан алмаштириш имконини беради.

Ҳуқуқшунос М.Лович қайд этишича “Европа меҳнат ҳуқуқи ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган. Ижтимоий шерикларнинг родини ошириш кўплаб масалаларни қонунчиликни ўзгартирмасдан ва тартибга солиш самарадорлигини оширган ҳолда ҳал этишга имкон беради, чунки ижтимоий шерикларнинг ўзи барча шартларни аввалдан келишиб олади” [8, – Б. 103].

Европа касаба уюшмалари Конфедерацияси ва иш берувчиларнинг энг йирик бирлашмалари бир қатор касблараро келишувларига эришганлар, жумладан масофавий иш тўғрисидаги, зўриқишга қарши, ишда зўрликка қарши ва бошқалар. Яна шуни қайд этиш керакки, ижтимоий шериклар келишувга эришганларидан сўнг ўз келишувларини директива чиқармаган ҳолда миллий даражадаги келишувларга йўналтирадilar. Почта, қишлоқ хўжалигида ва бошқалар соҳалар бўйича европа тармоқ келишувлари ҳам мавжуд бўлиб, улар аввал қабул қилинган директивалар талабларига мувофиқ бўлиши керак. Шу билан бирга Европа Иттифоқи суди уларнинг европа қонунчилигига мувофиқлигини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Тадқиқотчи Е.Н.Егорованинг таъкидлашича: “Европа Иттифоқи меҳнат ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатидан бири, унинг предмети Европа Иттифоқи доирасида Иттифоққа аъзо-давлатлар фуқаро меҳнаткашларининг ишга жойлашиш мақсадида ҳаракатланиш эркинлигини тартибга солишни ҳам қамраб олади. Европа Иттифоқи меҳнат ҳуқуқи бутун

интеграциявий бирлашма ягона меҳнат бозорининг шаклланиши ва фаолият жараёнини тартибга солиди” [9. Б. 12].

Европа меҳнат ҳуқуқининг хусусиятларидан бири бири, Европа меҳнат ҳуқуқида Европа Иттифоқи аъзо-давлатлари миллий қонунчилиги сингари суд амалиёти ҳуқуқ манбаси сифатида тан ҳисобланади. Европа судининг қарорлари миллий қонунчиликдан устуворликка эга деб тан олинган ҳамда миллий судларнинг қарорлари амалдаги қонунчиликни сезиларли даражада тўлдириши мумкин. Масалан, Францияда суд амалиёти натижасида француз меҳнат кодексида назарда тутилмаган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг янги асос яратилган: иш берувчининг айби билан ходим томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ва меҳнат шартномасини суд томонидан бекор қилиш [12. Б.41].

Кўриб турганимиздек, Европа Иттифоқига аъзо-давлатлар миллий меҳнат қонунчилиги мавжуд фарқларига қарамай, европа меҳнат ҳуқуқи умумий нормалари орқали миллий қонунчилик нормаларини бир хиллаштириш тенденцияси кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида Европа Иттифоқи умумий маконида янада муваффақиятли ривожланиш имконини беради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Directive (EU) 2018/957 of the European Parliament and of the Council of 28 June 2018 amending Directive 96/71/EC concerning the posting of workers in the framework of the provision of services. PE/18/2018/REV/1 <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A32018L0957>

2. Директива 89/391/ЕЭС О введении мер, содействующих улучшению безопасности и гигиены труда работников на производстве. http://online.budstandart.com/ru/catalog/doc-page?id_doc=47940

3. Request for a preliminary ruling pursuant to Article 98(1) of the Rules of Procedure of the Court of Justice/ Case C-477/21 - <https://curia.europa.eu/juris/showPdf.jsf?text=work%2Bhour&docid=247290&pageIndex=0&doclang=EN&mode=req&dir=&occ=first&part=1&cid=587062>

4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси - <https://lex.uz/docs/142859>

5. Ratifications by country - <https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:11001::NO:::> (05.12.2021й.)

6. Ratifications for Uzbekistan - https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:11200:0::NO:11200:P11200_COUNTRY_ID:103538 (05.12.2021й.)

7. Schmitt M. Droit du travail de l'Union européenne. Bruxelles: Larcier, 2012. – P. 12.

8. Löwisch M. Labor Law in Europe // Ritsumeikan Law Review. 2003. №20. – С. 103.

9. Егорова Е.Н. Основы трудового права Европейского Союза. Автореферат дисс. На соиск. уч. ст. к.ю.н. по спец. 12.00.10 – Международное право; Европейское право. – М., 2013. – С. 12.

10. Махаматов М.М. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган таътиллارга оид халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021). – Б. 104-105.

11. Филипова И.А. Трудовое право Европейского союза: общие черты и отличия в сравнении с российским трудовым правом. // Вестник Нижегородской академии МВД России, 2018, № 1 (41). – С. 203; 205.

12. Филипова И.А. Основания и особенности прекращения трудового договора по современному российскому и французскому трудовому законодательству // Государство и право. 2016. №3. – С. 41.

13. Yunusov X.M. Yevropa Ittifoqi huquqi: Darslik. – 3-nashr. – Toshkent: JIDU, 2019. – B. 7; 402.

14. Махаматов М. Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. №2 (2020). – Б. 118.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

GAFUROVA Nozimakhon

Head of Department of International law and human rights of Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

ALMOSOVA Shahnoza

Lecturer of Department of International law and human rights of Tashkent State University of Law
E-mail: shaxnoz_08@mail.ru

PRACTICAL ASPECTS OF THE CONCEPT OF THE RULE OF LAW

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): GAFUROVA N., ALMOSOVA SH. PRACTICAL ASPECTS OF THE CONCEPT OF THE RULE OF LAW // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2021) P. 84-91.



6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-6-12>

ANNOTATION

In the article, the rule of law is positioned as a universal principle of ensuring human rights, the main value of modern society. The history of formation, legal nature, the content of the rule of law as a principle, a legal phenomenon and a conceptual approach to modern human rights have been studied. Besides, the foreign experience of the implementation of the rule of law has been analyzed in the context of the CIS countries, as well as universal and regional international organizations and researched mechanisms for ensuring the rule of law. The principle of the rule of law is presented as the only effective means of ensuring the inviolability of democracy, as well as one of its main features, and its provision and control is a guarantee of ensuring human rights to the extent that decent living conditions are created for every person. The article also analyzes the value of the Rule of Law Index of the World Justice Project (WJP) on the example of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: rule of law, constitutional rights, the rule of law index, limitation of government institutions' competence, absence of corruption, order and security, protection of fundamental rights, transparency of government institutions, compliance with laws, civil justice, criminal justice.

GAFUROVA Nozimaxon Eldarovna

Toshkent davlat yuridik universiteti “Xalqaro huquq va inson huquqlari” kafedrası mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (Phd), dotsent
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

ALMOSOVA Shahnoza Sobirovna

Toshkent davlat yuridik universiteti
“Xalqaro huquq va inson huquqlari” kafedrası o'qituvchisi
E-mail: shaxnoz_08@mail.ru

HUQUQ USTUVORLIGI KONSEPSIYASINING AMALIY JIHATLARI

АННОТАЦИЯ

Maqolada huquq ustuvorligi inson huquqlarini ta'minlashning umuminsoniy tamoyili, zamonaviy jamiyatning asosiy qadriyati sifatida keltiriladi. Huquq ustuvorligining shakllanish tarixi, huquqiy tabiati, tamoyil va huquqiy hodisa sifatida, shuningdek, zamonaviy inson huquqlariga konseptual yondashuv sifatidagi mazmuni o'rganiladi. Bundan tashqari, MDH davlatlari, universal va mintaqaviy xalqaro tashkilotlar doirasida huquq ustuvorligini tatbiq etishning xorijiy tajribasi tahlil qilinib, uni ta'minlash mexanizmlari ko'rib chiqiladi. Huquq ustuvorligi prinsipi demokratik daxlsizlikni ta'minlashning yagona samarali vositasi hamda uning asosiy belgilaridan biri sifatida namoyon bo'lib, uning ta'minlanishi va nazorat qilinishi har bir inson uchun yaratilgan munosib turmush sharoiti darajasini ta'minlash kafolatidir. Maqolada, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi misolida Jahon Adliya loyihasi (WJP) huquq ustuvorligi indeksining ahamiyati tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: huquq ustuvorligi, konstitutsiyaviy huquqlar, huquq ustuvorligi indeksi, davlat institutlari vakolatlarini cheklash, korrupsiyaning yo'qligi, tartib va xavfsizlik, asosiy huquqlarni himoya qilish, davlat institutlarining shaffofligi, qonunlarga rioya qilish, fuqarolik odil sudlov, jinoiy odil sudlov.

ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна

Заведующий кафедрой Международного права и прав человека Ташкентского
государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам(PhD), доцент
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

АЛМОСОВА Шахноза Собировна

Преподаватель кафедры Международного права и прав человека Ташкентского
государственного юридического университета,
E-mail: shaxnoz_08@mail.ru

ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИИ ВЕРХОВЕНСТВА ПРАВА

АННОТАЦИЯ

В статье верховенство права позиционируется как универсальный принцип обеспечения прав человека, главной ценностью современного общества. Изучены история становления, правовая природа, содержание принципа верховенства права, правового явления и концептуального подхода к современным правам человека. Кроме того, проанализирован зарубежный опыт внедрения верховенства права в странах СНГ, Евросоюза, США и исследованы механизмы обеспечения верховенства права. Принцип верховенства права представлен как единственное эффективное средство обеспечения неприкосновенности демократии, а также как одно из его основных черт, а его обеспечение и контроль являются гарантией обеспечения прав человека в той мере, в какой достойные условия жизни созданы для каждого человека. В статье также анализируется значение Индекса верховенства права Всемирного проекта правосудия (WJP) на примере Республики Узбекистан.

Ключевые слова: верховенство права, конституционные права, индекс верховенства

права, ограничение компетенции государственных институтов, отсутствие коррупции, порядок и безопасность, защита основных прав, прозрачность государственных институтов, соблюдение законов, гражданское правосудие, уголовное правосудие.

The rule of law is a universal principle of ensuring human rights and is becoming the main, basic value for the development of a modern democratic civil society. Increasingly, the concept of “rule of law” is being introduced in the system of legal conceptual apparatus of many countries, including the Republic of Uzbekistan. More recently, even lawyers were unable to distinguish between the concepts of “rule of law” and “supremacy of the law”. “Supremacy of the law” refers to rule of legal acts, i.e. written norms. Now everyone knows clearly that the supremacy of law is one of the components of several principles of ensuring the rule of law.

In 2005 the UN Secretary-General Kofi Annan noted: “it is necessary to get rid of need and fear, but that is not enough. All people have the right to be treated with dignity and respect”, – in his report called “In Larger Freedom: Towards Development, Security and Human Rights for All” (A/59/2005), [paragraph 27]. The guarantee of ensuring such dignified treatment and respect for people is the full enjoyment of human rights, and the rule of human rights for their protection” [1].

A legal democratic state is a state in which the rule of law is implemented. Insufficient certainty of the content of the category of the rule of law is largely due to the controversial nature and the absence of unambiguous answers to key questions that can give an idea of this phenomenon. What is the legal basis and content of the rule of law? What does law mean in this case and over what types of acts and levels of regulation does it have rule? What is meant by ensuring the rule of law and what are its mechanisms? Is it advisable to single out and assess the rule of law as an independent legal phenomenon for the development of legal doctrine and practice?

